НИЛУФАР НАМАЗОВА

ТУРКИСТОНДА МИЛЛИЙ МАТБУОТ ЯШАШ УЧУН КУРАШ МАЙДОНИДА

ISBN 978-9910-5186-2-1

НИЛУФАР НАМАЗОВА

ТУРКИСТОНДА МИЛЛИЙ МАТБУОТ ЯШАШ УЧУН КУРАШ МАЙДОНИДА

МОНОГРАФИЯ

“TUBO-NASHR”
ТОШКЕНТ – 2026

УЎК 070.1(575.1)(091):94(575.1)
КБК 76.01(5Ў)+63.3(5Ў)
Н 23
Намазова Нилуфар
Туркистонда миллий матбуот яшаш учун кураш майдонида [Матн]/ Н. Намазова; – Тошкент: “Tubo nashr”, 2026. 136 бет.

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Ҳалим Саидов,
филология фанлари доктори, профессор

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Аъзамахўжаев С.,
тарих фанлари доктори, профессор
Жуманова С,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Ушбу монографияда XX асрнинг 1906–1940 йиллари оралиғидаги ўзбек миллий матбуотининг шаклланиши, ривожланиши ва мураккаб сиёсий-ижтимоий шароитларда яшаб қолиш механизмлари “яшовчанлик иммунитети” концепцияси асосида таҳлил қилинган. Асарда жадид матбуоти ва шўро матбуоти тажрибаси қиёсий ўрганилиб, миллий матбуотнинг озодлик ғояси, маърифий миссия, аудитория ишончи ва ижтимоий эҳтиёж билан боғлиқ равишда юзага келгани илмий асосланади. Шунингдек, мустамлакачилик сиёсати, цензура, мафкуравий босимлар ва институционал чекловлар шароитида матбуотнинг функционал барқарорлиги, жамоатчилик билан алоқаси ҳамда институционал давомийлигини сақлаб қолиш омиллари очиб берилади. Монография медиа тарихи, журналистика назарияси ва замонавий ОАВнинг барқарор ривожланиш масалаларига қизиқувчи тадқиқотчилар, талабалар ва соҳа мутахассислари учун муҳим илмий манба ҳисобланади

Монография Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси илмий кенгашининг 2026 йил 10-сонли баённомиси асосида нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9910-5186-2-1

© Нилуфар Н, 2026
© “TUBO-NASHR” нашриёти, 2026

КИРИШ

XXI аср ахборот маконида оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни тобора мураккаблашиб бормоқда. Ахборот ишлаб чиқариш ва тарқатиш жараёнларининг тезлашуви, рақамли технологиялар тараққиёти, медианинг янги шакл ва платформаларга кўчиши матбуотнинг вазифаси, таъсир кучи ва яшовчанлиги ҳақида қайта ўйлашни тақозо этмоқда. Бугун матбуотнинг фақат мавжудлиги эмас, балки унинг жамоатчилик билан алоқасини, ишончини, маъно ва мазмун жиҳатдан аҳамиятини сақлаб қолиши муҳим масалага айланди. Шу жиҳатдан ўзбек миллий матбуотининг тарихий тажрибаси, айниқса, 1906–1940 йиллар оралиғидаги мураккаб ва зиддиятли жараёнлар бугунги медиа тараққиётини англаш учун ҳам муҳим илмий асос беради.

Ўзбек миллий матбуоти тарихи мазкур даврда бир неча сиёсий тузумлар, турли мафкуравий йўналишлар ва кескин ижтимоий ўзгаришлар шароитида шаклланди. Чор империяси, Муваққат ҳукумат ва шўро ҳукумати даврида матбуот турлича ҳуқуқий, сиёсий ва ахборот муҳитида фаолият юритди. Бу жараёнларда у бир томондан цензура, маъмурий босим, иқтисодий қийинчиликлар ва мафкуравий чекловларга дуч келган бўлса, иккинчи томондан жамиятни маърифий уйғотиш, миллий онгни шакллантириш, ижтимоий фикрни ҳаракатга келтириш вазифасини бажарди. Шу боис 1906–1940 йиллар ўзбек матбуоти тарихини ўрганиш фақат ўтмишдаги нашрлар фаолиятини тасвирлаш эмас, балки матбуотнинг яшаб қолиш, ўзини тиклаш ва ўз вазифасини сақлаш механизмларини англаш имконини беради.

Ушбу китобда матбуотнинг яшовчанлиги масаласи марказий назарий йўналиш сифатида танланган. Матбуотнинг яшовчанлик иммунитети деганда унинг ташқи босимлар,

ички инқирозлар ва ўзгарувчан ижтимоий муҳит шароитида ҳам ўз функционал вазифаларини, жамоатчилик билан алоқасини ва институт сифатидаги давомийлигини сақлаб қолиш қобилияти назарда тутилади. Бу тушунча матбуотни фақат ахборот тарқатувчи восита сифатида эмас, балки жамият эҳтиёжи, аудитория ишончи, маърифий мақсад, институционал таянч ва маъно-семантик мазмун билан боғлиқ мураккаб ижтимоий тизим сифатида кўришга имкон беради.

Асарда жадид матбуоти тажрибасига алоҳида эътибор қаратилган. Чунки миллий матбуот халқнинг маърифий эҳтиёжи, тараққиётга интилиши ва эркин фикрга бўлган талабидан туғилди. Жадид зиёлилари газета ва журналларни шунчаки хабар етказиш воситаси сифатида эмас, балки миллатни уйғотиш, жамиятни ислоҳ қилиш, замонавий билим ва тафаккурни кенгайтириш майдони сифатида тушундилар. Шунинг учун жадид матбуотининг яшовчанлиги унинг иқтисодий ёки ташкилий имкониятларидан кўра кўпроқ ғоявий собитлик, фидойилик, аудитория билан руҳий-маънавий боғлиқлик ва ижтимоий зарурат билан изоҳланади.

Ишнинг манбалар базасини архив ҳужжатлари, даврий нашрлар материаллари, тарихий ва назарий адабиётлар ташкил этади. Улар орқали Туркистондаги ахборот муҳити, цензура ва назорат механизмлари, жадид нашрларининг пайдо бўлиши ва ёпилиши, шўро матбуоти тизимининг шаклланиши, аудитория билан боғлиқ муаммолар ҳамда матбуотнинг ижтимоий вазифалари ёритилади. Манбаларга таянилган ҳолда матбуот тарихи оддий хронологик воқеалар занжири сифатида эмас, балки яшаш учун кураш, мослашиш, ўзгариш ва маънони сақлаб қолиш жараёни сифатида талқин этилади.

Миллий матбуот тарихи нафақат ўтмишни ўрганиш, балки бугунги ва келажак медиа тараққиёти учун ҳам муҳим сабоқлар манбаидир.

1-ФАСЛ
XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА АХБОРОТ МУҲИТИДА МИЛЛИЙ МАТБУОТНИНГ ЎРНИ

XIX – XX аср биринчи ярмида жаҳон матбуоти катта ютуқларга эришди: оммавий аудиторияга эга бўлди, газета саноати шаклланди, почта, телеграф, темир йўл каби инфратузилмалар ахборот алмашинувини улкан даражада тезлаштирди. Бироқ шу билан бирга, матбуот сиёсий, мафкуравий босимлар, тижорий манфаатлар исканжаси остида яшаш учун курашишга мажбур бўлди. Бу жараёнга назар солсак, ҳар бир мамлакат матбуоти ўзига хос яшовчанлик омилларига эга бўлгани, яъни яшовчанлик иммунитети ҳар бир давлат матбуотида турлича шаклда ифодалангани аён бўлади.

Жумладан, Америка матбуоти тижоратлашув, реклама индустрияси, медиа бозорининг ривожланиши жараёнларида ўзлигини сақлаб қолиш учун журналист текшируви (investigative journalizm), ҳукумат ва капитал устидан жамоат назоратини ўрнатиш сингари функциялари орқали яшовчанлик иммунитетини барқарор ушлаб турди.

Европадан Франция матбуотига назар солсак, Француз инқилоби даврида сиёсий партияларнинг ўзаро кураши, Наполеон ҳукумронлиги даврида кучли цензура, лицензия, марказлаштириш сиёсати, кейинги беш бора республика тизимининг ўрнатилиши, монархия билан кураш жараёнларида мамлакат матбуоти ҳам катта синовлар чиғириғидан ўтди. Айтиш жоиз, сиёсий режим қандай бўлишидан қатъи назар, француз матбуотининг яшовчанлиги ҳар доим эркин сўз, ҳур фикрни сақлаш иммунитети орқали намоён бўлди.

XX аср бошларида Туркистон (Ўзбекистон) матбуотида ҳам ўзига хос яшовчанлик иммунитети шаклланди, курашчанлик салоҳияти намоён бўлди. Бу ўзига хослик шундаки, матбуот оддий ахборот воситаси эмас, балки мустамлака бўлган халқнинг озодлиги, ривожланишдан ортда қолган миллатнинг тараққиёти учун маърифий уйғониш, онгли ислоҳотлар жараёнини бошқариш воситасига бўлган эҳтиёж туфайли шаклланди. Миллий матбуот миллий эҳтиёждан туғилди, маърифий ғоя билан қувватланди, фидойи зиёлилар жасорати, иродаси ила мустамлакачилик ҳамда ички инқирозлар синовларига бардош берди. Қисқа қилиб айтганда, унинг яшовчанлиги омиллари озодликни ҳаёт-мамот масаласи деб билган, лекин буни тадрижий, тараққиёт йўли билан амалга оширишни режалаштирган зиёлиларнинг мақсади ва бу мақсад йўлидаги собит ҳаракати билан боғлиқ равишда кечди.

Маълумки, Туркистонда миллий матбуот маҳаллий халқнинг тараққиёти, эркин фикр ва сўзига қатъий мустамлакачилик чекловлари қўйилган муҳитда, ўлкада чор ҳукумати нашрлари ташкил этилганидан 36 йил ўтиб (1870 – 1906) дунё юзини кўрди. Айни жараёнларда биз бугун жадидлар деб атайдиган тараққийпарвар зиёлилар газета ва журналлар ташкилотчиси, фаол ҳимоячиси сифатида майдонга чиқди. Жадидчиликнинг ўзи каби матбуот ҳам миллий манфаатлар, мустақиллик ғоясига содиқликдан куч олди, қайта-қайта тикланди, мақсаддан оғишмасдан фаолият юритди.

Ўзбек матбуоти қисқа вақтда катта ўзгаришлар юз берган давр – чор империяси (1906–1917), Муваққат ҳукумат (1917 йил феврал – ноябр) ва шўро ҳукумати (1918 йилдан) ҳукмронлиги даврида – янги муҳитда яшаб қолиш, турли тўсиқларга қарамай ўз сўзини айта олиш учун курашди. Сиёсий бошқарув тизими, давлатнинг ёндашуви, мафкуравий

йўналишлари билан фарқланадиган бу уч тарихий босқични бирлаштириб турган умумий жиҳат – матбуотнинг тараққийси, ундан янги жамият қурилишида унумли фойдаланиш истаги доимий долзарб бўлиб қолди. Бу жараёнда Туркистон зиёлиларининг йўқотилган икки авлоди: жадидлар ва улардан кейинги авлоднинг фидокорона меҳнати туфайли ўзбек матбуоти шаклланди, кенгайди, (нотўғри ўзанда бўлса-да) ривож топди.

Шу ўринда айтиш лозимки, бу "ўзгарувчан муҳит" фақат сиёсий тузумлар алмашинуви билангина эмас, балки ҳар бир тарихий босқичда кечган ижтимоий-сиёсий эврилишлар, матбуотнинг яшаб қолишига тўсиқ бўлган ёки аксинча, уни қўллаб-қувватлаган бошқарув механизмлари, турли ижтимоий қатламлар ўртасидаги ихтилофлар билан тавсифланувчи барқарор бўлмаган жамият ҳамда ана шу шароитда шаклланган ҳар бир даврга хос янги медиа муҳит хусусиятлари билан ўзига хосдир. Бу даврда империянинг изчил ҳукмронлик сиёсатидан ташқари, матбуотнинг ривожланишини чекловчи қатор ички омиллар ҳам мавжуд эди.

Бундай муҳитда "ўзбек миллий матбуотининг тутган ўрни қандай бўлди, Туркистон халқи ҳаёти ва келажагида унинг тарихий вазифаси нималардан иборат эди?" сингари саволларга жавоб топиш "яшовчанлик иммунитети" тушунчаси моҳиятини тарихий аспектда очиб бериш имкониятини туғдиради. Шундан келиб чиқиб, ушбу фаслда ўлкада ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар жараёнида юзага келган медиа муҳит, миллий матбуотнинг шаклланишини тарихий воқелик билан боғлиқ ҳолда очиб беришга ҳаракат қиламиз. Бу кейинги бобларда воқеалар тафсилотига қайта-қайта тўхталмаслик учун ҳам зарур бўлади.

Бу давр медиа муҳити уч ахборот канали: 1) расмий-империявий: ҳукуматга тегишли рус тилидаги газеталар, расмий бюллетенлар, ҳарбий-маъмурий ахборот каналла-

ри, телеграф, почта; 3) рус зодагонлари, айрим тақиқланган партияларнинг либерал характердаги нашрлари; 3) маҳаллий-миллий: маҳаллий тиллардаги газета ва журналлар, халқаро алоқалар, масжид ва мадрасалардаги маърузалар, анъанавий оғзаки ("гап"лар, суҳбат, мажлислар) ахборот тарғиботидан иборат эди.

Бу уч канал ўртасидаги муносабат қарама-қарши ва бир вақтнинг ўзида ўзаро таъсирчан ҳамда умумий томонларга эга эди. Россия империясининг матбуотга оид сиёсий-ҳуқуқий нормалари, назорат тизими: нашрга рухсат олиш, унинг ёпилиши, мусодара қилиниши, цензура, муҳаррир ва муаллифларни полиция томонидан чақирув, доимий кузатув, суд, сургун, қамоқ жазолари Россиянинг яна битта губернияси деб қаралган Туркистонда ҳам қўлланилди. Булар билан бирга, ўлка матбуотини бошқарув ишларида алоҳида ташкилотлар ҳам фаол иштирок этди. Чунки илк миллий нашрларнинг (1906–1907 йиллар) танқидий руҳи, таъсир кучи шу қадар кенг бўлдики, уни бошқаришда ҳукумат янги кучишлатар ташкилотларни ишга солишга мажбур бўлди (масалан, Охранка).

Аслида миллий нашрлар дунё юзини кўрмасиданоқ, Туркистондаги ҳукмрон доиралар матбуотни мустамлакачилик сиёсати учун жиддий таҳдид сифатида баҳолади. Шу боис унинг юзага чиқмаслиги учун барча чораларни излади. (Бу ҳақда батафсил кейинги бобда тўхталамиз.) Бошқа мусулмон халқлари билан алоқалар, айниқса, Исмоил Гаспринский ва унинг "Таржумон" газетасининг таъсири рус ҳукуматини чўчитди. Маълумки, Гаспринский Туркистон жадидларининг кўзини очган "Таржумон" газетасини 1883 йили Қримнинг Россия тасарруфига ўтганининг 100 йиллиги муносабати билан ҳамда рус ва татар тилларида нашр этиш шарти билан чиқаришга муваффақ бўлади.[1]

1. Исмоил Гапринский ва Туркистон. Тўплам. Наим Каримов. Туркий

“Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори полиция департаментига 1901 йилда ёзган хатида “Исмоилбек Гаспринский ўзининг “Таржумон” газетасини бор кучи билан тарқатишга интилмоқда. Бу асосан, Тошкент шаҳрида яшаётган татар зиёлиларига хат орқали мурожаат қилиш, шахсан Туркистон ўлкасига келиб таниш орттириш йўли билан амалга оширилмоқда”[1], деб ахборот беради. Шунинг учун бошқа ҳудудларда ҳам қатъий назорат ва кузатиш олиб борилди. Жумладан, Полиция департаментининг Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига 1900 йил 31 декабр санаси билан ёзган “Мутлақо махфий” хатида[2] “Сўнгги вақтларда татар адабиётида мутлақо янги руҳдаги қарашлар пайдо бўлмоқда. Бу қарашлар Россия давлатининг 14 миллиондан ортиқ мусулмон аҳолисининг кўп асрлик ҳаёт тарзини издан чиқариш хавфини туғдирмоқда”, дейилади. Унда И.Гаспринский ва бошқа татар партиялари фаолияти ҳақида маълумот берилиб, ўзи бошқараётган ҳудудда мусулмон аҳоли орасидаги ҳар қандай ҳаракат ва кайфиятларга ниҳоятда эҳтиёткорлик ва сергаклик билан муносабатда бўлиш, татарларнинг таъсири бор-йўқлиги қатъий текширилиши зарурлиги сўралади.

Андижон уезди бошлиғининг 1901 йили 14 мартда Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига ёзган рапортида бу ҳудудда маҳаллий аҳолиси орасига рус татарлари ўртасида кузатилган янги прогрессив қарашлар кириб бормагани, Андижон почта конторасы томонидан Боғчасаройда чиқа-

---

дунё юлдузи. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси. 2005. 15-бет.

1. Исмоил Гапринский ва Туркистон. Тўплам. Сирожиддин Аҳмад. Тарихий ҳақиқат. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси. 2005. 34-бет

2. ЎзР МДА. Ф. И-1. Оп. 4. Д. 275. В. 1–2 орқаси. // Абашин.С.Н. Туркестан в имперской политике в России: монография в документах. – Издательство Кучкевое поля. 2016

риладиган Гаспринскийнинг “Таржумон” газетасидан етти нусхаси олингани маълум қилинади.[1]

Худди шунингдек, Ош уезди бошлиғининг Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига 1901 йил 15 мартда ёзган “Мутлақо махфий” рапортида[2] “Таржумон” газетаси таҳририяти билан яқин алоқада бўлган шахслар мавжуд эмаслиги, ўтган йили беш нафар шахс мазкур газетага обуна бўлгани, бироқ газета тили ҳатто Қозон татарлари учун ҳам тушуниш қийин бўлгани учун жорий йилда обуначилар сони биттагача камайгани ахбороти берилган.

Полиция департаментига Янги Марғилон шаҳридан 1901 йил 16 мартда берилган “Махфий” ахборотда татарлар “Фарғона вилояти мусулмон аҳолисига умуман таъсир этмагани, “таълим олувчиларнинг ақлий доирасини кенгайтирмайдиган, аксинча, маълум миқдордаги эски китобларни ёдлаш орқали уни иложи борича торайтирадиган мусулмонларни тарбиялайдиган” мактаблар тизимида ўзгариш бўлмагани хабари берилиб, “бундай мактабларнинг мавқеини ҳомий сифатида сақлаб қолиш икки томонлама фойда беради: биринчидан, аҳоли кўз ўнгида гўё мусулмон анъаналарини асраб-авайловчи ва улар севган қадимийликнинг ҳомийси сифатида симпатиялар биз томонда қолади; иккинчидан эса, янги ғояларнинг тарқалиш хавфи бартараф этилади” [3], дейилади.

Мазкур ҳужжатлардан маълум бўладики, Туркистон халқини ташқи прогрессив таъсирлардан ҳимоялаш учун

1. ЎзР МДА. Ф. И-1. Оп. 4. Д. 275. // Абашин.С.Н. Туркестан в имперской политике в России: монография в документах. – Издательство Кучкевое поля. 2016. С. 584.
2. ЎзР МДА. Ф. И-1. Оп. 4. Д. 275. // Абашин.С.Н. Туркестан в имперской политике в России: монография в документах. – Издательство Кучкевое поля. 2016. С. 585.
3. ЎзР МДА. Ф. И-1. Оп. 4. Д. 275. // Абашин.С.Н. Туркестан в имперской политике в России: монография в документах. – Издательство Кучкевое поля. 2016. С.586.

ҳали миллий матбуот пайдо бўлмасдан олдин турли чоралар кўриб борилган.

Бироқ янги етилиб келаётган ижтимоий ўзгаришлар миллий уйғониш жараёнларини тўхтата олмади. Дунё саҳнида бўлаётган воқеалар: Шарқ халқларининг Европа мустамлакачилигига қарши курашлари ва ғалабаси мустамлака халқларда озодлик курашига ҳавас қўзғагани, ана шундай кайфият Туркистонда ҳам кучайганлигини рус сиёсий разведкаси пайқади.[1] Шунинг учун ҳукумат Туркия сингари мамлакатлар билан боғлайдиган ришталарни узишга ҳаракат қилди. Ўлкада 1900–1906 йилларда ахборот алмашинувининг тезлашуви: Туркия, Эрон, Миср, Ҳиндистон мамлакатларида чиқаётган ўнлаб газета[2] ва турли китобларнинг кириб келиши, ҳаж ва савдо сафарлари туфайли дунёни кўриш, тараққиётга, озодликка интилаётган бошқа халқлар билан алоқалар, мамлакатнинг ўзида чор ҳукуматига қарши кучайиб бораётган инқилобий кучлар фаолияти маҳаллий халқнинг Россия ва Шарқ давлатларидаги сиёсий жараёнларни кузатиш, баҳо бериш имкониятини кучайтирди.

Ваҳоланки, ўлка халқини сиёсий онгсизликда ушлаб туришга интилган икки куч: чор ҳукумати ва маҳалий ҳукмдорлар бу интилишларга жим қараб турмади. Мустабид ҳукумат ҳаж сафарларини чеклаш, четдан кираётган матбуот, адабиётни тақиқлаш, илғор фикрлиларни кузатувга олиш, янги уйғонаётган маърифатпарварлик ҳаракатига тўсиқлар қўйишга куч берган бўлса, маҳаллий ҳукмдорларнинг ҳоки-

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти. – 2000. – 322-бет.

2. “Сирожул ахбор афғония” (Кобул, 1914–1915) газеталари ҳамда “Сироти мустақим” (Истанбул, 1911–1925), “Таъруфи муслимин” (Истанбул, 1910 –1911), “Мулла Насриддин” (Тифлис, 1909 – 1911)журналлари.

миятни йўқотиш қўрқувидан тақиқлар қўйиши, ҳуфяларни кўпайтириши кучайди. Масалан, чор Россиясининг хуфяларидан бири Бухоро аҳлининг сиёсий савияси тўғрисида мулоҳаза юритиб, "улар сиёсатдан гапиришга амирнинг хуфяларидан қўрқадурлар, чунки амирнинг хуфялари ниҳоятда кўп бўлиб, сиёсий бир гап эшитсалар, ушлаб, дарров зиндонга соладирлар"[1], деб ахборот беради.

Ҳукумат четдан кирадиган таъсирлардангина эмас, балки мамлакатнинг ичидаги жараёнлар, Россияда бошланган 1905 йилги сиёсий инқилоб таъсирида Туркистонда рус ишчиларининг давомли иш ташлашлари сиёсий талаблар билан кучайиб бориши маҳаллий халққа ҳам ўз таъсирини кўрсатишидан чўчиди. Тошкент шаҳар думаси ноиблари 1905 йил 28 июлда подшога ёзган петицияларида руслар ўртасидаги ихтилоф "рус таъсирини бўшаштириб, рус давлати куч-қудрати ҳақида нохуш тасаввур уйғотиши мумкин", деб ёзишди.[2]

Махфий сиёсий полиция бошлиғи Васильев қўлга киритган телеграммалардан бирида эса "Бугун митингга русча гапирувчи ерлилар келишиб, бизнинг ҳаракатимиз билан қизиқишди ва нималар бўлаётганини тушуниш учун эски шаҳарга нотиқ юборишимизни сўрашди. Биз уларга иш ташлаганимиз сабабларини тушунтириб, уларни митингларимизда қатнашишга таклиф қилдик", дейилади. Тошкент стачка қўмитаси раиси А.П.Гольберт имзо чеккан яна бошқа телеграммада эса "ерли аҳоли иш ташлашимизга хайрихоҳлик билан қарашмоқда" дейилган. Яна бир маълумотномада рус эсерлари сафида маҳаллий халқнинг мавқега эга ва-

1. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. – Тошкент: Университет. –1999. – 30-бет.
2. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти. – 2000. – 399-бет.

киллари ҳам борлиги безовталик билан қайд қилинган.[1]

1906 йилга келиб ҳукумат махфий хизматларининг бундай ахборотлари оқими кучайди. Маҳаллий зиёлиларнинг мактаблар ислоҳидан бошланган ҳаракати ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига қаратилаётгани кундан-кун аёнлаша борди. Туркистонда сиёсий партиялар фаолиятини яхши ўрганган француз разведкачиси майор Лякоста 1906 йилда ўз мамлакатига йўллаган хуфяномасида: "Туркистон ўлкасидаги энг эътиборли ва келажаги порлоқ сиёсий куч социал демократлар (большевик ва меньшевиклар) ёки социал инкилобчилар (эсерлар), ё кадет ва либераллар эмас, балки ўзбек жадидларидир"[2], деб ёзади.

Кўринадики, туркистонлик зиёлиларнинг жипслаша бошлагани, уларнинг уйғонишдан, курашчанликдан далолат берувчи кайфияти четдан кузатувчиларнинг ҳам, ҳукуматнинг ҳам эътиборини тортди.

Шу аснода сўз эркинлигини берган 1905 йилги 17 октябр манифестидан кейин Россиянинг бошқа ҳудудларидаги мусулмонлар томонидан "Вақт" (Оренбург, 1907–1917), "Шўро" сингари 30 га яқин нашрлар чиқди. Туркистон зиёлилари ҳам бу газеталарда мақолалари билан қатнашди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий 1906 йили ҳали миллий нашрлар чиқмаган феврал ойида "Улфат" газетасида чиққан мақоласида Хива хони ва сарой аҳлини "Улфат" газетасига обуна бўлганини ибрат қилиб кўрсатиб, "... биз Осиёи вустолари ваҳмиға кетиб фанния ўқумоқ бир гуноҳ эди; алҳамдуллилоҳ, ўйла гуноҳлар бу саналар савобға мубаддал бўлуб, ҳомийи ислом аҳли қадрхонларимиз, мадори шариат қози-

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти. – 2000. – 403-бет.
2. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. – Тошкент: Университет. 1999. 33-бет.

ларимиз... жаридалардан истифода этмоға бошладилар”[1], дейди. Мақолада Беҳбудий Бухоронинг тўртдан бирига тенг Сербия мамлакатида икки миллион халқи учун олтмишдан зиёд, 2 миллиондан зиёд юноний грекларнинг 200 дан зиёд газетаси борлигини, 9 миллионга яқин Ўрта Осиё мусулмонларининг бир газетаси йўқлигини ёзар экан, “энди газета ўқумоқға бошладиқ, шўйла кетаберса, Бухоро, Хива ёинки Ўрта Осиё сокиналаридан бир-икки газета чиқар, балки бир қоч аср сўнгра Сербия каби тараққий эдар. Ҳайҳот! Ибрат лозим!..” дейди.

Ва ниҳоят Россия мустабидлигидаги бошқа мусулмон халқларидан кечикиброқ бўлса-да, Мунавварқорининг тадбиркорлиги билан биринчи миллий нашр – “Тараққий” газетаси чоп этилди. Унинг кетидан “Хуршид”, “Шуҳрат”, “Осиё”, “Тужжор” газеталари чиқди. Бироқ бу нашрлар тезлик билан 8, 10, 20 та сони чиқиб, ҳукумат томонидан ёпилди. Чунки илк миллий нашрлар ҳукуматнинг қўрққанидан ҳам катта таъсирга эга бўлди.

Илк миллий нашрлар ёпилгач, Туркистон жадидлари маълум вақт матбуотсиз қолган бўлсалар-да, ғоявий курашлар асло тўхтамади[2]. Яна бир ўзига хослик шундаки, бу жараён чор Россиясининг барча ўлкаларида ҳам давом этди[3].

Матбуотнинг яшовчанлиги ижтимоий зарурати туфайли 1912–1915 йилларда Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғонада маҳаллий зиёлилар газета очиш учун рухсатнома олишга муваффақ бўлишди. Давр ҳозиржавоблик билан иш кўриш-

1. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. – Тошкент: Академнашр. –2021. – 273-бет.
2. Бу ҳақда қаранг: Saidov H. Rossiyani tashvishga solgan maqola. Behbudiy “Ta’rix va jug‘rofiya”da millat ziyolilariga qanday murojaat bilan chiqqan? // https://oyina.uz/uz/article/2281
3. https://libmonster.ru/m/articles/view/Пресса-и-государство-в-России-1906-1917-гг

ни, янги муҳитга тез мослашиш, цензорлик талабларини инобатга олган таҳрир, ҳушёрлик, тадбиркорлик кабиларни талаб этарди. Барча уринишларга қарамай, ушбу давр нашрларининг фаолияти бир йилдан ортиқ давом этмади. Жадидлар матбуотининг иккинчи даври деб айтиладиган бу босқич нашрларининг ёпилишига бир қанча сабаблар бор. (Бу ҳақда кейинги бобда кенгроқ тўхталамиз.)

Жадид матбуотининг учинчи даври – 1917 йил феврал – 1918 йил бошлари Туркистон халқи учун мураккаб ва чигал воқеаларга бой давр бўлди. Халқнинг қарийб кейинги юзйилликка чўзилган тақдири мана шу даврда ҳал бўлди. 1917 йил 2 мартда Россия императори тахтдан воз кечди. Туркистонда учта ҳокимият: европалик ишчи ва солдатларнинг органлари бўлган Туркистон советлари, Муваққат ҳукумат органлари ролини ўйнашга даво қилган ижроия қўмиталар ҳамда маҳаллий аҳолининг ваколатли органи сифатида 14 мартда Тошкентда тузилган “Шўрои исломия” жамияти сиёсий жараёнлар бошига келди.[1]

Туркистондаги мана шу уч сиёсий кучнинг съездлари чақирилди: биринчи бўлиб 7-15 апрелда чақирилган ишчи, солдат депутатлари Советларининг 1 съезди Туркистон халқлари учун муҳим бўлган ўлка мухторияти, миллий тенгсизликликни тугатиш масаласига ҳеч қандай муносабат билдирмади. Унда қатнашган 265 депутатнинг ҳаммаси европаликлар эди;

Туркистон ижроия қўмиталарининг 9-17 апрел кунлари ўтказилган 1- съездида федератив тузум ҳақидаги фикрлар асл моҳияти билан Туркистон ўлкасининг кўп миллионли туб аҳолиси манфаатларига менсимай қарашдан, унинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига беписандлик билан му-

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-жилд. – Тошкент: Шарқ нашриёт матбаа консерни Бош таҳририяти. – 2000. – 26-бет.

носабатда бўлишидан иборат бўлди.[1] Съездда Туркистон халқларига мухториятдан фойдаланиш имконияти айни пайтда эмас, кейинчалик берилиши лозимлиги таъкидланди.

Ўлкада маҳаллий халқ томонидан "Шўройи Исломия" ташкилотидан бошқа "Турон" жамияти ва Турк Адами Марказияти фирқаси, "Иттифоқи Муслимин", Қўқонда "Ғайрат", Бухорода "Ёш бухороликлар", Хоразмда "Ёш хиваликлар", Самарқандда "Иттифоқ" каби 200 га яқин турли ташкилоту жамиятлар тузилди.[2] Туркистон халқи сиёсий жараёнларга тортилди. Бироқ илгаридан давом этиб келаётган жадид ва қадим ихтилофлари бу даврда янада кескинлашди. 1917 йил июнида "Шўрои уламо" жамияти "Шўрои исломдан" ажралиб чиқди. Унга қозоқ, монархист Шерали Лапин раҳбарлик қилган. У бора-бора жамият аъзоларига ўз қарашларини сингдирган, халқ орасида юриб, жадидларга карши турли бўҳтонлар тарқатган[3]. Адиб Халид: "Лапин фигураси жамиятда уламолардан-да кенгроқ қатлам жадидларга қарши бўлганининг яққол намунасидир"[4], дейди.

Жадидларга қарши қадимчиларнинг ҳаракатлари ўлим билан таҳдидлар, бўҳтонлар, уларга қарши европаликлар билан келишувларда кўзга ташланди. Бухорода Амир Олимхон қадимчиларни юқори мансабларга кўтарди. 6 май куни Холмурод Тошкандий жадидларни "осий ва ёғий", уларнинг жони ва мулки истаганга ҳалол, деб фатво берди.[5]

1. Ражабов Қ. Туркистон мухторияти тарихи. – Тошкент: Фан. – 2023. – 29-бет.
2. Аъзамахўжаев С. Туркистон мухторияти. – Тошкент: Маънавият. – 2000. – 77-бет.
3. Ражабов Қ. Туркситон мухторияти тарихи. – Тошкент: Фан. – 2023. – 83-бет.
4. Адиб Халид. Ўзбекистон таваллуди. – Тошкент: "Akademnashr". – 2022. – 64-бет.
5. Адиб Халид. Ўзбекистон таваллуди. – Тошкент: "Akademnashr". – 2022. – 66-бет.

Сентябрда ўтказилган конгрессда уламолар “Дин ва дунё ишлари бир-биридан ажратилмасин, яъни масжид, мактаб ва мадрасадан тортиб ер, суд ҳукм ишларига қадар ҳаммаси шариат асосларига мувофиқ ҳал қилинсун”[1] , деб қарор чиқардилар. А.Халид уларнинг бу уринишларини “аслида ўзларининг ҳокимлиги-ю ўтган ярим асрда вужудга келган ижтимоий тузумни сақлашга қаратилган эди[2], дейди. Бироқ ислоҳатпарвар уламолар муфти Садриддинхон Шарифхўжа ўғли бошчилигида “Уламо” жамиятига муқобил тарзда “Шўрои Фуқаҳо” жамиятига ажралиб чиқишди.

1 ноябрда болшевиклар ҳокимиятни қурол кучи билан қўлга олди. Москвадан кейинчалик Тошкентга келиб ишлаган машҳур эмиссар Георгий Сафаров бу воқеаларни тасвирлаб: “Мантиққа зид бўлишига қарамасдан, Туркистонда большевиклар партияси совет ҳокимиятини эмас, балки совет ҳокимияти ҳамда уни ташкил қилиш зарурияти бу ерда большевиклар ва сўл эсерлар партиясини яратди. Бунинг оқибати шу бўлдики, большевиклар ва сўл эсерлар партияси дастлабки кунлардан бошлабоқ авантюристлар, амалпарастлар ва жиноятчи унсурларнинг бошпанасига айланди”[3], дейди.

Тошкентдаги Халқ Комиссарлари Кенгаши Туркистон мусулмонлари ваколатли съездининг мамлакатни идора қилишни ерли халқ қўлига топшириш ҳақидаги қарорини рад этганидан кейин 1917 йил 26 ноябрда Қўқон шаҳрида Ўлка мусулмонларининг IV фавқулодда съезди иш бошлади. 27 ноябр куни кечаси Туркистонни федератив Россия республикаси таркибида ҳудудий жиҳатдан мухтор деб эълон қилинди. Ташкил топаётган мазкур давлатнинг номи

1. Уламо съездининг қарорлари. // “Улуғ Туркистон” газетаси. 1917 йил, 30-сентябр.
2. Адиб Халид. Ўзбекистон таваллуди. – Тошкент: “Akademnashr”. – 2022. –67-бет.
3. Ражабов Қ. Туркистон мухторияти тарихи. – Тошкент: Фан. – 2023.

“Туркистон Мухторияти” деб аталди. Ҳокимиятни Таъсис съезди чақирилгунга қадар Туркистон Муваққат Кенгаши ва Туркистон Халқ (Миллий) Мажлиси қўлида бўлиши таъкидланди. Халқ мажлиси таркибига вакил сайланганда учдан бир ўрин европалик аҳоли вакиллари учун ажратилди.[1]

Туркистон Мухторияти ташкил қилингандаен кейин Халқ Мажлиси томонидан асосий қонунлар лойиҳаси тайёрланди, ўзбек, қозоқ, рус тилида бир неча оммавий нашрлар чоп этила бошлади. Уларни чоп этишда Мухторият хукумати ҳисобига ўтган Обиджон Маҳмудовнинг босмахонаси жуда қўл келди.

Февраль тўнтаришидан сўнг матбуот сиёсийлашди. Тузилган кўплаб ташкилотларнинг газета ва журналлари юзага келди. Жумладан, Шўрои ислом ташкилотининг “Шўрои ислом”, “Кенгаш” газеталари, “Турон” уюшмасининг “Турон” газетаси, Турк адами марказият (федералист) партиясининг “Турк эли” газетаси, “Уламо” жамиятининг ношир афкори “Ал-Ислоҳ” ва “Ал-Изоҳ” журналлари, “Фуқаҳо” жамиятиники эса “Изҳорул-ҳақ” журнали нашр қилинди. Турли уюшма ва ташкилотлар томонидан “Кенгаш”, “Ҳуррият”, “Юрт” деган журналлар чиқарилди. Мазкур газета ва журналлар Туркистон ўлкасида ҳукм сурган сиёсий ва ижтимоий хаётни цензурасиз батафсил ёритди.

Тошкентдаги совет ҳукумати Туркистон Мухториятини ўзи учун хавфли деб билди ва қандай бўлмасин уни йўқотишга тайёргарликни бошлади. Совет комиссари большевик П.Г.Полторацкий I фавкулодда съездда сўзга чиқиб: “Биз камбағалларнинг мухториятига қарши эмасмиз, аммо биз бойларнинг мухториятига қаршимиз. Биз буржуазия қўлидаги ҳокимиятни ўзимиз учун тортиб олганимиз йўқ, биз ишчи синфи ва камбағаллар учун тортиб олдик. Биз хо-

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-жилд. – Тошкент: Шарқ нашриёт матбаа консерни Бош таҳририяти. – 2000. – 51-52-бетлар.

кимиятни рус буржуазияси қўлидан мусулмон буржуазияси қўлига топшириш учун тортиб олганимиз йўқ. Биз мусулмон меҳнаткашларини ўз тарафимизга қўшилишлари учун ишлаб келдик ва ишлайверамиз", дейди.

Туркистон большевиклари раҳбарларидан бўлган И.Тоболин эса 1918 йилнинг 19-26 январида бўлиб ўтган Туркистон ўлка советларининг IV съездида: "Мухториятни ҳозир, зудлик билан амалга ошириш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Зеро, мухториятнинг энг биринчи шартига кўра бу ўлкадан ҳарбий қўшинлар олиб чиқиб кетилиши керак... Мамлакатнинг уруш ҳолатида эканлигини назарга олган ҳолда, бизлар мухторият ҳолатидаги ва ҳатто мустақил давлатни ташкил этиш учун тайёргарлик ишларини бошлаб юборамиз", деб Туркистон Мухториятини очиқдан-очиқ инкор этди.

Кўп ўтмай, тарихдан маълум, Туркистон мухторияти ағдарилди. Қўқон шаҳрида болшевиклар томонидан тайёрланган "Тинчлик шартномаси" имзоланди. Унинг иккинчи бандида "Аҳоли ўлка Халқ комиссарлари Совети ва барча маҳаллий совет ташкилотларини тан олади", деб ёзилган эди. Тез орада болшевиклар ҳукумати бир қанча декретларини чиқарди. Улар орасида матбуот тўғрисидаги декрет ҳам бор эди.

Бу декретга асосан Туркистондаги мавжуд матбуот нашрлари ёпилди, жумладан, жадид матбуоти тақдирига нуқта қўйилди. Энди ўлкада янги медиамуҳит шакллана бошлади.

Шу ўринда айтиш лозимки, Туркистон(Ўзбекистон)даги 1906–1940 йиллар медиамуҳитини икки даврга бўлиб тавсиф бериш мумкин.

1. Жадид матбуоти етакчи ахборот канали бўлган чор ҳукумати даври медиамуҳити.

2. Болшевик ахборот монополияси ўрнатилган тоталитар давр медиамуҳити.

Иккинчи давр тафсилотларига ўтишдан олдин биринчи даврга қисқача изоҳ бериб ўтиш лозим.

Туркистонда матбуот ташкил этилган 1870 йилдан 1918 йилгача ахборот тизими ҳуқуқий жиҳатдан чор ҳукумати томонидан бошқарилди. Лекин таъсир кучи, ўқилиши жиҳатидан жадид матбуоти етакчилик қилди. Ахборот маконини бошқаришда чор ҳукумати Охранка, цензура, ҳуфялар хизмати сингари бир қанча сиёсий тузилмалардан унумли фойдаланди.

Илк миллий нашрларнинг таъсир кўлами кенг бўлгани учун улар ёпилиши билан Петербургга хизмат қилувчи рус махфий сиёсий полицияси Туркистон район муҳофаза бўлими – "Охранка" ташкил қилинди. "1907 йил июнь ойида Туркистон ўлкасига Сиёсий тергов ишларини бошқариш учун Ички ишлар вазирлиги амалдори юборилди. У шу йили Туркистон генерал-губернатори канцеляриясы ҳузурида ташкил этилган махсус бўлимга раҳбарлик қилди. 1907 йилнинг охирида ушбу махсус бўлим ўрнига Туркистон бўлими ташкил этилди ва уни жандармия полковниги бошқарди. Охранка бўлими ўлкада сиёсий тергов ишлари билан шуғулланган. Унга жандармия полиция бошқармалари бўлимлари бўйсунарди"[1].

Туркистон генерал губернатори маҳкамасидаги сиёсий ёзишмаларга оид махсус бўлим подполковниги Васильев "Охранка" раҳбари полиция мансабдори Л.Квицинский билан ҳамкорликда ишлади. Ўлка бўйлаб ахборот йиғишда мустамлака маъмуриятининг барча арбоблари жалб этилиши лозим ва улар асл мақсадни "билдирмасликлари, бу ишни эҳтиёткорлик билан, мулоҳаза-идрок ила ва энг яхшиси, шахсан амалга оширишлари лозим", деб алоҳида кўрсатма берилди.[2] Шундай қилиб, ўзбеклар "сиёсий идо-

1. Фонд 461, 2468-бўлим. Туркистон район сақлов бўлими.
2. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-жилд. – Тошкент: Шарқ нашриёт

ра” деб атаган “Охранка” ўзбек миллий нашрлари ва барча тараққийпарварларни доимий кузатув остига олди ва уларнинг фаолиятига тўсиқлар қўйди. Охранка сиёсий назоратни амалга оширувчи махфий полиция сифатида журналист ва муҳаррирларнинг шахсий ҳаёти, сиёсий алоқалари, миллий ва диний тарғиботга оид фаолиятини кузатиб борди.

Шу ўринда мазкур давр медиа муҳитида Охранка ва бошқа турли идоралар томонидан жалб этилган ҳуфялар фаолияти шунчаки ёрдамчи восита эмас, балки ахборот тўплаш, назорат ўрнатиш ва жамоатчилик кайфиятини ўрганишга хизмат қилган алоҳида тизим сифатида бошқарувда катта таъсирга эга бўлганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Бу ҳолатга оид мисоллардан бири сифатида Туркистон район қўриқлаш бўлими бошлиғининг Туркистон Генерал-губернаторига ёзган “Мутлақо махфий” рапортида (1917 йил 30 январь. № 30)[1] ҳуфялар томонидан етказилган маълумотларни келтириш мумкин. Унда 1915 йили ёпилган “Садойи Туркистон” газетасининг муҳаррири Убайдулла Асадуллахўжаев 1916 йили газетани Андижонда очишга ҳаракат қилганини, эндиликда 1917 йил январ ойидан бошлаб “Туркистанский голос” газетасининг муҳаррири А.Чайкин раҳбарлигида чиқарилиши режалаштирилгани баён қилинади. Ҳужжатда “хуфялардан олинган маълумотларга кўра “Садои Туркистон” газетасининг амалдаги муҳаррири сифатида Тошкентдаги янги усул мактабининг машҳур ўқитувчиси Мунавварқори Абдурашидхонов фаолият юритади. Газетанинг илк икки сони Мунавварқори Абдурашидхоновнинг бевосита назорати остида чиқади, кейин эса у яна Тошкент шаҳрига қайтиб, “Садои Туркистон” газетаси учун тайёр мақолаларни юбориб туради... “Садои Туркистон” га-

матбаа консерни Бош таҳририяти. –2000. – 291-бет.

1. ЎзР МДА (ЦГА РУз), Ф. И-461, рўйхат 1, иш 1919, 7–7 орқа варақлар. Нусха (отпуск) 327.

зетасининг чиқиши устидан кузатув ўрнатилган", деб ахборот берилади. Маълумки, "Садойи Туркистон" газетаси зиёлиларнинг саъй-ҳаракатларига қарамай, қайта нашр қилинмади. Бунинг сабаби маъмурий-бюрократик чекловлар, цензура билан биргаликда юқоридаги сингари хуфяларнинг ҳиссаси ҳам катта бўлгани архив ҳужжатларидан аён бўлади.

Бу каби маълумотлар мустамлака маъмурияти миллий матбуотни яширин кузатув ва босим механизмлари орқали ҳам қатъий тарзда назорат қилганини кўрсатади. Бироқ шунга қарамай, жадидлар матбуот орқали ўз фаолиятини изчил давом эттиргани миллий матбуотда муайян даражада "яшовчанлик иммунитети" шаклланганини тасдиқлайди.

Ўлкада босма маҳсулотларнинг тарқалишини чеклаш масаласи бўйича тизимли сиёсат олиб борилди. Ҳукумат маҳаллий аҳолининг ахборот муҳитини имкон қадар торайтиришга катта эътибор қаратди. Шунинг учун босмахоналар ва босма маҳсулотлар сонини ошириш, босма маҳсулотлар таннархини пасайтиришга қаратилган ташаббусларга узоқ йиллар қаршилик кўрсатилди. Мазкур сиёсатнинг амалда қандай ишлаганини Тошкент шаҳридаги типо-литография эгаси, 1-гильдия савдогари С.И.Лахтиннинг М.Г.Черняевга ёзган аризаси (1884 йил 13 январь)[1] ва унга берилган жавоб яққол тасдиқлайди. Аризада Шарқ (мусулмон) тилларидаги китобларни нашр этишда цензура масаласи жиддий тўсиқ бўлаётгани баён қилинади. Петербургдаги Цензура қўмитасига мурожаат қилиш узоқ вақт талаб этиши сабабли, Тошкентнинг ўзида маҳаллий цензор лавозимини жорий этишни сўрайди. У аризада маҳаллий аҳолида китобларга

1. ЦГА РУз. Ф. И-1. Оп. 1. Д. 2574. Л. 1-2 об // Абашин.С.Н. Туркестан в имперской политике в России: монография в документах. – Издательство Кучкевое поля. 2016. С. 387.

катта талаб борлиги, шу боис, Ҳиндистондан контрабанда йўли билан кириб келаётган мусулмон китоблари типографияларга кучли рақобат туғдираётгани, маҳаллий цензор тайинланса, саноат ривожланиши, илмий-тарихий материаллар нашр этилиши ва маҳаллий аҳолининг ўзларига яқинлашишига хизмат қилишини асослайди.

Ушбу ариза бўйича чиқарилган маъмурий резолюцияда Тошкентда нашр этилаётган мусулмон китоблари сонини аниқлаш учун қўшимча маълумот тўплаш Туркистон Генерал-губернатори ҳузуридаги махсус топшириқлар бўйича катта амалдор, Коллеж маслаҳатчиси Южаковга топширилади.

Южаков 1884 йил 8 июль ойида берган рапортида[1] Тошкентда мусулмон китоблари босилиши ҳолатини ўрганиб, бу даврча фақат савдогар Лахтинга тегишли битта хусусий типо-литография мавжудлиги ва унда атиги тўртта мусулмон китоби қайта босилганини қайд этади. Шу сабабли, унинг фикрича, алоҳида мусулмон нашрлари учун доимий цензор лавозимини жорий этишга ҳали асос йўқ. Лахтин бу соҳада катта иқтисодий имконият борлигини кўрсатса-да, Южаков масалага давлат манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашади. У аввал қабул қилинган (1882–1883 йй.) цензура тартиби Туркистон шароити учун етарли деб ҳисоблайди ва хусусий нашрлар мазмунига қараб, турли мутахассислар орқали текшириш амалиётини сақлаб қолишни маъқуллайди. Янги цензура идораси ташкил этишга эрта, деган хулосани қўллаб-қувватлайди. “Мусулмон ғоялари ўзининг ёпиқлиги, торлиги ва муросасизлиги билан иқтисодий ва ақлий тараққиётга ёрдам бермайди, аксинча, уни тўхтатади ва ҳатто унга душмандир. Шу сабабли мусулмонликни ри-

1. ЦГА РУз. Ф. И-1. Оп. 1. Д. 2574. Л. 4-12 об. // Абашин.С.Н. Туркестан в имперской политике в России: монография в документах. – Издательство Кучкевое поля. 2016. С.390.

вожлантириш умуминсоний манфаатлар нуқтаи назаридан ҳам зарарли", дейди. Унинг таъкидлашича, муқим аҳолига аллақачон мусулмон ғоялари сингиб кетган, аммо Марказий Осиё аҳолисининг асосий қисми кўчманчилардан иборат бўлиб, улар мусулмонликни фақат номига қабул қилган, моҳиятан эса патриархал бутпарастлардир. Давлатнинг асосий вазифаси қирғизларни[1] мусулмонлашувдан асрашдир. Улар содда, ишонувчан ва таъсирчан бўлиб, аста-секин рус қонунлари, саводхонлиги ва бошқаруви орқали тўлиқ ассимиляция қилиниши мумкин. Шу тарзда "Лахтиннинг тижорат жиҳатдан фойдали корхонаси рус иши учун Марказий Осиёда шубҳасиз зарар келтиради. Ҳиндистондан келаётган мусулмон китоблари эса жиддий хавф туғдирмайди, чунки улар жуда қиммат ва кенг оммага етиб бормайди. Сиёсий мазмундаги кичик рисолалар эса полиция назорати остида" деган хулоса қилинади.

Бу ҳужжат нафақат ўша давр сиёсий муҳит, балки ахборот муҳитининг ҳам қандай кечганини кўрсатади. Босмахоналар фаолияти ривожлантирилмаслиги натижасида газета ва журналларни моддий-техник таъминлашда ҳам жиддий муаммоларга дуч келинган, бу миллий матбуот фаолиятининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатган. Жадид зиёлилари битта китобни чиқариш учун Петербургдан бериладиган цензура рухсатномасини уч йиллаб кутгани тарихдан маълум. Туркистон учун алоҳида цензура комитети таъсис этилмагани сабаби ҳам шунда аёнлашади.

Бу ҳужжатдан яна бир нарса – ҳукуматнинг "контрабанда йўли билан тарқалган" нашрлардан ва Туркистон аҳолисининг босма маҳсулотга талаби юқорилигидан хабардорлиги англашилади. Дарҳақиқат, XX аср бошларида Туркистонда норасмий ва кўпинча давлатдан мустақил ахборот оқим-

1. Б.Дўстқораевнинг ёзишича, рус ҳукумати ўзбекларни сартлар, қозоқларни – қирғизлар, қирғизларни – қорақирғизлар деб атаган.

лари ҳам мавжуд эди. Туркистон зиёлилари ташқаридан кириб келадиган ўнлаб газеталарни ўқиб борган. Биргина "Таржумон"ни туркистонликлар ташналик билан мутолаа қилиб боргани ҳақида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг "Таржумон" газетасини "мадрасанинг қозон қўядиган қоронғу ҳужраларинда эшикни ичидан беклаб, ўшанда ҳам қўрқуб-қўрқуб ўқур эдик"[1], деган гапларини эсга олсак ўринли бўлади. Бундай эътирофлар бошқа зиёлилар томонидан ҳам кўп айтилган.

Мустабид ҳукумат ахборот майдонида аудитория эътибори учун кураш масаласига алоҳида аҳамият берган. Шу мақсадда "Туркистон вилояти газети"ни ўлка бўйлаб кенг тарқатишга интилган. Бу сиёсат Вақтинчалик Туркистон генерал-губернаторининг вилоятлар ҳарбий губернаторларига йўллаган циркуляр хатида (1915 йил 16 апрель, № 08544)[2] ўз ифодасини топган. Хатда шундай дейилади: "Ишлаб чиқариш кучларига бой ва кенг Туркистон ўлкаси аллақачон Империя иқтисодий ҳаётида қимматли ва ўта муҳим ҳудудга айланди. Хусусан, сўнгги йилларда Туркистонга рус пахтачилик саноатининг марказига айланиш вазифаси юклатилди. Бу орқали саноатимизни Америка пахтасига бўлган қарамликдан халос этиш кўзда тутилмоқда. Ушбу улкан вазифани амалга ошириш, яъни бой ва иқтисодий жиҳатдан қудратли Рус Туркистонини барпо этиш учун ҳукумат ҳозирга қадар ҳам, келгусида ҳам ирригация ишларига, колонизацияга, агрономик, саноат ва бошқа турли тадбирларга жуда катта маблағлар сарфлаган ва сарфлаши лозим бўлади".

1. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. – Тошкент: Университет. –1999. – 25-бет.
2. ЦГА РУз. Ф. И-462. Оп. 1. Д. 478. Л. 291-291 об. // Абашин.С.Н. Туркестан в имперской политике в России: монография в документах. – Издательство Кучкевое поля. 2016. С 326-327.

Ҳужжатда мазкур харажатлар самарали бўлиши учун, тили ва дини Россия аҳолисиникидан фарқ қилувчи маҳаллий тузем аҳолиси ушбу тадбирлардан асосий манфаатни, аввало, ўзи олишига, барча ислоҳотлар доимо маҳаллий аҳолининг манфаатларига қаратилганига қатъий ишониши лозимлиги таъкидланади. “Афсуски, хусусий мусулмон матбуоти на қарашларининг содиқлиги, на воқеликни тўғри англаши билан ажралиб туради, аксинча, кўпинча идораларимиз фаолиятига нисбатан душманона муносабатда бўлади. Бунинг сабаблари, бир томондан, мазкур фаолиятни юзаки билганлик, иккинчи томондан эса қотиб қолганлиги ва фанатизмидир”[1], дейилади.

Хат муаллифи маҳаллий матбуотни “деярли тўлиқ татар келиб чиқишига эга бўлиб, маҳаллий ҳаётдан анча узоқ” деб таърифлайди. Мусулмон аҳолининг кенг қатламлари орасида ҳукуматнинг қарашлари ва мақсадларини тўғри англашни шакллантиришда давлат ҳокимияти фақат шу газетага (“Туркистон вилояти газети”) таяна олади, дейди.

Шу муносабат билан циркуляр хатда: “Сиздан тасарруфингиздаги уезд маъмурияти мансабдорлари орқали ушбу газетанинг Сизга ишониб топширилган вилоят аҳолиси орасида янада кенг тарқалишига кўмаклашишингизни сўрайман”, дейилади.

Ҳужжат охирида “Барча уезд бошлиқларига, Тошкент шаҳри бошлиғига ва Амударё бўлими бошлиғига” деган кўрсатма берилган. Бу ҳужжатга жавобан “Туркистон тузем газетаси”ни аҳоли орасида тарқатишга кўмаклашиш ҳақида”(1915 йил 16 апрель, Тошкент ш., № 08544)ги губернатор ёрдамчиси, генерал-майор Геппенер имзоси билан иккинчи ҳужжат “Рус қисми – Тошкент шаҳри полицмейстерига, ижро учун” чиқарилган.

1. ЦГА РУз. Ф. И-462. Оп. 1. Д. 478. Л. 291-291 об. // Абашин.С.Н. Туркестан в имперской политике в России: монография в документах. – Издательство Кучкевое поля. 2016. С 326-327.

Бундай уринишларга қарамай “Туркистон вилояти газети”нинг тиражи 1000 дан ошмаган.

Бундан англашиладики, Россия империясининг Туркистон аҳолисига қаратилган ахборот сиёсати очиқ зўравонлик, яъни ҳукумат нашрларини ўқишга мажбурлаш эмас, балки кўпроқ ишонтиришга таянилган. “Туземец”ларнинг мустабид давлатга хайрихоҳлигини ошириш учун ана шундай эҳтиёткорлик билан, узоқни кўзлаб йўл тутилган. Кейинчалик матбуотни зўравонлик билан ўқитиш, мажбурият юклаш шўро ахборот сиёсатига хос бўлди.

Маъмурият хусусий мусулмон матбуотини “душманона”, “фанатик”, “маҳаллий ҳаётдан узоқ” деб таърифлаши ҳам аслида миллий матбуотнинг мустақил фикр майдони сифатида шаклланганидан далолат беради. Бу жадидчилик ғоялари, публицистиканинг танқидий руҳи ва ижтимоий фаоллиги ҳукумат учун хавфли ахборот муҳитини яратаётганини тасдиқлар эди.

Юқорида айтганимиздек, Туркистон генерал-губернаторлиги даврида “Охранка” фаолияти билан бирга цензура ҳам мустамлакачилик сиёсатининг бир қисми сифатида намоён бўлди. Туркистонда ҳам Россиянинг матбуот бўйича чиқарилган ҳуқуқий меъёрларига амал қилинди. А.Антонов-Овсиенконинг маълумот беришича, Россия матбуотининг ҳуқуқий мақомини белгилаб берган асосий ҳужжат 1890 йилда тасдиқланган ва Россия Империяси қонунлар тўпламида эълон қилинган “Цензура ва матбуот устави” бўлган. Бу ҳужжат Ички ишлар вазирлиги таркибида илгарироқ ташкил этилган Матбуот ишлари бўйича Бош бошқарма ходимларининг вазифаларини ҳам батафсил белгилаб берган. Унда ички ва хорижий цензура таърифлари, даврий нашрлар билан ишлашда цензорларнинг вазифалари ва бошқа қоидалар аниқ баён қилинган.[1]

1. Антонов-Овсеенко А. Роль периодической печати в формировании

Б.Дўстқораев берган маълумотга кўра: “1905–1907 йилларда рус ишчиларининг инқилобий чиқишлари туфайли ҳукумат цензурани юмшатишга мажбур бўлди. Ўлка марказидаги нашрлар учун генерал-губернаторлик ҳузуридаги хизматчилар(одатда, таржимонлар)дан цензорлар тайинланадиган бўлди... 1905 йил 17 октябрь манифести асосида матбуот эркинлиги берилгач, Россиянинг турли шаҳарларида, ўлкаларида кўплаб газета ва журналлар ташкил этила бошлади. Буларнинг барчасини марказдан – Петербургдаги цензура қўмитасидан ўтказишнинг имкони бўлмасди. Шу боис цензура туғрисидаги уставнинг “Даврий нашрлар тўғрисида муваққат қоидалар” деб аталган 114-моддасига 1905 йил 24 ноябрда илова қабул қилинди”[1]. Биринчи жаҳон уруши бошлангач жорий этилган “Ҳарбий цензура тўғрисидаги низом”га кўра чекловлар яна кучайтирилган. Николай II томонидан “Ҳарбий цензура тўғрисидаги вақтинчалик Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги фармонига кўра бош қўмондон ёки алоҳида армия қўмондонига, уруш муваффақияти учун зарур бўлган ҳолларда, ўз ваколати билан ўз ҳудудидаги ҳар қандай йиғилишларни тақиқлаш, даврий нашрларни тўхтатиб туриш, почта юборишларини ва телеграммаларни қабул қилишни чеклаш ҳуқуқи берилди[2].

Бу давр цензурасининг ўзига хослиги шундаки, XX аср бошларида олдиндан назорат институти бутунлай бекор қилинган[3]. Бу жадид матбуотида танқидий мақолаларнинг кўплаб чиқишига имкон берган. Мақола чиққандан кейин

общественного сознания в России в 1917 г. Диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук. –2013. – С.47.

1. Дўстқораев Б. Журналистика тарихи. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. 2009. 103-бет.

2. Антонов-Овсеенко А. Роль периодической печати в формировании общественного сознания в России в 1917г. Диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук. –2013. – С.65.

3. https://opentextnn.ru/old/censorship/russia/sov/libraries/books/blium/total/index.html@id=561

муҳаррирлар маҳкамага чақирилган. Масалан, “Тараққий” газетаси 4 марта жавобгарликка тортилган.[1] Нашр сонини мусодара қилиш, нашрни вақтинча ёки мутлақо ёпиш, муҳаррирни суд жавобгарлигига тортиш кенгроқ ёйилган.

Кейинроқ, шўро ҳукумати даврида мақола босилмасидан олдин текшириб, “хавфли” деб топилган ўринларни чиқариб ташлаш ёки бутун матнни қайтариб юбориш кенг тус олди.

1917 йилга келиб, юзага чиққан эркинликлар даврида “Русское слово” газетаси март ойи охирида кадетлар партияси томонидан ишлаб чиқилган “Матбуот тўғрисидаги қонун” лойиҳасини эълон қилди. Лойиҳанинг биринчи сатрларида шундай дейилган эди: “Матбуот эркин. Цензура энди ва абадий бекор қилинади”[2]. Феврал инқилоби жараёнида матбуот ишлари бўйича қўмита, полиция ва жандармерия бошқармалари тугатилди. Муваққат ҳукуматнинг биринчи муҳим қарори барча сиёсий ва диний ишлар бўйича амнистия эълон қилиш бўлди. 1917 йил 5 мартда янги ҳокимият сўз, матбуот, иттифоқлар, йиғинлар ва иш ташлаш эркинлигини расман эълон қилди.

1917 йил 27 апрель куни Муваққат ҳукумат “Матбуот тўғрисида”ги қарорни ва у билан бир вақтда, 1917 йил 27 апрелда “Матбуот ишлари бўйича муассасалар тўғрисида”-ги қарорни ҳам қабул қилди. Бу ҳужжатга мувофиқ, Матбуот ишлари бўйича Бош бошқарма, Чет эл цензураси қўмитаси, барча маҳаллий цензура органлари ва матбаа инспекторлари тугатилди.

Бу эса Туркистонда ҳам сиёсий матбуотнинг эркин фаолият юритишига асос бўлди. Туркистон миллий матбуоти

1. Зарипов О. “Тараққий” – Россия империяси қатағонига учраган илк миллий газета // Ўзбекистон тарихи журнали, 2022. 3-сон.

2. Антонов-Овсеенко А. Роль периодической печати в формировании общественного сознания в России в 1917 г. Дисс... на соискание ученой степени доктора филологических наук. – 2013. С.65.

сиёсий жараёнларни ёритишда (ҳарбий цензурани эътиборга олмаганда) эркин фаолият юритди. Бироқ бу жараён узоқ давом этмади.

Туркистонда янги медиамуҳитнинг шаклланиш жараёнлари болшевикларнинг ҳокимият тепасига келиши, Ленин декрети асосида нашрларни бирин-кетин ёпилиши билан бошланди. 1918 йил ўртасида янги шўро газеталари ташкил этилди. Бу газеталар дастлабки йиллардагина болшевиклар олиб бораётган сиёсатни имкон қадар рўй-рост, танқидий ёритиб борди.

Бир томондан ташқи хавфларнинг эҳтимолий таҳдиди, иккинчи томондан, ўлкадаги миллий озодлик ҳаракати Совет давлатини оғизга сиққунча ваъдалар беришга мажбур қилди.

1918 йил ўлка Советларининг 4 съездида И.О.Тоболин агар Туркистон халқи автономия эмас, Россиядан тўлиқ ажралиб чиқишни хоҳласа, биз уларнинг бу ҳуқуқини ҳам тан оламиз. Бироқ биз ким бўлишидан қатъи назар буржуазияга қарши курашамиз. Ҳокимиятни уларга бериб қўймаймиз, дейди. Амалда у реал автономияга қарши чиқади. [1]

1918 йил апрелда Тошкентда ўтган ишчи, аскар ва деҳқон депутатларининг 5 съездида РСФСР таркибида Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (баъзи манбаларда Россия Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси) тузилгани эълон қилинади. Совет ҳокимияти шу тариқа гуёки туркистонликларга совет автономияси бошқарувидаги “миллий давлатчилик” ва “мухторият”ни бергандек бўлди.[2]

1. Бу ҳақда қаранг: Аъзамахўжаев С. Туркистон мухторияти. – Тошкент: Маънавият. –2000. –153-бет.

2. Янги Ўзбекистон тарихшунослигида Туркистон Мухторияти тарихининг ўрганилиши: янгича ёндашув ва тадқиқотлар. – Тўплам. Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси. –2023. – 57-бет.

Нисбатан қисқа даврда ҳукуматлар ўзгарди, бироқ ўлкага, матбуотга ҳукмдорлик моҳияти ўзгармади.

Кези келиб, шўро ҳукумати аввалги даврлар матбуотининг вазифалари, "принциплари", "кимнинг манфаатини ифодалагани" ва "моҳияти қай тарзда ўзгаргани"га ўз сиёсий баҳосини берди. Аввалги матбуотдан моҳиятан тубдан фарқ қиладиган, шўро ҳукумати дунё халқларига ҳам ўрнак қилиб кўрсатган янги ахборот тизими шакллантирилди.

1922 йил 6 июнда турли идораларнинг матбуот устидан яккаҳоким раҳбарлик қилишга доир даъволари ва беш йиллик идоралараро тартибсизликлардан сўнг, РСФСР Халқ маорифи халқ комиссариати (Наркомпрос) ҳузурида "барча турдаги цензурани бирлаштириш мақсадида" Адабиёт ва нашриёт ишлари бўйича Бош бошқарма (РСФСР Главлити) тузилди.[1] Таъкидлаш жоизки, мазкур ном атамаси подшоҳлик даври цензураси тажрибасидан олинган эди: Матбуот ишлари бўйича Бош бошқарма Александр II ислоҳотлари жараёнида, 1865 йил 13 сентябрда, олдинги цензурани бекор қилиш тўғрисидаги фармонга мувофиқ ташкил этилган.[2]

Идоранинг номигина эмас, унинг Низомидаги кўплаб қисмлари ҳам 1991 йилгача сақланиб қолди.

XX асрнинг 20–30-йилларда бу идора кескин "қайта қуриш"га дучор этилди. Ўнлаб, ҳатто юзлаб айланма хатлар, фармойишлар, "кўрсатмалар" чоп этилди. Жумладан, 1922 йилги "Главлитнинг маҳаллий органларига йўриқномаси"да қуйидагилар белгиланди: "Цензура таъсирини ўтказиш тажрибаси цензура сиёсати учун икки асосий йўлни илгари сурмоқда: биринчиси – маъмурий ва суд таъқиби

1. https://opentextnn.ru/old/censorship/russia/sov/libraries/books/blium/total/index.html@id=561
2. Цензура в советском союзе. 1917 – 1991. Документы. Составитель А.В.Блюм. – Москва: РОСПЭНН. 2004. С 33.

бўлиб, у нашриётларни ёки айрим нашрларни ёпиш, тиражни қисқартириш ва масъул шахсларни судга тортишда ифодаланади. 2- йўл – моҳирона мафкуравий босим йўли, яъни муҳарририятга музокаралар ўтказиш, мос (қулай) шахсларни жойлаштириш, энг мақбул бўлмаганларни чиқариб ташлаш орқали таъсир кўрсатиш"[1].

1930 йил май ойида Халқ Комиссарлари Совети "Адабиёт ва нашриёт ишлари бўйича Бош бошқарма (Главлит) ни қайта ташкил этиш тўғрисида"ги қарорини чиқарди. Унда Главлитга барча турдаги нашрлар ва оммавий ахборот воситалари устидан назорат қилиш бўйича мутлақ ваколат тасдиқлаб қўйилди. Умумий иттифоқ Главлити йўқ эди, республика Главлитлари "тенг ҳуқуқли" тарзда мавжуд бўларди, аммо барча кўрсатмалар, табиийки, "тенглар орасидаги биринчиси"дан келарди.

1932 йили Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг (№292) қарори эълон қилинди. Унга кўра ишланган Низомда олдиндан назоратни Ўзглавлит ва унинг вакиллари нашриётлар, газета таҳририятлари, матбаалар, радиотармоқлар, телеграф агентликлари ва божхона муассасаларида амалга оширади. Матбаа раҳбарлари ҳар қандай нашрдан беш нусха тайёрланиши биланоқ Ўзглавлитга тақдим этиши шартлиги қайта қайд этилди[2].

1938 йилда СССР Совнаркоми ҳузурида Цензура бўйича Бош бошқарма тўғрисидаги положение ишлаб чиқилди[3]. Бироқ "СССР Совнаркоми ҳузуридаги Цензура бўйича Бош бошқарма бошлиғи" амалда жорий этилмаган; илгаригидек "СССР Совнаркомининг матбуотда ҳарбий сирларни муҳо-

1. Цензура в советском союзе. 1917 – 1991. Документы. Составитель А.В.Блюм. – Москва: РОСПЭНН. 2004. С.36.
2. Адабиёт ва нашриёт ишлари бўйича Бош бошқарма ва унинг маҳаллий органлари ҳақида Низом. – Фонд 837, рўйхат 10, иш 40.
3. Цензура в советском союзе. 1917 – 1991. Документы. Составитель А.В.Блюм. – Москва: РОСПЭНН. 2004. С.13

фаза қилиш бўйича Ваколатчиси ва Главлит бошлиғи" деган атама сақланиб қолди. Ҳокимият СССРда цензура мавжудлигини ошкор айтишдан қочиб, турли эвфемизмлардан фойдаланди.

Шундай қилиб чор ҳукуматининг қатъий механизмга айланган цензура тизими шўро ҳукумати даврида марказлашган мафкуравий аппарат тизимига айланди. Марказлашган, юқоридан бошқариладиган матбуот янги социалистик жамиятни барпо этишда "коллектив тарғиботчи, ташвиқотчи ва ташкилотчилик" ролини бажариши лозим эди. Янги жамият орзусида бўлган туркистонлик зиёлилар бу матбуотни ташкил қилди, унда фидойилик билан ишлади. Бироқ бошқарувнинг мустамлакачилик моҳияти ўзгармади. Маҳаллий зиёлилар бунга норозилик билдиришга ҳам ҳақлари йўқ эканини англаб етишганда улар аллақачон қирғин-қатағон кундасига рўбарў келишди. Халқни синфларга бўлиб, йўқ қилиш сиёсати бошланди. Алалоқибат, миллатнинг мустамлакачиликка қарши фикрловчи қатлами йўқ қилинди. Матбуот мана шу жараёнларни ёритишда совет ҳокимиятининг қудрати ошган сари ўз мумтоз функцияларини бажаришдан чекиниб борди. 1924 йилдан кейин шўро режими медиа соҳасида тўлиқ марказлашувни ўрнатди. Матбуот тарғибот қуролига айлантирилди. "Ерли халқ матбуоти" "социалистик матбуот"га айлантирилди. Нашрлар сони ва адади ошди, матбуотнинг янги типлари, принциплари, вазифалари тоталитар мафкура манфаатларига биноан шакллантирилди.

Бироқ қандай ўзгаришлар бўлишига қарамай, илк миллий матбуотнинг меҳварида яшаган, уни ҳаракатлантирган асосий ғоя кейинги давр нашрларга ҳам кўчди, унинг йўқолиб-йитиб кетмаслиги учун курашилди. Бу – матбуотнинг яшовчанлик иммунитетини таъминлаган омил – инсоннинг озод инсон ўлароқ яшашга интилиши, миллатнинг

барҳаёт қолиш ғояси эди. Ана шу ички маънавий устуворлик чор истилоси даврида ҳам, шўро ҳокимиятининг аввали, хусусан, 1920-йиллар охиригача бўлган матбуот саҳифаларида ҳам ўз ифодасини топди. Бироқ 1930-йиллардан бошлаб шаклланган тоталитар-мустабид бошқарув шароитида ҳурлик ва эркинлик ғояси расмиятда шиор сифатида сақланса-да, амалда унга мутлақо зид бўлган мафкуравий мазмун "идеал" даражасига кўтарилди.

2-ФАСЛ.
ЖАДИД МАТБУОТИ –
ЯШАШ УЧУН КУРАШ МАЙДОНИДА

Туркистонда миллий матбуотнинг шаклланиши ва унинг давомийлиги учун олиб борилган кураш тарихи мустамлака зулми остида яшаган халқ тақдири, унинг эрк ва озодликка интилиши қандай кечганининг ёрқин ифодасидир. Ўлкада миллий матбуот миллат тараққиётининг янги босқичи сифатида юзага келди. 1906–1907 йиллари чоп этилган "Тараққий", "Хуршид", "Шуҳрат", "Осиё", "Тужжор" номли илк миллий нашрлар, айтиш жоизки, яшин тезлигида жамиятнинг барча қатламлари – мустамлакачилар, маҳаллий халқнинг юқори-қуйи табақаларини сергаклантириб, ҳушёр торттириб қўйди. Бунинг сабаби миллий нашрлар ўлкада узоқ йиллардан бери чиқаётган чор ҳукумати матбуотига тақлид қилиб эмас, балки "Таржумон" газетасининг миллий тараққиёт, миллий ўзликни сақлаш ғояларига ҳамоҳанг равишда, янги руҳ, янги фикр билан майдонга чиқди.

Бунгача маҳаллий халқнинг газета чиқаришга уринишларини манбаларда кузатмадик. Бироқ Туркистондаги зиёлилар бутун Россия халқига сўз ва матбуот эркинлигини эълон қилган 1905 йилги 17 октябр манифестини қувониб қарши олгани шу вақтгача газета чоп этиш борасида имконият берилмаганини англатади. Жумладан, Мунавварқори маънифет эълон қилинишини "Ҳуррият" деб атайди. "Ҳурлик, мухторлик ато қилинди"[1], дейди.

1. Мунавварқори. Никоҳ тўғрисида // "Тараққий" газетаси, 1906 йил 7 март.

Зиё Саиднинг илк миллий нашрлар чиқиши ҳақидаги “Газета чиқариш илгари хаёл бўлиб юрган эди” [1] деган гаплари ҳам фикримизни далиллайди.

Аслида Россия маъмурлари ўзларига тобеъ халқларга газета-журнал чиқариш учун ҳадеганда рухсат беравермаслигини Исмоил Гаспринскийнинг “Таржумон” газетаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Гаспринский газета чиқаришдаги мушкулликларни эслаб: “1883 санаси “Таржимон” газетасина мусоада этилди. Бунинг учун икки губернатор, уч министр ҳузурина уч сана дўланилди, кезилди, тўрт дафъа Петербургга зиёрат этилди...”[2], дейди.

Айтиш жоизки, Туркистонда миллий матбуот ҳали дунё юзини кўрмасдан олдин мустамлакачилар уни ўз манфаатларига катта хавф деб баҳолади. Буни Исмоил Гаспринсийнинг Туркистонга келганида, матбуот очишга даъват қилиши эҳтимоли ҳукумат доираларини хавотирга солганидан англаш мумкин. “Туркестанские ведомости” газетаси Гаспринскийнинг Туркистонга биринчи сафаридан кейин (1893 й.) уни рус ва маҳаллий тилларда газета нашр этишни амирга таклиф қилиш мақсадида Бухорога келди, деб ёзади. И.Гаспринский рус ҳукуматини тинчлантириш учун бу хабарнинг нотўғрилигини айтиб, “Ўтган май ва июнда биз Туркистон ўлкасининг бош шаҳарларига, шу жумладан, Бухорога бордик, лекин биз газета ташкил этиш тўғрисида на аъло ҳазрат амир билан, на бошқа бирон шахс билан гаплашдик, шунингдек, бу йўналишда бирон-бир кишининг ташаббусини эшитмадик”, деб “Окраина” газетаси орқали раддия беради[3].

1. Зиё Саид. Бурунғи вақтли матбуот тарихига матеиаллар. – Самарқанд: Ўзбекистон Давлат нашриёти. –1927. – 32-бет.

2. Исмоил Гапринский ва Туркистон. Тўплам. Дўстқораев Б. Исмоил Гапринский ва Туркистонда миллий матбуот – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси. – 2005. – 91-бет.

3. Исмоил Гапринский ва Туркистон. Тўплам. Дўстқораев Б.Исмоил

Бундан англашиладики, матбуот жадид мактабларидан ҳам хавфли восита сифатида қабул қилинган. Маълумки, Гасринский бу ўлкада ҳам янги усулдаги мактаблар очишда ўз маслаҳатларини берган. Ҳукумат усули жадид мактаблари устидан қаттиқ назоратни ушлаган. Бироқ миллий матбуотнинг очилишига қарши барча чора-тадбирлар кўрилган, деган хулосага келиш мумкин.

Шунга қарамасдан, чор ҳукумати чўчиган воқеа рўй берди. 1906 йили чоп этилган миллий нашрларнинг таъсири кутилганидан зиёда бўлди. "Саводсиз, оми туземец"ларнинг илк миллий газетани қўлма-қўл ўқиши, газета муҳаррирининг тез орада шуҳрати ёйилиб "Исмоил Тараққий" нисбасини олиши нашрнинг таъсир кўлами кенглигини англатарди. Шунинг учун мустабид ҳукумат миллий матбуотнинг тутган позициясини маҳаллий халқда мустамлакачиликка қаршилик ҳиссиётини, курашчанлик иммунитетини шакллантиришга қаратилган, деб баҳолаб, бу ҳолатни бўрттириб, кўпиртириб қайд этиб борди.

Зеро, илк миллий нашрларнинг кучли ислоҳотпарвар-танқидий руҳи мамлакат бошқарувидаги икки гуруҳ: мустамлакачилар ва маҳаллий халқнинг айрим қатламлари, Маҳмудхўжа Беҳбудий таъбири билан айтганда, "қўйиб берсангиз, 300 йил ортга қайтишни истайдиган"ларнинг тинчини бузди. Жамиятдаги иллатларни аёвсиз очиб берган, Россия халқи ва унинг қарамоғидаги халқларга қудратли деб кўрсатилган империянинг асл аҳволи ҳамда мустамлакачилик сиёсатининг моҳиятини англатувчи ярим очиқ, ярим пардали мақолалар ҳукумат амалдорларини хавотирга солди; маҳаллий маъмурларни эса ўз мавқеларини йўқотиш хавфи ҳақида ўйлашга мажбур этди. Шунинг учун газеталарга қарши босим ва тазйиқлар улар ёпилгунча узлуксиз давом эттирилди.

Гапринский ва Туркистонда миллий матбуот – Тошкент: "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси. –2005. – 95-бет.

Бундай босимларга жавоб сифатида миллий матбуотда мақолалар эълон қилинди. Жумладан, “Тараққий” газетасининг 10-сонида чиққан мақолада баён қилинишича, нашрнинг биринчи ва учинчи сонлари мусодара қилиниб, муҳаррири маҳкамага чақирилган. Маҳкамада унга мазкур сонларда чиққан мақолалар таржимаси кўрсатилиб, жавоб талаб қилинган. Мақола муаллифи: “Таржима ҳеч “Тараққий” таржимаси бўлмай, балки ўзлари тарафиндан ёзилмиш сатрлардир. Таржимада бўлғон калималарни ўзим ёзмоқ ул тараф турсун, балки ёзғонларға ҳам ниҳоятда ғазабим келадурғон равишда эди. Яҳудларни ўқуғон бошқа миллат одамларни ўлдурунгиз, талангиз, деб ёзилмиш бир сатр ёки онларни зарарликлариға ёзилмиш бирор калима кўрдиларми?.. Ҳолбуки, қўлимға таржима деб берилган коғазлар бу қабила сўзлар ила тўлдирилмишдур”[1], дейди.

Муаллиф уларнинг муродлари мусулмонларни жаҳолат ва ғафлатда қолдирмоқдир, “Тараққий” эса бунга қарши мусулмонларнинг кўзларини очмоққа ҳаракат қиляпти, “Бола ҳисоб қилиб бизни ҳийла ва макр остида эзмак истаюрлар”, деб бу ҳаракатларни қасддан олиб борилаётган сиёсат сифатида фош этади. Кўп ўтмай, маълумки, газета 20-сонидан кейин ёпилади, муҳаррири яна ҳибсга олинади.

Унинг ортидан чиққан “Хуршид”, “Шуҳрат”, “Озиё” газеталарининг ҳам ёпилиши катта умидлар билан иш бошлаган жадид зиёлиларини тушкунликка туширди. Жумладан, Мунавварқори “Хуршид” газетаси ёпилганидан сўнг обуначиларининг пулини қайтариш имконини излаб ёзган мақоласида ўз аҳволини шундай тасвирлайди: “Бир йилдан бери фалак кажрафтор жабридан қаламим тили лол, ўзим паришонҳол ўлуб, хомушлик гўшасинда чекулуб ётмоқдаман”[2].

1. Бойлар, бюрократия ва ғазета // “Тараққий” газетаси, 1906 йил, 27 июл.
2. Абдурашидхонов М. Мен Сендамен. – Тошкент: Академнашр. – 2019.

Мунаввaрқори мақолада 16 ноябрда “шаҳар полисмейстри” газетанинг тўхтатилганини айтиб, имзо чектирганини, “Хуршид” мўътадил йўналишдаги нашр бўлиб, унда “мухолиф сўз ёзилмағони” сабабли суд томонидан айбсиз топилгани, шунга қарамай, ҳукумат қайта чиқармоқ учун берган аризасини уч ой сақлаб, кейин “сизнинг аризангиз Черезвичайной охранка қуввати ила тўхтатилғон экан, шу қувват кўтарилмағунча сизга ижозат берилмас, деб жавоб олганини қайд этади.

Кўринадики, иккала газета ҳам турли маъмурий ҳийлалар орқали ёпиб қўйилган.

Жадидларнинг учинчи нашри “Шуҳрат” газетасининг тақдири ҳам шундай кечди. Газетанинг 4 феврал сонидаги “Дануси намима” (чақмачақарлик) сарлавҳали хабарда: “Эшитилмиш хабарларга қарағонда ўз мусулмонларимиздан баъзи “данусчи” наммомлар пайдо бўлиб, газетамиздан “начальство”га “данус” қилмак фикрида елка қилғон эмишлар”[1], деган ахборот берилган. Газета муҳаррири А.Авлоний: “Газетамизнинг маслаки миллий, бетараф сиёсий ўлуб, умеренно-прогрессивная политическая газетадур. Ёзғон мақолаларимиз ҳам ушбу маслакимиз ўлғон эътидол ва ҳаққоният доирасида ўлуб, нозир ва цензурлар тарафидан ҳақлик узра таржима қилинуб, тегишли маҳкаманинг сизни(нг) “данус”ларга ҳеч бир эҳтиёжи йуқдур”, дейди.

Газета ёпилишида хизмат кўрсатган ҳуфяларнинг маълумотида: “Шуҳрат” газетаси атиги минг нусхада чоп этилади, обуначилардан тушадиган маблағ эса, типография эгаси Ильин жанобларининг айтишича, нашр харажатларини қопламайди. Шунга қарамасдан, ношир яқин вақт ичида газетани ҳафтасига икки марта чиқаришни обуначиларга

– 200-бет.

1. Авлоний А. Сўзбоши. Оқ тунларни орзулаган шоир. – Тошкент: Маънавият. – 1998. –8-бет.

ваъда қилмоқда. Шу сабабли, газета ташқи субсидиядан фойдаланмоқда ёки шундай ёрдамга умид қилмоқда, деб тахмин қилиш мумкин”[1] дейилади.

Бироқ манбалардан маълумки, 10-сонидан кейин газета фаолияти тўхтатилди ва қайта нашр қилинмади. Бунинг сабабларини архив манбаларидаги маълумотлар ойдинлаштиради.

С.Абашиннинг тўплаган маълумотига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида “Туркистон тузем газетаси” муҳаррири Н.Остроумовнинг 1908 йили 7 февралда Туркистон генерал-губернатори Н.И.Гродековга ёзган хати бор[2]. Унда Н.Остроумов “Шуҳрат” газетаси нашрини давом эттиришни мақсадга мувофиқ эмас, деб баҳолайди. У газета ҳақида “расман саводсиз сарт, мулла Абдулла Авлянов” ва “Шуҳрат” газетасининг собиқ ноширн, билими саёз Мунаввархон Абдурашидхонов” ҳамда менга нотаниш нафақат рус тилини, балки француз тилини ҳам биладиган татар томонидан чиқарилди, деб ахборот беради. Газетани маҳаллий сартлар чиқараётгандек кўринса-да, аслида унинг йўналиши ва мазмуни татар муҳити ва ғоялари таъсирида шаклланаётганини таъкидлайди. Газета маҳаллий сартларда озодлик ғояларини уйғотишни мақсад қилган, худди илгари ёпилган “Тараққий” газетасида бўлгани каби унда ҳам асосий иштирокчи келгинди татар, дейди. Муаллиф Авлонийнинг “Авлянов” деб имзо қўйишини, Мунавварқорининг “афандим” деб мурожаат этишини мисол қилиб, нашрнинг тили татарча услубда эканини, бу “озодлик ҳаракатининг татарча тусдаги ғоялари”ни илгари сураётганидан дало-

1. ЦГА РУз. Ф. И-461. Оп. 1. Д. 57. Л. // Абашин.С.Н. Туркестан в имперской политике в России: монография в документах. – Издательство Кучкевое поля. –2016. – С. 324 – 325

2. ЦГА РУз. Ф. И-461. Оп. 1. Д. 57. Л. // Абашин.С.Н. Туркестан в имперской политике в России: монография в документах. – Издательство Кучкевое поля. –2016. – С. 324 – 325.

лат беришини асос сифатида келтириб, газетанинг зарарли эканини исботлашга уринади.

Бу Остроумовнинг татарлар борасидаги махсус сиёсатдан (бу борада 1боб 2 фаслда ёзилган) хабардор эканини кўрсатади. Шунинг учун 1906–1908 йилларда чиққан барча нашрлар татарлар ҳаракати билан боғлиқ, деган даъвони ҳукуматга етказиб туради. Ўша даврда инқилобий руҳдаги татарларнинг матбуотга ҳомийлигини исботлаш газеталарни ёпиш учун энг қулай йўллардан бири бўлгани англашилади.

Марказий давлат архивида "Туркистон генерал-губернаторининг канцелярияси дело"сида сақланаётган "Озиё" газетаси ҳақида йиғилган ҳужжатлар миллий нашрларнинг ёпилиш сабабларини янада ойдинлаштиради. Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторига ёзилган "Рапорт"да қуйидаги маълумотлар келтирилган: "Тошкент шаҳрида сарт тилида нашр этилаётган "Озиё" номли газетанинг муҳаррир-ноширн Бектемиров жаноблари мазкур газетанинг иккинчи сонидан бошлаб, турли шахслар имзоси билан сиёсий мазмундаги мақолаларни чоп этиб, Туркистон ўлкаси маҳаллий аҳолиси орасида ҳукумат ҳаракатлари тўғрисида атайлаб ёлғон маълумотлар тарқатмоқда ва шу йўл билан мавжуд давлат тузумига қарши курашишга тайёрламоқда. Масалан: 1. Газетанинг иккинчи сонида самарқандлик Муфти Маҳмуд Ҳожи Беҳбуд Ҳожи ўғлининг "Татарларнинг ҳаракатлари" сарлавҳали мақоласи чоп этилган. Мақола муаллифи, ўлка маҳаллий аҳолисини Россия империясидаги бошқа миллатлардан таълим ва тараққиётда орқада қолганликда айблар экан, боғчасаройлик татар газетаси "Таржимон"нинг муҳаррири Гаспринскийни мусулмонлар маърифатчиси сифатида кўрсатиб, қуйидагиларни ёзади:

"Биз ҳаётимизнинг камчиликларини бартараф этиш учун миллий газеталарга муҳтожмиз. Туркистонда мавжуд

бўлган газета (“Туркистон маҳаллий газетаси”)ни кўпчилик “миссионерлар газета”си ёки “фойдали эмас” деб ҳисоблаб, ўқимайди. Туркистонлик айрим шахслар миллий матбуот аҳамиятини англаб, “Хуршид”, “Шуҳрат”, “Тужжор” каби газеталар чиқара бошладилар, аммо уларнинг барчаси 1-2 ой ишлаб, зўравонлик таъсирида ёки ўз хоҳишлари билан ёпилди ва бу ҳолат биз учун ғам ва афсус сабабидир.

Ҳозирги кунда, татарларнинг маърифатпарвар таъсири туфайли “Озиё” газетасининг биринчи сони чиқди, унинг муҳаррири ва ноширн бўлиб қаламга эга бўлган меҳмон татар – муҳтарам Аҳмаджон Бектемиров ҳисобланади. Гаспиринскийнинг таъсири ва татарларнинг ҳаракатларига қаранг: битта меҳмон татар Туркистоннинг 10 миллионлик аҳолисини ўқитмоқда. Бу ҳолат илмли, билимли ва бой инсонларимиз учун аниқ бир сабоқ ва далил бўлсинки, биз туркистонликлар таълим соҳасида орқада қолганмиз ва замонавий ҳаёт оқимида мустақил ҳаракат қилишга қодир эмасмиз. “Озиё” газетаси биз учун жуда зарур ва уни қўллаб-қувватлаш бизнинг маънавий бурчимиздир.

Бектемиров жанобларига эса шундай маслаҳат берамиз: халқимизда сиёсий етуклик йўқ; кўпчилик, балки барчалари шахсий манфаатларини ўйлаб, миллат, таълим ва виждонни ҳам сотишга тайёрлар. Бундай аҳоли яшайдиган мамлакатда газета фаолиятини давом эттириш учун эҳтиёткорлик билан ёритиш ва ҳатто ҳукумат розилигини қозониш мақсадида сўзларни танлаб ёзиш лозим. Халқда миллат фаровонлиги ғояси мустаҳкамлангандан кейингина кенгроқ ва эркин ёзиш мумкин бўлади”.

2. Газетанинг 4-сонида қўқонлик Мулла Турсун Ҳожи Ҳамид Ҳожи ўғлининг “Мусулмонлар, диққат қилинглар!” сарлавҳали мақоласи чоп этилган. Унда муаллиф Қўқондаги Мингойим мадрасасининг аянчли аҳволини тасвирлар экан шундай дейди: “Хон замонида машҳур, бой ва кўп сонли

мадраса бўлган бу муассаса, вақф маблағларининг тортиб олиниши сабабли, бошқа мадрасалар каби ярим вайрона ҳолатга келиб қолди.

18 май. 1907 йил. Надворний маслаҳатчи Т.Кыясбековь"[1].

Ушбу рапорт тагидан "21.1908. Спешно" деган ёзувдан сўнг "Рапорт ва маълумотни Туркистон генерал-губернаторига тақдим этиб, Сиз ҳазрати олийларидан мазкур газетани ёпиш ҳақида амр беришингизни сўрайман", дейилган.

Ушбу ёзувлар тагида "Согласен" деган ёзув ва имзо бор.

Кейинги саҳифада Охранканинг қуйидаги маълумотномаси келтирилган: "Маълумотнома. Тошкентда чиқадиган маҳаллий "Озиё" газетасининг муҳаррири Бектемиров шу йил февраль ойида зарарли йўналиши туфайли ёпилган маҳаллий "Шуҳрат" газетасини ҳам нашр этишда фаол иштирок этган. Бектемиров "Шуҳрат" газетасига раҳбарлик қилгани ҳақидаги маълумотлар сабабли жорий йил 4 март куни унинг уйида тинтув ўтказилган ва ноқонуний адабиётлар топилган".

Шу зайлда "Озиё" газетаси тақдирига нуқта қўйилади.

Англашиладики, "Тараққий", "Хуршид", "Шуҳрат" ва "Озиё" газеталарига нисбатан босим ва таъқиблар тизимли ҳамда қасддан амалга оширилган, "зарарли деб топилган"и учун мустамлакачилик сиёсати уларнинг чиқишини изчил равишда чеклаб, тўхтатиб қўйган.

Эсерларнинг яширин "Молот" газетаси бу ҳақда: "ҳокими мутлақ бир золимнинг дастхати билан туземецларнинг тараққийпарвар маданий газеталари "Тараққий", "Хуршид" "Озиё" ёпиб қўйилди. Ҳозирги кунда ўз ҳудудида ўнлаб Европа давлатлари бемалол сиғадиган беш вилоятдан иборат Туркистонда, маҳаллий аҳоли 90 фоизни ташкил этувчи ўлкада маҳаллий тилда бирон та ҳам хусусий газета йўқ. Аҳоли

1. Миллий давлат архиви: Фонд 1, опись 4, рўйхат 1254.

атайлаб зўрлик ила жаҳолатда сақланмоқда, чунки рус газеталари уларга етиб бормайди”[1], деб ачиниш билан ёзади.

Газеталар фаолиятига нафақат мустамлакачи маъмурият, балки маҳаллий аҳоли ҳам қаршилик кўрсатгани манбаларда қайд этилган. Жумладан, Маҳмудхўжа Беҳбудий мақолаларидан бирида “Тошкандда бир неча жаридалар чиқди, мамнуъона кўра аларни таътилига чиновниклардан кўра кўброқ ерлилар сабаб бўлубдурлар. Чунки жарида ва муҳаррирларни руслара на ишлари бўлсун, балки ерлилари ислоҳ этмоқ ила одатан мукаллафдурлар”[2], дейди.

Беҳбудийнинг “жарида ва муҳаррирларни руслара на ишлари бўлсун” деган гапи миллий газеталар давлатга қарши эмаслигини, жамиятни маърифат ва ислоҳот сари етаклашга қаратилганини маъмуриятга сингдиришга, уларни тинчлантиришга ҳаракат эканини ҳам англаш мумкин. “Ерлиларни ислоҳ этмоқ” мақсадида чиқарилган нашрлар ёпилишига “кўброқ ерлилар сабаб бўлубдурлар” деган таъкиди эса газеталарнинг ёпилишида маҳаллий жамиятнинг ҳам ҳиссаси борлигини кўрсатади.

Беҳбудий бошқа бир мақоласида ҳам “...бизни бирдан эллик сана муқаддамги вақтға қайтмоқни хоҳлайдурганларимиз юзда тўқсон тўққуз просентдур.. Бу даъвони асло муболағаси йўқдур, бизни тараққийпарвар муҳаррирларимиз ҳукуматдан зиёда аҳолидин тазйиқ кўрадурлар”[3], дейди. Бу гаплардан миллий матбуотга нафақат маъмурий, балки ички қаршилик ҳам кучли бўлганини англаш мумкин.

Ўша даврда рус тилида нашр этилган “Туркестан” газетаси ҳам ўзбек нашларининг ёпилишини маҳаллий халқ ва-

1. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни. – 2000. – 288-бет.
2. Беҳбудий М. Танланган асарлар. Фазлуллоҳ афандиға жавоб. – Тошкент Академнашр. – 2021. 339-бет.
3. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. Баёни ҳол. – Тошкент Академнашр. – 2021. – 312-бет.

киллари ҳукуматдан талаб қилганини шундай қайд этади: “Тошкент муллалари ва қозилари “Тараққий” газетасидан ўзларининг ҳаддан ташқари норози эканликларини бизга маълум қиладилар. Улар губернатордан газетани ёпишни ва Ғабидовга ҳар қандай газета нашр этишни тақиқлашни ёлвориб сўраб айтадилар: “Халқ бизнинг сўзларимизни тингламаяпти. Энди бизга бутунлай ишонмай қоляпти. Биз уларга ўз таъсиримизни ва ишончимизни бутунлай йўқотиб қўйишимиз мумкин, демак, бу ҳукуматга ҳам фойдали эмасдир”[1].

Маҳаллий халқнинг миллий матбуотга қарши чиқишида, албатта, Н.Осроумов сингари рус амалдорларининг “сидиқидилдан хизматлари” ҳам катта рол ўйнаган. “Тараққий”нинг илк сони чиқиши биланоқ “Туркистон вилояти газети” (ТВГ) унга қарши халқни гиж-гижлаб ахборот уруши уюштиради. Мунавварқорининг “Бизнинг жаҳолат – жаҳли мураккаб” мақоласига муносабат билдириб: “...Мунаввархўжа устод ва муаллими гузаштагон ва ҳолиларимизни (ўтган ва ҳозирги муаллимларимизни) “жоҳил, нодон ва жаҳли мураккабда қолғон ва золим” иборатлар илан ва болаларни отасини “беҳамият ва бедиёнат” сўз илан газетка эълон қилмоқ қандай бешарм ва бехаёликдур, гўёки бу иборатларни ул домлаларни(нг) юзига айтибдур”[2]деган танқидий сўзлар ёзилган. Бундай мазмундаги мақолалар “ТВГ”да 1917 йили ёпилгунча чоп этилиб турди.

Шундай қилиб, илк миллий нашрлар мустабид ҳукумат ва маҳаллий халқ вакилларининг қаршилигига учради ва фаолияти тўхтатилди.

1. Жалолов А. Ўзганбоев Ҳ. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётида вақтли матбуотининг ўрни. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти. – 1993. – 76–77-бет.

2. Бу ҳақда қаранг: Дўстқораев Б.Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Тошкент: Ғафур Ғулом Нрмидаги нашриёт-матбаа уйи. –2009. – 137-бет.

Жадидлар газета чиқариш ҳаракатидан тўхтаб қолишмади. Илк миллий нашрлар ёпилиши билан яна ҳаракатга тушишди. Бироқ ҳукумат энди рухсат бермади. “1908 йил Абдулла Авлонийнинг маслакдоши Абдулмажидхон Абдужалилхоннинг “Нажот” номли газетасига рухсат берилса-да, нашр этилмади”[1].

Орадан беш йил ўтгач, Самарқанд, Тошкент, Фарғонада 1913–1915 йилларда янги нашрлар чоп этилди. Бу даврда ҳам газета очиш ва уни давом эттириш осон бўлмади; жадидлар матбуотининг иккинчи даври ҳам узоқ давом этмади.

Самарқанддаги илк газетани М.Беҳбудий чиқаргани тарихдан маълум. Ҳ.Саидов С.Айнийнинг Беҳбудий ҳақидаги “1908 йилдан ўз идорасинда бирор газета чиқармоқ фикрига тушиб, 1913нчи йил апрел ойинда бу мақсадға етишуб “Самарқанд” газетасининг бир неча сонини чиқаришга муваффақ бўлди”[2] деган изоҳига ва архив манбаларига асосланиб, “Беҳбудий газета очиш учун беш йил саргардон бўлди”[3], деб ёзади. Жадидшнос олим Сирожиддин Аҳмад М.Беҳбудийнинг 1913 йили 14 февралда Самарқанд вилоят ҳарбий губернаторига ўзбек ва тожик тилида газета чиқариш учун “Илтимоснома” бергани ва 10 апрелда газетани чиқаришга муваффақ бўлганини қайд этади[4].

Замондошлари томонидан олқишлаб кутиб олинган, “элу халқнинг кўзини очишга боис бўлган” “Самарқанд” газетаси беш ой чиққанидан кейин Беҳбудий нашрни ёпиш

1. Хасанов А. “Садойи Фарғона” газетаси жадидларнинг ижтимоий-сиёсий минбари // “Садойи Фарғона” газетасининг миллий матбуот шаклланиши ва жадидчилик ҳаракатидаги ўрни” мавзусидаги конференция тўплами. 2024. 15 апрел. 151-бет.
2. Айний С. Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратларининг қисқача таржимаи ҳоли // «Меҳнаткашлар товуши» газетаси, 1920-йил 8-апрел.
3. Саидов Ҳ. Маърифат либосидаги озодлик. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт матбаа концерни, 2000. 96-бет.
4. Беҳбудий М. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент: “Академнашр”. 2021. 82-бет.

ҳақида газетада эълон беради. Кўп ўтмай, бу хабарни ўқиган зиёлилардан уни тўхтатмаслик ҳақида илтимоснома мактубларини ҳам олади. Тошкент зиёлилари номидан Мунаввар қори Абдурашидхонов маблағ тўплаб Самарқандга боргани маълум[1]. Қўқонлик зиёлилар "Самарқанд" газетасининг ёпилишига қарши чиқиб "икки юз муштарий ҳам беш юз сўм иона бериладур", деб телеграмма юборади, бунга жавобан Беҳбудий тараққийпарварлар томонидан янги ширкат очилиб, нашрларни мана шу ширкат томонидан бошқарилишини маълум қилади.[2] З.Абдурашидовнинг тадқиқотларига кўра, Беҳбудий Гаспринскийга йўллаган мактубида тараққийпарварлар ширкат ташкил қилишини билдириб, бу "ширкатга аъзолик бадали 25 рубл қилиб белгиланади. Ширкат ўз ишини бошлаши билан газета нашри ҳам қайта йўлга қўйилади" [3], дейди. Бироқ кўп ўтмай, Тавалло (Тўлаган Хўжамёров) "Самарқанд" газетасининг 1000 рубл зарар кўриб ёпилганини ёзади[4]. Гаспринский "Таржимон" газетасида Беҳбудийнинг газетани кучли ғайрат билан бошлаганини, аммо уни қўллаб тургани ақалли 1000 обуначи топилмаганини афсус билан таъкидлайди[5].

Тавалло "Туркистон вилояти газети"да чоп этилган мақоласида: "...Худонинг қудрати ила бизнинг шўринг қурғурлар учун Самарқанддин бир газет "Самарқанд" исминда вужудга келган эди. Биз ғафлатзадалар анга аҳамият бермадик, ўқимадик ва қадрига етмадик. Бизларнинг касофатимизга

1. Бу ҳақда қаранг: Саидов Ҳ. Беҳбудий ва Мунаввар қори // «Ma'rifat» газетаси, 2000-йил 20-декабр.
2. Беҳбудий М. Миллатға мурожаат. // "Самарқанд" газетаси. 1913 йил17 сентябр.
3. Абдирашидов З. Туркистонда жадидчилик. – Тошкент: "Академнашр". – 2023. – 115-бет.
4. "Самарқанд ғазетаси" // "Таржумон", 1913 йил, 217-сон.
5. Абдирашидов З. Туркистонда жадидчилик. – Тошкент: "Академнашр". – 2023. – 114-бет.

учраб, 44-нчи нумирида бир минг сўм сарф қилиб тўхтаган эди... Жаноб Маҳмудхўжа муҳаррир ғайрат қилдилар. “Самарқанд” номидин газет ўрниға “Ойна” номлик ҳафтали журнал чиқардилар. “Самарқанд” муштарийларина “Ойна” юборилди”[1], дейди.

Шундай қилиб, Самарқанддаги илк миллий газета ўрнига Туркистондаги илк миллий журнал – “Ойна” дунё юзини кўрди.

Замондошлари томонидан севиб ўқилгани эътироф этилган бу журналнинг тақдири ҳам газетаникидан фарқ қилмади. “Ойна” журнали ҳақида тадқиқотчилар томонидан кўп ёритилгани[2] учун биз бу ҳақда батафсил тўхталмаймиз. Қисқача айтиш жоизки, журналнинг ёпилиши ҳақида иккита сабаб кўрсатилади: 1) турли ёқдан моддий ёрдам кўрсатилиб, уни чиқариб туришга кўплаб илтимос ва даъватлар бўлишига қарамай, журнал молиявий харажатларнинг кўплиги сабабли тўхтатилади; 2) Цензуранинг тазйиқларидан чарчаган Беҳбудий журнални ёпишга қарор қилади.

Олима Г.Нишонова журналнинг сўнгги сонидаги эълонлардан унинг тўхташи сабабларини билиб олиш мумкин, дейди[3]. Унинг келтиришича, биринчи эълонда Беҳбудийнинг касали ҳуруж қилгани ва у даволанишга мажбурлиги айтилиб, шу боис журналнинг кейинги 17-сони “кўп кечик-

1. Тавалло. Эътизор. // “Туркистон вилояти газети”, 1914 йил 18 март; “Самарқанд ғазетаси” // “Таржумон” газетаси, 1913 йил, 217-сон.

2. Бу ҳақда қаранг: Нишонова Г. Ўзбек публицистикасининг шаклланиши ҳамда ривожланишида «Ойина» журналининг ўрни ва аҳамияти: филол.фан.ном....диссер. – 2008; Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. Дарслик. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. – 2009; Saidov H. Buyuk publitsist, muharrir, noshir. – T.: Ta’lim-media, 2024.

3. Нишонова Г. Ўзбек публицистикасининг шаклланиши ҳамда ривожланишида «Ойина» журналининг ўрни ва аҳамияти: филол. фан.ном....диссер. – 2008. 24-бет.

ганда 1-сентябрга чиқса керакдир”[1]3 дейилган. Журнал ишининг катта қисми Беҳбудий зиммасида бўлгани ҳам уни толиқтирган кўринади.

Шунингдек, нашрнинг ёпилиши сабаблари, журналнинг қизиқарли чиқмагани учун муштарийлар тўплай олмаганида, деган изоҳлар ҳам бор. Жумладан, З.Абдурашидов тадқиқотларида А.Фитратнинг “журнал ўқувчиларини хурсанд қила олмади” деган сўзларини ва журналда чоп этилган бир-бирига қарама-қарши мазмундаги турли мактубларни мисол келтириб, бу “журнал халқ қалбига умумий йўл топа олмаганидан дарак беради”, деб хулоса қилади. Шунингдек, Беҳбудий замондоши Г.Андреев ТВГда чоп этилган мақоласида журналнинг биринчи сонини шарҳлаб, зерикарли мақолаларга тўла журнал[2], дейди.

Журнал ҳақида билдирилган ижобий фикрлар ҳам талайгина. Абдулла Авлоний бу нашрни “журналларнинг энг биринчиси ва яхшиси”[3] деб таърифлайди. Зиё Саид бу нашрни “жадидларнинг суюкли журнали” [4] деб эътироф этади. Бу эътирофлар, албатта, журнал ўз даврининг кўзгуси бўла олганини кўрсатади.

Хуллас, турли мубоҳасалардан кейин журнал яна маълум муддат чиқишда давом этди. “...мактуб ва телеграф ила муҳарриридан илтимос этганликлари учун “Ойна”ни чиқариб турмоқға қарор берилди. Аммо муштарий озлигидан меҳнати озаймаса ҳам зарари озайсун деб уч дафъа чиқарилур”[5], деган билдиришнома эълон қилинади. Бироқ кўп ўтмай, 68 сони чиқиб, журнал ёпилади.

1. Идорадин // Ойина. 1915. – №16. – Б.442.
2. Абдирашидов З. Туркистонда жадидчилик. – Тошкент: “Академнашр”. 119-бет.
3. Абдулла Авлоний. Бурунғи ўзбек вақтли матбуотининг тарихи // “Туркистон” газетаси, 1924 йил, 24 июн.
4. Зиё Саид. Бурунғи вақтли матбуот тарихига материаллар. – Самарқанд: Ўзбекистон Давлат нашриёти. –1927. – 53-бет.
5. “Ойина” журнали, 1914 йил 52-сон.

Тошкент ва Фарғонада чиққан “Садойи Туркистон” ва “Садойи Фарғона” газеталари фаолиятида ҳам бундай муаммолар такрор кузатилди. Беҳбудий бу икки нашр чиқишини қутлаб ёзган мақоласида: “Яна заҳмат муҳтарам ёшларға, тараққийпарварларға юкланур. Алар ғайрат этмагунча муштарий топилмас-да, ёқилган чироғлари ўчур. Собиқ “Самарқанд” ва ҳозирги “Ойна”ни чиқишиға бир йил тўладур. Ҳануз муштарийси 600 атрофиндадурки, бу ҳам тараққийпарварларнинг ғайрат ва саъйи иладур. Маафиҳ идора ҳар ой зарар этар... бу янги тулуъ этган Фарғона ва Туркистон садоларининг истиқболи бизни ниҳоятда тушунтуруб коронғу фикрлар устимизға қоплар”[1] дейди. Беҳбудий тараққийпарварларни муштарий тўплашда ҳимматли ва фидойи бўлишга чақиради.

Тошкентда чиққан “Садойи Туркистон” газетаси ҳали нашр қилинмасидан олдин ҳукуматнинг назоратига олинди. Архив ҳужжатларини ўрганган С.Аҳмаднинг маълумотига кўра, газета ноширн ва муҳаррири Убайдулла Асадуллахўжаев изига тушган “Охранка”нинг махфий ходими: “Тошкентда яна сарт тилида газета нашр этишни бошлашмоқчи, газетанинг йўналиши ўта сўл бўлиб мусулмонларни бирлаштиришга йўналтирилган. Газета мусодара қилинишини олдиндан билиб, ноширлар гуруҳининг аъзолари бир нашр тўхтатилса, бошқасини очиш учун ўзгалар номидан ижозат олиб рухсатномани кўпайтириб қўйишмоқчи” [2] деб маълумот беради.

Берилган иқтибослардаги: “бир нашр тўхтатилса, бошқасини очиш учун ижозат олиш”га интилиш ёки Беҳбудийнинг “тараққийпарварларнинг ғайрат ва саъйи”га яна

1. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. 1-жилд. “Садойи Туркистон ва Садойи Фарғона”. – Тошкент: “Академнашр”. – 2021. – 431-бет.
2. Сирожиддин Аҳмад. Убайдулла Хўжаев. – Тошкент: Info Capital Group. – 2021. – 74-бет.

кўмак кераклиги хусусидаги фикрлари матбуотнинг аниқ мақсад, фидойи ҳаракатлар туфайли чиқиб турганини кўрсатади. Миллий матбуот яшовчанлиги инсон омили – унинг ташкилотчилари бўлган жадидлар иродаси, масъулияти, саъй-ҳаракатларининг мунтазамлиги билан амалга ошгани англашилади.

Ана шу каби бир қанча уринишлардан кейин Убайдулла Хўжаев "Садойи Туркистон" газетасини чиқаришга муваффақ бўлади. Газетанинг моддий таъминоти учун Мунавварқори, Абдулла Авлоний сингари ҳаммаслаклар доимий шерик бўлиб, газетани қўллаб-қувватлашга сўз берадилар[1]. Улар ҳам газетани таъминлаб туриш учун турли тадбирларни амалга оширишди. Хуфяларнинг маълумотига кўра, "Хўжаев ва шериклари газетанинг иқтисодий жиҳатдан қувватлантириш учун Колизея биносида татаристонлик ашулачи Тухфатуллиннинг концертини уюштириб, газетада унинг суратини эълон қилишган"[2].

Бир йил чоп этилган бу нашр энг ўқишли газетага айланди. Лекин унинг фаолияти мавжуд ҳукумат томонидан таъқиб ва танқидлар остида кечди. Убайдуллахўжаев: "Садойи Туркистон газетаси Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори Галкиннинг босими ва тез-тез таъқибга олиши ҳамда маблағнинг етишмаслиги билан ётиб қолди"[3], дейди. Газетани қайта чиқаришга уринишлар ҳукумат томонидан рад этилади. Шундай қилиб бу газета ҳам, асосан, ҳукумат таъқиблари ва моддий танглик орқасида ўз фаолиятини тўхтатди.

Фарғонадаги илк миллий нашр "Садойи Фарғона" газетаси бир йилдан сал ошиқроқ чиқди. Газета муҳаррири, ўз

1. Сирожиддин Аҳмад. Убайдулла Хўжаев. – Тошкент: Info Capital Group. – 2021. – 79-бет.
2. Сирожиддин Аҳмад. Убайдулла Хўжаев. – Тошкент: Info Capital Group. – 2021. – 79-бет.
3. Сирожиддин Аҳмад. Убайдулла Хўжаев. – Тошкент: Info Capital Group. – 2021. – 103-бет.

даврининг тадбиркори, маърифатпарвар бойларидан бўлган Обиджон Маҳмудов барча қийинчиликларни бўйнига олиб ишга киришади. Унинг газетада чоп этилган мақолаларидан кўриш мумкинки, газета маҳаллий халқнинг, айниқса, уламоларнинг тазйиқларига кўп учраган. Маърифатпарварларнинг қийинчиликларни ўз зиммасига олиб нашрни давом эттиришга уринишлари ҳукуматнинг тазйиқлари билан ниҳоясига етади. Ҳ.Саидовнинг аниқлашича, газетанинг охирги, яъни 1915 йил 6 июн (123) сонида пастроқда "Дозволено военной цензурой" деган ёзув пайдо бўлгани, шунингдек, иккинчи саҳифадаги бир ярим устуннинг бўш чиққанлиги таҳририят ҳарбий цензура орқали сиқувга олинганини англатади. Газетанинг навбатдаги сони ҳеч бир эълонсиз чиқмай қолган[1].

Обиджон Маҳмудов икки йил ўтиб чиқарган "Тирик сўз" газетасида: "...фақир 1914 нчи йилдан то 1915 йилгача "Садои Фарғона" ном газет бирлан миллатға хизмат қилғон эдим, баъзи муомалот, олам неча хил монеъликлар сабаб бўлуб тўхтаб қолғон эди...", деб эътироф этади. "Олам неча хил монеъликлар", албатта, фақат моддий танглик эмас, балки газеталар фаолиятига кўплаб тусиқлар қўйилганини англатади.

Миллий матбуотнинг моддий таъминоти. Аслида, тадбиркор муҳаррирлар газеталарнинг моддий таъминоти учун турли чораларни кўришган. Аввало, бир-бирини қўллаб, ҳаракат қилишди. З.Саиднинг ёзишича, "Самарқанд" газетаси учун "қўқонлик Мирзоҳид Мироқилов, Акобир Шомансуровлар 200 муштарий ва 500 сўм ояна тўплаб яна нашр қилинишини сўраб муҳаррирга телегром берган бўл-

1. "Садойи Фарғона" газетасининг миллий матбуот шаклланиши ва жадидчилик ҳаракатидаги ўрни" мавзусидаги конференция материаллари тўплами. – Фарғона. 2024. 45-бет.

салар ҳам қайтариб нашр қилиниш мумкин бўлмади”[1]. Беҳудийнинг “Ойна” журнали учун “Садойи Фарғона” газетаси обуна кундалиги эълон қилгани, фарғоналикларга журналнни ўқиш ташвиқ қилингани, Тошкент зиёлилари ҳам қараб туришмагани, моддий тангликда қолган журналнни қўллаб, сармоя тўплашгани нашрлар бир-бирин мунтазам реклама қилиб тургани фикримизга далилдир.

Шунингдек, нашрлар таъминоти учун рекламалардан ҳам кенг фойдаланилган. Масалан, С.Махсумованинг ёзишича, “Садойи Фарғона” газетасининг 1914 йил 3-апрель пайшанба куни нашр қилинган 1-сонининг ўзидаёқ 4-саҳифада тўртта реклама, эълон берилган. Иккинчи сонда эса реклама ва эълонлар икки баробарга кўпайган. “Агар газетанинг ҳар бир сонида ўрта ҳисобда 5 тадан реклама ва эълон берилган бўлса, бош саҳифа учун 1 тадан, тўртинчи саҳифа учун 4 тадан реклама ва эълон жойлаштирилиши ҳисобидан олинган даромадни ҳисоблаб кўрамиз. Жами 123 сон учун 1-саҳифадан ўрин олган реклама ва эълондан умумий даромад 24 сум 6 тийинни (123×20 (бош саҳифадаги битта реклама, эълон нархи 20 тийин) = 2460 : 100 (1 сўм =100 тийин) = 24, 6) ташкил қилади. Ўша даврда битта қўй 2 сўм бўлган деб ҳисобланса, биринчи саҳифада жойлаштирилган реклама ва эълондан олинган даромад 12 та қўй нархига тенг бўлгани англашилади. 4-саҳифадаги реклама ва эълонлардан олинган жами даромад эса 73 сўм 8 тийинни (123×60 (15 тийин, 4 та реклама ва эълон) = 7380 : 100 (1сўм =100 тийин) =73,8) ташкил қилиб, бу 36 та қўйнинг нархига тенгдир. Мана шу фактларнинг ўзиёқ нашр реклама берувчилар билан манзилли ишлаганини кўрсатади... Бундан ташқари, газетада реклама ва эълонларни қабул қилувчи... Қўқонда 10 нафар, Тошкент шаҳрида 2 нафар, Каттақўрғон (Самарқанд)да 3 нафар, Наманганда 2 нафар, Оренбург (Рос-

1. Саид Зиё... 49 бет.

сия)да 1 нафар, Урганч (Хоразм)да 1 нафар, Чуст (Наманган) да 1 нафар, Ўзган (Қирғизистон)да 1 нафар реклама ва эълон берувчилар билан ишловчи вакиллари бўлган”[1].

Газетада реклама ва эълонларнинг яхшигина молиявий манбага айланиши, реклама ва эълон қабул қилувчи вакиллар тармоғининг Қўқон, Тошкент, Каттақўрғон, Наманган, Чуст, Урганч, Ўзган ва ҳатто Оренбург каби ҳудудларда шаклланган бир томондан, жадид матбуотининг иқтисодий жиҳатдан дастлабки институционал шаклланиш босқичларини кўрсатса, бошқа томондан, унинг яшовчанлигини таъминлашда хайрия ва кўмаклардан ташқари бозор муносабатларининг кириб келганини намоён қилади.

Тошкент ва Самарқандда чиққан нашрлар ҳам реклама ва эълонларни мунтазам бериб борган. Бу жадидлар матбуотнинг моддий таъминотида барча имконият даражасидаги усуллардан фойдаланилганини кўрсатади.

Бироқ шунга қарамай, нашрларнинг моддий тангликда қолгани манбалардан аён. Нашрларнинг ўқувчи қўлига етиб боргунча бўлган харажатларининг ҳаддан ортиқлиги уларни чиқаришга имкон бермаган. Беҳбудий буни газета чиқариш асносида аниқ айтган эди, яъни газета 5 ой чиққан бўлса, “5 ой тарафинда муҳаррир ва ходимлар, идора ижараси, фойтун пули, қоғоз каби харажатларни қўшмаганда ҳам фақат мураттиб, котиб ва мувазаҳларға, матбаа, маркаға оқча сарф этиб идорага 1000 сўмдан фазла зарар бўлди. Ушбу зарарни бир неча самарқандий тараққийпарвар зотлар ила ношир ўз киссаларидин бергани учун муштарийларға зарар юкланмади”[2], дейди.

1. Махсумова С. “Садойи Фарғона” газетасида маркетинг масалалари. // “Садойи Фарғона” газетасининг миллий матбуот шаклланиши ва жадидчилик ҳаракатидаги ўрни” мавзусидаги конференция тўплами. – 2024. –167 бет.
2. Беҳбудий М. Муҳтарам муштарийларимизға // “Самарқанд” газетаси, 1913 йил, 13 сентябр.

Айтиш жоизки, матбуотнинг моддий танглиги давр иқтисодининг табиий ночорлиги билан эмас, балки атайин таннархнинг оширилиши, босма индустриянинг ривожлантирилмаслиги билан ҳам боғлиқ бўлган.

Агар биринчи давр нашрлари (1906 – 1907 йиллар) сиёсий айбловлар билан ёпилган бўлса, иккинчи даврда (1912 –1915 йиллар) ҳукумат янгича йўл тутганини кўриш мумкин. Энди маҳаллий матбуотга қаршилик фақат сиёсий важлар билан эмас, балки моддий имкониятларни қирқиш, нарх-навони сунъий равишда ошириш, босмахоналарнинг нашрлар билан ҳамкорлигини чеклаш билан амалга оширилган.

Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Туркистон туман сақлов бўлими материалларидаги маълумотга кўра, "Садойи Туркистон" газетанинг чиқишни тўхтатишга интилиб, генерал-губернатор давлат босмахоналари ушбу газетани чоп этиш учун буюртма олмасликлари ҳақида кўрсатма беради[1].

Худди шунингдек, Самарқандда ҳам матбаа муаммоси пайдо бўлиб "Самарқанд" ва "Ойна" нашрлари ёпилган. Г. Нишонованинг маълумот беришича, "Ойина" босиладиган матбаанинг иши кўплиги важидан "Ойина" вақтида чиқмайдур ва мақолалар кеч босилурки, идора баёни арз этар"[2]4 деган мазмундаги эълон журналда чоп этилган. Кўринадики, "матбаанинг иши кўплиги" журнал ишини орқага тортади. Тадқиқотчининг ёзишича, ўша даврда Самарқандда биргина матбаа – "Товарищество Г.Базарова и К.Смирнова" литографияси бўлиб, унинг хизмати Тошкент босмахоналаридан икки баробар қиммат эди. Шунингдек, уруш туфайли Самарқанд чой тижоратхоналари ва бошқа ерлардаги мат-

1. Сирожиддин Аҳмад. Убайдулла Хўжаев. – Тошкент: Info Capital Group. –2021. – 80-бет.
2. Эълон. // Ойина. 1915. – №16. – Б.432.

баа ишлари айнан шу босмахона зиммасига юклатилган бўлиб, “Ойна”нинг ўз вақтида чиқиши қийинлашади. Яна бир қийинчилик 4-5 саҳифадан ортиққа етадиган араб шрифтининг йўқлиги эди. “На чора, то бир замона бойи чиқиб, миллий бир матбаа очгунча, ишлар шу ҳолда давом этса керак”, деб эътироф этади М.Беҳбудий[1].

Айтиш жоизки, Туркистондаги рус матбаачиларнинг хусусий босмахоналари ҳам доимий ҳукуматнинг назоратида бўлган. Матбаа харажатларининг қимматлиги фойда илинжида ўлкага келиб, босмахона очган рус ноширларининг ҳам, сиёсий томондан ҳукуматнинг ҳам манфаатларига мос эди. Шунинг учун ҳам ўзига тўқ жадид зиёлилари бошлаган газетачилик иши маҳаллий тараққийпарвар бойларнинг кўмагида ҳам илдамлаб кетмади. 1917 йилгача бутун Туркистонда маҳаллий мусулмонлар томонидан бешта босмахона бўлган[2]. Маҳаллий халқ вакиллари очган хусусий босмахоналар ҳам узоқ фаолият юритмади. Улар ҳукумат томонидан тақиқланди, сотилди ёки ёпилди. Почта харажатлари доимий орттириб борилган. Шу сингари йўллар билан газеталар таннархи сунъий равишда оширилган, уларни моддий қийинчиликларга гирифтор қилинган.

Бироқ нашрларнинг ёпилиши фақат иқтисодий қийинчиликларга боғлиқ эмас эди. Чунки ўша даврнинг катта бойларидан бўлган 2-гилдия савдогари, чор ҳукуматининг арзандаси Саидазимбой чиқарган “Тужжор” газетасининг 36 сонидан кейин обуначилар етишмаслиги сабабли ёпилиши бу қарашнинг бирёқлама эканини кўрсатади. Ҳукуматнинг қўллаб-қувватлаши ва етарли маблағга эга бўлган

1. Бу ҳақда қаранг: Нишонова Г. Ўзбек публицистикасининг шаклланиши ҳамда ривожланишида «Ойина» журналининг ўрни ва аҳамияти: филол.фан.ном....диссер. 2008. 17-бет.
2. “Садойи Фарғона” газетасининг миллий матбуот шаклланиши ва жадидчилик ҳаракатидаги ўрни” мавзусидаги конференция материаллари тўплами. – Фарғона, 2024. 100-бет.

ношир газетани ёпишга мажбур бўлди. Яъни матбуотнинг ўзига хос табиати шундаки, ҳар қанча пул тикилмасин, агар газета ўз ўқувчисини топмаса, у пул йўқотишдан бошқа иш бермайди.

Миллий матбуот аудиторияси. Жадид матбуоти аудиторияси анча тор бўлиб, газеталар маълум даражада саводли ижтимоий фаол қатлам: кўпроқ шаҳар аҳолиси, зиёлилар, ўқувчи-талабалар, муаллимлар, уламолар, савдогар, амалдор ва чет эллик зиёлилар орасида ўқилган. Қишлоқ аҳолиси, айниқса, камбағал катламлар жадид матбуотига тўлиқ қамраб олинмаган. Бу аҳолининг саводхонлик даражаси пастлиги; матбуот маданияти ҳали шаклланмагани; иқтисодий имкониятлар чеклангани; янги ғояларга нисбатан эҳтиёткорлик ёки бефарқлик билан боғлиқ бўлиб, халқнинг газета ўқимаслиги, матбуотга қарши ички ва ташқи ташвиқотлар ҳам обуначилар сони ошишига, нашрларнинг моддий ўнгланиб кетишига йўл бермади.

Миллий матбуотнинг маҳаллий халқ томонидан қўллаб-кувватланмаслиги сабабини З.Абдурашидов "Туркистон халқининг бошқа мусулмон халқларидан кескин фарқ қиладиган консерватив фикрлаш тарзи туфайли янгиликни қабул қилиш қийин кечганида", деб изоҳлайди[1].

Дарҳақиқат, илк миллий нашрлар чиққан даврда матбуот аксарият Туркистон халқи учун янгилик эди. Гарчи ўлкада 36 йилдан зиёд вақт давомида "Туркистон вилояти газети" чоп этилган бўлса-да, шаҳарлардаги илғор фикрлиларни айтмаганда катта ҳудуд аҳолиси газета ўқимас, "қўлига ҳам ушламаган" эди. Зиёлилар буни "Бизнинг халқ аксарият ила ғазета ўқиймайдур"[2], деб қайта-қайта таъкидлашади. Ҳат-

1. Абдурашидов З. Туркистонда жадидчилик. – Тошкент: Akadymnashr. – 2023. – 98-бет.
2. Ҳожи Муин. Танланган асарлар. Ғазета ўқумоқ манфаати. – Тошкент: Маънавият. – 2005. – 56-бет.

то шўро ҳукумати ўрнатилиб, кучга кирган 1924 йилда ҳам “халқимиз орасида ҳали ҳам газета кўрмаган одамлар кўп”[1], деб ахборот берилган эди.

Албатта, матбуотда газета ўқишга тарғиб қилувчи ўнлаб мақолалар чоп этилди[2]. Ҳатто газетани диний нуқтаи назардан қанчалик зарур эканини тушунтиришга ҳаракат қилинди[3]. Аммо улар кенг оммага кутилганидек таъсир кўрсата олмади. Бунинг бир қанча сабаблари бор эди.

Аввало, жамият саводли ва саводсиз қатламларга кескин ажралган эди. Мунавварқорининг қайд этишича, “бошқа вилоятларда хат билмайдургон киши юздан ўн бўлса, Туркистон вилоятида юздан тўқсон”га етарди[4].

Саводли қатлам эса асрлар давомида диний ва мумтоз адабий асарларни ўқиб дунёқараши шаклланган, шунинг учун газеталардаги замонга хос материалларни турлича талқин қиларди. Миллий матбуотнинг танқидлари эса кўпчиликнинг наздида ўзбекона “андиша”дан четга чиқар, бу “беҳаёлик”, “бешармлик” сифатида баҳоланарди. Олимлар таъкидлаган консерватив қатлам матбуотни дин ва ахлоққа путур етказиш воситаси сифатида талқин қиларди.

Денис Макквэйл матбуот тарихи ҳақидаги китобида “Босма матбуот шаклидаги мустақил ахборот воситала-

1. Раҳим. Ишчи-деҳқон мухбирларининг омма билан алоқаси. // “Туркистон” газетаси, 1924 йил, 7 октябр.

2. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Газет надур?” “Тужжор” 1907 йил 11 ноябр, Рауф Музаффарзода “Миллий ҳаёт ва Туркистон мусулмонлари” “Садои Туркистон” газетаси, 1915 йил, 31 март, “Маданият нардбони” “Садои Туркистон” газетаси, 1914 йил 20 август., Мунавварқори Абдурашидхонов “Ҳурматлу вакил ва муштарийларимизға мурожаат” “Садои Туркистон” Садои Туркистон”, 1914 йил 3 декабрь., Ҳожи Муин “Туркистон вилоятининг газети”, 1911 йил 24 ноябрь., Обиджон Маҳмудов.“Ғазета надур, на учун лозим”

3. Обиджон Маҳмудов. Газета надур ва на учун лозим // “Садойи Туркистон” газетаси, 1914 йил 10 апрел.

4. Мунавварқори. Бизни жаҳолат – жаҳли мураккаб. // “Тараққий” газетаси, 1906 йил 14 июн.

ри пайдо бўлганда, черков ва давлат ҳокимияти назоратни йўқотиш эҳтимоли ҳамда янги ва номаъқул ғояларни тарқатиш учун очилаётган имкониятлардан хавотирга тушган. Бунга XVI асрдаги диний урушлар давридаги аёвсиз ташвиқот курашлари яққол далилдир"[1], дейди. Европада кечган бу ҳолат Туркистонда XX аср бошларида кузатилди, дейиш мумкин.

Масалан, битта газета мисолида кўрадиган бўлсак, "Садойи Фарғона" газетасининг муҳаррири Обиджон Маҳмудов "Уламои киромға очиқ мактуб"и[2] ила газета ахлоқни бузади, деб халқни газета ўқимасликка чақирган одамларга мурожаат қилганди. У "...ғазета ўқумағон зотларнинг мақсадлари на эканлигини билолмадик, эҳтимолки, у зотлар ғазетада бўлғон бу қадар фойдаларни тафаккур қилмагон бўлсалар керак, ...ғазета фойдаси бўлмаса, қайси бир нуқтаси бефойда, зарарлик эканликини лутфан ғазета воситасила ва ёки бошқа бир тариқада бандаларға билдирсалар камоли мамнуният билан қабул қилурмиз. Шояд... инсофни кўз олдиға олуб, ҳар одамға ғазета ўқумоқни биз билан баробар тавсия қилмоқларини умид қилурмиз"[3], деб ёзади.

Маҳаллаларда газетага қарши ташвиқотлар уюштирилган, матбуотда танқидий мақолалар чоп этилган. Обиджон Маҳмудов газетанинг биринчи сони чиққандан кейин унга қарши фикр айтувчиларга: "баъзи олим суратинда бўлғон зотлар "Садои Фарғона" деб ном қўйғанимиз учун эътироз қилурмиш, чунки "садо" деб бежон бир нимарсадан чиқган овозни айтурмуш, Садои Фарғона дейилганда бутун Фарғо-

1. Denis McQuail Mass Communication Theory. 6th edition. – SAGE /Publications Ltd 2010 // https://nibmehub.com/opac-service/pdf/read/McQuail's%20Mass%20communication%20theory.pdf
2. Очиқ мактуб. Уламои киромға // "Садойи Фарғона" газетаси, 1914 йил 18 апрел.
3. Обиджон. Ғазета надур ва на учун лозим. // "Садойи Фарғона" газетаси, 1914 йил 10 апрел.

на аҳлини жасад қаторига санаганмиз бўлурмуш! Бу қадар бемаъни эътирозларга жавоб бериб, бош оғритиш ниятим йўқ эди, лекин бу каби танқид эгаси Истанбулда, Кафказ ва Бокуда, Тошкентда садо сўзи билан чиқаётган газеталар мавжуд эканлигини билиб қўйса, уларнинг садоси қулоғига кирмасдан, ёлғиз Фарғона садосини эшитаётган бўлса, қулоғи оғир эканини англаб етса, шояд", дейди.

"Садои Фарғона" газетаси ҳақидаги ғаразли танқидлар Қрим, Кафказда чиқадиган "Вақт" ва "Шўро" газеталарида ҳам чоп этилади. Обиджон Маҳмудовнинг "Шифиюнлик. Матбуотга тилчилик" сарлавҳали мақоласи мана шундай танқидларга жавобан ёзилган.[1] У газетага эътирози бўлган одамлар турли иғволар тарқатмасдан, раддия ёзиб, идорага юборса, камчилигимизни англаб, "камоли хурсандлик ва миннатдорлик билан чоп этамиз"[2], дейди.

Бундай тушунтиришларга қарамай, матбуотга қарши ташқивотлар, албатта, уламоларга қарши бормайдиган халқни газетадан узоқлаштиради. Бу унинг ўқувчилари сонини камайтириб юборади.

Мана шундай муҳитда, маърифатпарварларнинг турли йўналишдаги саъй-ҳаракатлари натижасида жамиятда янгиликни қабул қилиш кўникмаси, ахборот истеъмоли маданияти шакллана бошлади. Сўз айтишга иштиёқмандалар кўпая борди. Бу жараёнда "тараққийпарварлар", "ёшлар" матбуот орқали танилиб борди. А.Халид таъбири билан айтганда, "жамият муаммоларини муҳокама этишнинг бош нуқтасига айланган ижтимоий майдон яратилди. Маданий элита сафларидан жой олишга кўмаклашувчи ва ўнлаб йиллар давом этган мадраса сабоқларидан фарқли

1. Шифиюнлик. Матбуотга тилчилик // "Садойи Фарғона" газетаси, 1914 йил 10 декабр.
2. Уламои киром ҳазратина // "Садойи Туркистон" газетаси, 1914 йил 18 апрел.

ўлароқ, ижтимоий майдонга чиқиш учун энди бошланғич саводнинг ўзи кифоя қиладиган бўлди, театр учун эса бу ҳам шарт бўлмай қолди. Янги ижтимоий майдон ва кенглик қулоч ёйиб борар экан, эски маданий элита тобора маргиналлашиб, йўл четига чиқиб бормоқда эди"[1]. А.Халиднинг фикрича, жадидларнинг халқ эътиборини тортаётгани бошқарувда иштирок этаётган, нуфузга эга қатлам вакиллари томонидан ўз мавқеига раҳна солиш, деб қабул қилинди.

Дарҳақиқат, халқ орасида саводсизлик кучли бўлган муҳитда билимга эга бўлган одам катта ҳурматга ҳам эга бўларди. Азалдан маърифат, илмга ҳурмат билан қараган халқ учун илмлиларнинг қадри ҳануз баланд эди. Кўплаб тилларни билган, "диний билимларни фалсафалари ила тушунадиган", дунё кўрган, энг муҳими, миллатнинг манфаатлари учун куйиб-пишаётган жадидларнинг мавқеи ҳам шу жиҳатдан ошиб бориши табиий эди.

Бу ўз-ўзидан жадидларга қарши ҳаракатга ундар, бу қаршилик жадидларнинг асосий фикр майдони бўлган матбуотга ҳам қаратилган эди. Бироқ айтиш жоизки, бундай "мавқе талашиш" баъзан жаҳон жадидшунослари ишларида бўрттириб кўрсатилади. Аслида жадидларнинг аксарияти уламоларга қарши синф вакиллари эмас, балки улар доирасидаги ўз мавқеига эга шахслар эди. Шунинг учун айтиш мумкинки, муаммо фақат мавқеда эмас эди.

Муаммо яна халқнинг табиати билан боғланар эди. Николай Остроумов ўзи муҳаррирлик қилган "Туркистон вилояти газети"нинг маҳаллий халқ томонидан ўқилмаслигини оқлаш мақсадида маҳаллий аудитория ҳақида шундай маълумотларни келтирган: "...газета мазмуни ва маҳаллийлар орасида кам тарқалгани жиҳатидан маълум даражада оқланиши мумкин. Зеро, маҳаллийлар, табиийки, энг аввало, З

1. Халид А. Туркистонда жадидчилик. – Тошкент: Akademnashr. – 2025. –15-бет.

сўм (йиллик ҳақ) ҳам катта пул, деб ўйламасликлари мумкин эмас. Турли хабарларни, айниқса, қизиқарлиларини, улар бозор воситасида бир-бирларига тез ва бепул етказа оладилар. Йигирма беш йиллик тажрибага таяниб хулоса қилиш мумкинки, замонавий сартларни энг кўп ўз шахсий фаровонлигига дахлдор хабарлар қизиқтиради. Улар ҳали Европа маъносидаги илмий қизиқишга эга эмаслар ва ҳатто замонавий илм-фан кашфиётларига ҳам, агар бу кашфиётлардан аниқ бир фойда чиқармасалар, унча аҳамият бермайдилар.

Маҳаллийларни мукофотлаш ҳақидаги хабарлар, рус маъмурларининг мақтов ва маъқуллашлари уларнинг иззат-нафсига ёқимли таъсир қилади, аммо шахсий шаънига ноқулай бўлган хабарлар, ҳатто ном кўрсатилмаган тақдирда ҳам, уларни хафа қилади ва бозорларда турли гап-сўзларга озуқа беради”[1].

Мақтовни хуш кўрадиган, танқидни кўтара олмайдиган миллати ҳақида Беҳбудий: “Биз ҳануз танқидга лаёқат пайдо этганимиз йўқ”, дейди. Аслида, танқидни тўғри қабул қилиб, ўз нуқсонларини тузатиш ўрнига танқид билан жавоб бериш одатга айланиши халқнинг “уят”, “андиша” тушунчаларини ҳаётдаги муҳим ҳодиса сифатида қабул қилганида эди. “Уятга қолган” одам ҳатто ўз уй, маҳалласини ташлаб чиқиб кетадиган муҳитда ўз шаънини “уятга қолмаслик” билан белгилайдиган одамлар орасида матбуотдаги танқид катта шов-шувларга сабаб бўларди. Тараққийпарварлар эса мана шундай муҳитда юрак ютиб, жамият урф-одатларига қарши чиқди. “Ҳақиқий матбуот ҳеч кимни хотириға қарамас. “Хотир қолмасун” касали биз мусулмонларни барбод этди”[2], деган қатъий хулосада эди жадидлар.

1. Остроумов Н. Сарты. Этнографические материалы. (С портретами сартов.) – Ташент: Типография газеты “Среднеазиатская жизнь” – 1907. С.170.

2. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танқид сараламоқдир // Ойна.1914. 32 сон.

Қолаверса, Туркистон халқининг кейинги асрларда “қорним оч бўлса ҳам, уйим тинч бўлсин”, деган табиатига матбуотнинг уйғотувчи, фикрлашга ундовчи фаолияти зид келарди. Шу боис, Беҳбудий айтганидек, 300 йил ортга қайтишни истайдиганлар танқидий матбуотнинг ёпилиши тарафдори эди, бундай кишилар айнан жамиятдаги мавқега эга қатлам орасида кўп эди. Бу норозиликларни мустамлакачи махсус хизматлар янада кучайтириш учун турли фитнаю гиж-гижлашларни уюштирди. Шунинг учун ҳам матбуот фаолияти нафақат сиёсий тузум босими, балки маҳаллий ички қаршиликлар таъсирида ҳам чекланди.

Шу ўринда айтиш мумкинки, жадид матбуоти кейинчалик шўро матбуотида кузатилганидек, мақтовни ёймади, балки мавжуд қолоқлик, камчиликларни танқид қилишга эътибор қаратди. Қайсидир мавқели кишини шарафлаб мақолалар битилмади, ҳеч кимга “пахта” қўйилмади, аксинча, камчиликлар рўй-рост танқид қилинди. Жадид матбуотининг ўзига хос жиҳатларидан бири ҳам шунда: миллат манфаатига хизмат қилган амалларгина матбуотда ўрнак, мактаб сифатида ёритилди. Бирор шахснинг нуфузини ошириш учун матбуотда чоп этилган бирор материални учратмадик.

Муаллифлар жамоаси. Нашрлар фақат ташқи босим, моддий танглик қийинчиликларидан эмас, балки ижодий томондан ҳам ўзаро ёрдамга муҳтож эди. Нашр аудиториясини кенгайтириш учун бугунги замон тили билан айтганда, қизиқарли контент яратиш лозим эди. Бироқ ўша давр муҳитида муаллифлар жамоасини кенгайтириш иши ҳам ибтидосида турган эди. Масалан, Самарқанд газетасида ҳам, дастлабки йили ҳафталик, кейин икки ҳафтада бир чиққан “Ойна” журналида ҳам кўплаб вазифаларни Беҳбудийнинг ёлғиз ўзи бажарар эди. Мирмуҳсин Шермуҳаммедов бу ҳақда: “24 саҳифанинг ҳаммаси Маҳмудхўжа қалами ила

тўладур, десак ҳам бўлур” деб таъкидлайди[1]. Муаллифларнинг етишмаслиги катта қийинчиликлардан бири эди. “На учун илтифот этмайлар” мақоласида Беҳбудий учта тилда чиққан нашрнинг ёзувчи-муаллифлари кўп бўлишини умид қилгани, лекин юртдош зиёлиларнинг эътиборсизлигидан ранжиганини маълум қилади: “150 минг мусулмон нуфуслик ва неча даста муҳаррир, шоир ва мусаннифи бор ва бир неча жарида чиқарган ва маркази Осиёи Вусто бўлган Тошканд шаҳридин форсий ё туркий, ё русий валав бир сатр бўлсун, бир шай келган йўқ”[2], дейди. Хива, Бухоро, Фарғона вилояти зиёлиларининг ҳам эътиборсизлигини қайд қилади.

Бундан англашиладики, маҳаллий зиёлилар орасида миллий матбуот учун ёзишга малака етарли даражада шаклланмаган эди. Миллат тақдири, маърифат ва ислоҳот ҳақида сўз юритиш зарурати англанса-да, матбуотда фаол иштирокчи бўлишдаги масъулият туйғуси барчада ҳам уйғонмаганди.

Тараққийпарварлар нашр мазмунини бойитишда халқаро муаллифларга ҳам катта эътибор қаратишган. Матбуот саҳифаларида петербурглик, афғонистонлик, кавказлик, мисрлик, қозонлик, туркиялик муаллифларнинг мақолалари чоп этиб борилган. Бундан ташқари, “Сирож ул-ахбор”, “Таржумон”, “Вақт”, “Шўро”, “Юлдуз”, “Иқбол” “Сабо”, “Чеҳранома”, “Қуёш” сингари нашрлардан материаллар олиб босилган[3].

1. Нишонова Г. Ўзбек публицистикасининг шаклланиши ҳамда ривожланишида «Ойина» журналининг ўрни ва аҳамияти: филол. фан.ном....диссер. 2008. 19-бет.
2. Беҳбудий М. Танланган асарлар. 1-жилд. На учун илтифот этмайлар. – Тошкент: “Академнашр”. – 2021. –393-бет.
3. Нишонова Г. Ўзбек публицистикасининг шаклланиши ҳамда ривожланишида «Ойина» журналининг ўрни ва аҳамияти: филол. фан.ном....диссер. 2008. 52-бет.

Шунга қарамай, матбуот учун муаллифлар, мухбирлар, баҳсга кириша оладиган қалам соҳиблари кўплаб зарур эди. Ҳудудлар ўртасидаги алоқанинг сустлиги, зиёлилар сонининг камлиги ва фаоллигининг пастлиги бунга монеълик қиларди. Бу эса матбуотнинг таъсир доираси, тарқалишига салбий таъсир кўрсатди.

Нашрларнинг тарқалиши. Миллий нашрлар нафақат Туркистон ҳудудлари, Бухоро ва Хива, балки бир қанча Шарқ мамлакатларига етиб борарди. Зиё Саид "Ойна" журналининг "Қофқоз, Татаристон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Туркиягача"[1] тарқалганини ёзади. Ҳожи Муиннинг таъкидича, журнал "...Мисргача тарқалар ва ҳар ерда суйилиб ўқулур эди"[2]. "Садойи Туркистон", "Садойи Фарғона" газеталари доимий равишда Қрим, Кавказда чиқадиган газеталар идораларига мунтазам юбориб турилган. "Тараққий" газетасининг биринчи сониёқ Қримдаги Исмоил Гаспринскийга етиб боргани, шунингдек, у "Хуршид" газетасини қўллаб-қувватлаб, ундаги айрим материалларни кўчириб, "Таржумон" саҳифаларида чоп этиб боргани бунинг яққол далилидир.

Келиб кетувчилар, почта орқали нашрлар етказиб турилган. Лекин булар ҳам матбуот учун катта маблағ олиб келмасди. Балки аксинча, етказиш харажатлари ҳам қўшилган бўлиши эҳтимол.

Газеталар, асосан, обуна йўли билан тарқатилган. Беҳбудийнинг шогирдларидан бири Вадуд Маҳмуд Беҳбудий ҳақидаги хотира дафтарларидан бирида унинг "Самарқанд" газетаси идорасига А.Шакурий билан бирга бориб, обуна бўлганини ва газетани почта орқали олиб турганини ёзади: "Бу ҳодиса меним ҳаётимда муҳим бир ҳодиса тарзида

1. Зиё Саид. Бурунғи вақтли матбуот тарихига матеиаллар. – Самарқанд: Ўзбекистон Давлат нашриёти. –1927. – 53-бет.
2. Ҳожи Муин. Самарқанд матбуотининг тарихи // Зарафшон. 1923. 5 май.

жилваланди. Чунки у замонлар, ким билар, Самарқанд каби катта шаҳарда газетга обуна бўлиб, газетхон сифатига ноил қанча киши эди экан. Ҳафтада икки ёки уч каррат чиқатирган газетни махсус почталён ташиб келтириб бериб кетар эди. Шулар қаторида мен ҳам бор эдим ва бу менинг учун зўр бир ифтихор эди" [1].

Вадуд Маҳмуд хотиралари ўша давр ижтимоий-маданий муҳитини тасаввур қилишда муҳим манба вазифасини ўтайди. Улардан англашиладики, ўша даврда матбуотни тарқатиш учун инфратузилма ҳали шаклланмаган, нашрнинг яшаб қолиши кўп жиҳатдан муҳаррирнинг шахсий фаоллигига боғлиқ бўлган. "У замонлар, газет нима, оламда нима аҳволот бўлиб турубдур, ҳеч кимни қизиқтирмайтирган бўлган... "Самарқанд" газети қанча тиражи бўлмасин, Самарқанд шаҳрининг ўзида юз нусхаси зўрға сотилатурган бўлган... Маҳмудхўжа Беҳбудий шаҳардан шаҳарга, қишлоқдан қишлоққа юруб, ташвиқот қилиб, газет ва журналига обуна ёздиратурган бўлган... Бухоро, Хўжанд, Ўратепа, Конибодом ва бошқа туркий забон шаҳарларда ҳам 10 – 20 нусха тарқалиб, бошқа нусхалари тахланиб қолатирған бўлган"[2], дейди.

Ушбу фаслга хулоса қилиб айтганда, миллий матбуот мустамлакачилик сиёсати, цензура, иқтисодий қийинчиликлар, аҳолининг саводхонлик даражаси пастлиги ва матбуотни тарқатиш инфратузилмасининг етарли эмаслиги, кадрлар етишмовчилиги каби кўплаб тўсиқлар шароитида яшаб қолиш учун доимий йўл қидирди. Жамиятда ахборотга бўлган эҳтиёжни уйғотишга интилди. Ташқи ва ички тазйиқларга қарамай, миллий фикр майдонини сақлаб қолишга интилиш унинг яшовчанлигини таъминлади.

1. Вадуд Маҳмуд. Маҳмудхўжа Беҳбудий. 1 дафтар. Д.Жамолова табдили. // Ўзбекистон тарихи журнали. 2025. 1сон.
2. Вадуд Маҳмуд. Маҳмудхўжа Беҳбудий. 1 дафтар. Д.Жамолова табдили. // Ўзбекистон тарихи журнали. 2025. 1сон.

3-ФАСЛ
МАҚСАД ВА МАСЛАККА СОБИТЛИК – МАТБУОТ ЯШОВЧАНЛИГИНИНГ ТАЯНЧИ СИФАТИДА

Жадидчилик даврини миллий ренессанс сифатида талқин қилувчи қарашлар мавжуд. Жадид зиёлиси Ҳожи Муиннинг "Туркистонда интибоҳ (уйғониш – Н.Н.) 1901 йилдан бошланди"[1], деган сўзлари ҳам бу даврда оддий маданий жонланиш эмас, балки миллий тафаккур, ижтимоий онг ва маърифий ҳаракатда янги давр бошланганини англатади.

Президент Шавкат Мирзиёев жадидлар меросини ўрганишга бағишланган Халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табригида: "Ўйлайманки, тарихда икки буюк Ренессансга замин бўлган минтақамизда учинчи Ренессансни айнан жадид аждодларимиз амалга оширишлари мумкин эди. Афсуски, мустабид тузум уларнинг эзгу ғоя ва амалий ҳаракатларини тўла рўёбга чиқаришга имкон бермади"[2] деб таъкидлайди.

Уйғониш, аввало, жамиятда янгича фикрлайдиган қатламнинг шаклланиши, фикрий ўзгаришнинг кенг тус олиши билан белгиланади. Яъни маърифат ғоялари фақат тарғибот даражасида эмас, балки интеллектуал, тараққийпарвар дунёқарашга эга шахсларнинг амалий ҳаракатлари орқали воқеликка айланади.

Тарихдан маълумки, айрим даврларда фикрий уйғониш якка шахсдан бошланган. Бироқ жамият янги ўзгаришлар-

1. Ҳожи Муин. Танланган асарлар – Тошкент: Маънавият. 2010.
2. Мирзиёев Ш. Жадидлар мсеросини ўрганишга бағишланган Халқаро конференция иштирокчиларига. 2023. 03.06. https://president.uz/uz/lists/view/6007.

ни қабул қилишга тайёр бўлмаса, бундай шахслар кўп ҳолларда рад этилган, таъқиб қилинган. Рим инквизицияси суди томонидан Ернинг Қуёш атрофида айланиши ҳақидаги таълимотидан воз кечишга мажбур қилинган Галилей, фикр эркинлигини ҳимоя қилиб ўз қарашларидан қайтмагани учун заҳар ичдириб ўлдирилган Суқрот, "Ана-л-Ҳақ" деган тасаввуфий фикри учун Бағдодда қатл этилган Мансур Халлож каби фикр соҳиблари ўз даврида жамият томонидан қабул қилинмаган эди. Улар айтган ғоялар кейинчалик қадрланса-да, ўз давридаги ижтимоий муҳит бу фикрларни қабул қилишга тайёр эмас эди. Бу ҳолатни Туркистон тарихида ҳам кузатиш мумкин. Жадидлар ҳаракатига муайян даражада таъсир кўрсатган, тўғрироғи, унинг юзага келишида илк манба, илк фикрий уйғониш сифатида хизмат қилган, маърифий ислоҳот ғоялари билан чиққан шахслар амалий ҳаракатда деярли ёлғиз эди. Шарқда илм маркази сифатида эътиборга тушган Бухоро мадрасаларига келиб таҳсил олган Абу Наср Курсавий (1776–1812), Шаҳобиддин Маржоний (1818–1889)[1] сингари татар уламоларининг ўқитиш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган ғоялари ёки шу юртнинг фарзанди ўлароқ ўз ватанини қолоқликдан чиқаришга интилган Аҳмад Донишнинг (1827–1897) илғор фикрлари жамоатчилик томонидан тўлиқ қабул қилинмади. Амалий ҳаракатда улар қўллаб қувватланмади.

Аммо XX аср бошларига келиб, бошқа Шарқ мамлакатлари сингари Туркистонда ҳам янги ижтимоий-маърифий ҳаракат юзага келди. Бу фикрий уйғониш Самарқанддаги Маҳмудхўжа Беҳбудий ёки Тошкентдаги Мунавварқори шахси, уларнинг ўгитлари билангина чекланиб қолмади. Балки дунёга зийраклик билан янгича назар ташлаган, зулмга қарши йўл қидирган инсонлар бир пайтнинг ўзида мамлакатнинг турли ҳудудларида етишиб чиқди, ўша фурсатда

1. https://inlibrary.uz/index.php/zdif/article/view/92503/94150

фаолиятга киришди. Ана шу фикрдош зиёлилар жамоасининг вужудга келиши жадидчиликнинг алоҳида бир ҳаракат сифатида эътироф этилишига асос бўлди.

Таълим ислоҳоти борасидаги аввалги ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ жадидчилик, аввало, мактаблар ислоҳотидан бошланди. 1889–1901 йиллардан бошлаб очилган янги усулдаги мактаблар жамиятнинг эски мактабчилик тафаккурига қарши янги фикр эди. Кўп ўтмай юзага келган миллий матбуот эса, энг аввало, фикрий-ғоявий тарбия ва ижтимоий сафарбарлик воситаси сифатида намоён бўлди. Жадидлар ҳаракатининг бошқа ҳеч бир йўналиши: мактаб, театр, жамиятлар, адабиёт ҳам, табиийки, матбуотчалик кенг қамровли таъсир имкониятига эга бўлмади. Мактаб, театр ёки адабий асарлар орқали айтилган ғоялар ҳам, охир-оқибат, матбуотда ёритилди, муҳокама қилинди, изоҳ ва баҳслар орқали такомиллашди. Шунинг учун ҳам америкалик олим Адиб Халид: “Матбаа бўлмаса, жадидчилик ҳам вужудга келмас эди”[1], дейди.

Миллий матбуотнинг юзага келиши Туркистонда мустабид ахборот монополиясига путур етказди. Маҳаллий тилда, маҳаллий халқ манфаатларини ифода этувчи миллий оммавий ахборот майдонининг шаклланиши жамиятнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шундай қилиб, жадид матбуоти жадидчиликнинг ғоявий мафкуравий асосларини шакллантирган, уни кенг жамоатчилик онгига сингдирган ва изчил тарғиб этган асосий минбар сифатида намоён бўлди. Бу ғоя – маърифат, миллий ўзлик, диний ва ахлоқий ислоҳотлар, ижтимоий адолат учун кураш, иқтисодий ўсиш сингари устунлардан таркиб топган бўлиб, Туркистон жамиятини янги, замонавий ва онгли тараққиёт сари етаклашдан иборат эди. Пировардида, улар-

1. Халид А. Ўзбекистон таваллуди. Тошкент: Akademnashr. – 2022. – 14 бет.

нинг барчаси ягона мақсад – эрк ва озодлик учун курашда муқаррар ғолибликка тайёр бўлиш ва мустақилликни қўлга киритишга олиб бориши кўзда тутилган эди.

Жадид матбуотини Туркистонда юзага келган илк маърифий-либерал матбуот сифатида баҳолаш мумкин. Албатта, мустамлака шароитида фаолият юритган матбуотни либерал ёки очиқ жамоатчилик минбари сифатида кўрсатиш қай даражада тўғри, деган эътирозли саволлар туғилиши табиий. Чунки миллий нашрлар фаолиятига баҳо берганда жадидлар мустамлакачилик шароитида ўз фикрларини очиқ ёза олмагани, матбуот эркин бўлмагани ҳақидаги хулосалар тез-тез кўзга ташланади. Лекин нашрлардаги материалларни чуқурроқ таҳлил қилганда, матбуот мустамлакачилик шароитида ҳам тақиқларга қарамасдан, эркин, либерал ёндашувга эга бўлганини, бунинг заминида катта жасорат мавжудлигини англаш мумкин.

Фикримизни, аввало, маърифатпарварларнинг ҳар қандай мавзуда танқидий мақолалар ёза олгани билан изоҳлаймиз. Мақолаларда очиқдан-очиқ чор империяси танқид қилинмаган бўлса-да, моҳиятан айнан мустамлакачиликка қаршилик яққол ифодаланган эди. Бу матбуотнинг маърифий ниқоб остидаги сиёсий позицияси, танқид орқали ҳақиқатни етказиш маҳорати эди.

Аввал таъкидланганидек, миллий матбуот ўз ижодий фаолиятини кескин танқидий руҳда бошлади. "Тараққий" газетасининг 1-сонида эълон қилинган "Биз мусулмонларни ҳурриятда ҳақлари борму? Йўқ! Қариндошлар юз мартаба йўқ"[1] сарлавҳали мақоланинг сарлавҳасиёқ колониал жамиятга нисбатан эътирозни ифодалар эди. Маълумки, 1905 йил 17 октябр манифести туфайли халққа бир қанча эркинликлар берилади. Мақола муаллифи бу эркинликлар қон тўкишлар эвазига қўлга киритилганига ишора қилади.

1. "Тараққий" газетаси, 1906 йил, 14 июн. 1-сон.

Бироқ: “....матбуот учун берилғон ҳурриятлар тўшак устида оғзиға сув томизилиб турган оғир хастадек эканини тилсиз ва кўр табиблар ҳам тасдиқ этурлар”, дея эркинлик қоғоздагина бўлиб, амалда зўравон цензуравий тизим давом этаётганини ёзади. Муаллиф “миссионер нашрлари”га имтиёзлар берилиб, мусулмонлар зарарига ҳар қанча мақола бўлса чиқади, биз – маҳаллий халқнинг эса ҳақиқатни ёзишга ҳақимиз йўқ, дейди. Мактаб очиш, болаларни ўқитишга рухсат берилмаслиги, мадраса вақфларининг тортиб олинишини танқид қилади. “Ўткан йилларда Петербург, Московдаги курашлар; жанг-жадаллар ва ҳамма мамлакатларда иш ташламоқлиқлар; Доғистон, Лаҳистон ва Баҳри Болтиқ канораларинда бўлғон ҳаракат ва тортишишлар тарихларнинг саҳифаларида ҳамма миллатлардан ҳуррият учун хизмат этгучилар бўлди, ҳаммага баробар ҳақ ва ҳуқуқ сўраб жонларин фидо қилғучилар чиқди”[1], деб инқилобий ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга мойиллик билдиради. Бундай маълумотлар эса ҳукуматни чўчитиши табиий эди.

Адиб Халид жадид матбуоти жамиятнинг ўзига қаратилган танқидий матбуот эди, дейди. Лекин юқоридаги мақоладан кўринадики, у маҳаллий жамиятнинг ўзигагина эмас, мавжуд тузум бошқарувига ҳам қаратилган очиқдан очиқ танқид эди. Бу мақоладаги танқидларнинг аксарияти мустабид ҳукуматга қарши айтилган эди.

Газетанинг биринчи сонида яна бир танқидий мақола – Мунавварқорининг “Бизнинг жаҳолат – жаҳли мураккаб” мақоласи чоп этилди. Туркистондаги таълим ва тарбия танқид қилинган бу мақола Б. Дўстқораев[2] томонидан батафсил изоҳлангани боис, мазкур ўринда унинг мазмуни-

1. “Тараққий” газетаси, 1906 йил, 14 июн. 1-сон
2. Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. Дарслик. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. – 2009. –116-бет.

га тўхталмаймиз. Бироқ айтиш жоизки, мақолада танқид жамиятнинг ўзига қаратилган бўлса-да, Н.Остроумов уни мавжуд сиёсий муҳитга норозилик сифатида қабул қилди. Бунга қарши маҳаллий диндорлар орқали оломонни жадидларга қарата гиж-гижлади.

Миллатни фикрий ўзгаришларга, силкиниб уйғонишларга олиб келган матбуотдаги бундай мақолалар мустабид ҳукуматнинг сезгир нигоҳидан четда қолмади. Чунки халқнинг қолоқлиги, нодонлиги ҳақида гапирилган ҳар қандай мақолада унинг мустабидлар чангалида экани қайд этиб ўтилган. Ҳукуматнинг "прогрессив" роли фақат унга тегишли нашрлар ва ўзининг маъмурлари томонидангина қайта-қайта ёзилган. Маҳаллий матбуот бу "прогрессив" ролнинг аҳамиятини мавзу сифатида деярли ёритмади. Бу жадид матбуотининг қатъий позицияси мавжуд эканини кўрсатади.

"Тараққий"нинг таълим масалаларига бағишланган мақолаларида хам сиёсий қатъият, миллат манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор қаратилар эди, – дейди тадқиқотчи О.Зарипов газетанинг 9 август сонида чиққан "Умумий ўқутув" сарлавҳали мақолани таҳлил қилиб, – газета мактаблар ислоҳи бўйича бутун мамлакатда кечаётган баҳслар тўғрисида ўз қарашларини билдириб, мустамлака ўлкаларнинг мактабларида ўқитиш аҳолининг ўз она тилида бўлиши керак, деган талабни қўяди. Муҳими шундаки, газета бу фикрни шунчаки сўраш, ўтиниш сифатида эмас, балки аҳолининг ҳақ-ҳуқуқи эканини таъкидлайди. Бу каби ўткир мақолалари туфайли газета рус ҳукумати томонидан 4 марта жавобгарликка тортилди"[1].

Б.Дўстқораев газета фаолиятининг бошқа бир муҳим жиҳатини аниқлайди: "Газета монархияга қарши бўлган ҳар

1. Зарипов О. "Тараққий" Россия империяси қатағонига учраган илк миллий газета // "Ўзбекистон тарихи" журнали, 2022. 3-сон.

қандай ҳаракатни жон-дили билан ёритди. Подшо ҳокимияти томонидан сургунга ҳукм қилинган 17 нафар солдатни ҳурриятчилар қандай кузатганини, социал демократик (болшевиклар) партиясининг аъзоси Морозовнинг ҳукуматга қарши нутқини газета ўз саҳифаларида батафсил ёзди"[1] деган хулосага келади. Бу газетанинг яна бир қатъий позициясини кўрсатади.

Бунинг сабаби газета муҳаррири Исмоил Обидийнинг кескин қарашларига ҳам боғлиқ эди. И.Обидийнинг қарашларида ўша даврда Туркистонда ҳам сезиларли кучайган Россия социал-демократлар партиясига мойиллик бор эди, деб ўйлаймиз. И.Обидий бир мақоласида даъватларга кўра уларнинг мажлисига борганини, бу мажлисда юзларча ишчилар йиғилиб, "қалбларга шодлик берадиган мажлис" бўлганини ёзади. У яна бойларни "фақирлар ва хизматчиларни таламоқ учун бор қувватларини сарф қилғон бир ваҳший зот" сифатида тасвирлайди.

Жадидлар, маълумки, бойларга муносабат билдирганда уларни фақирларни таловчи қатлам сифатида тасвирлашга мойил эмас эди. Обидий сингари зиёлиларнинг тутган позицияси ўша даврда бутун жадидлар ҳақидаги тасаввурларни нотўғри ўзанда шакллантирган, деб тахмин қиламиз. Ўша даврда яратилган асарларда халқ орасида жадидлар мол-мулкни, хотунларни ҳам умумий қилармиш, деган миш-мишлар кенг тарқалгани ҳақида ёзилади. Эҳтимол, рус-социал демократлари ва жадидларнинг ошкора ҳамда яширин тарғибот-ташвиқотлари бир пайтда кучайгани улар ғояларини адаштириб тушунишга сабаб бўлгандир. Бу ҳам жадидчилик ғояларининг кенг ёйилишида салбий таъсир кўрсатган.

1. Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. Дарслик. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. – 2009. –118- бет.

“Тараққий” газетасининг кескин мақолалари унинг кейинги тақдири ҳамда ундан кейин чиққан бошқа газеталарнинг тақдирига ҳам бевосита таъсир кўрсатди. З.Абдурашидовнинг фикрича, “эҳтимол, газетанинг айнан шу услуби уни ҳукумат томонидан ёпиб қўйилишига асосий сабаб бўлган. Чунки Ғаспиринский “Тараққий” газетасининг юқоридаги услуби ва йўналишидан унчалик қониқмаган эди ва буни очиқ намоён ҳам қилган. У “Тараққий” муҳаррири барча соҳаларда мукаммал эмаслигини очиқ тарзда ёзди”[1].

Миллатпарварлик, миллий қиёфа, миллий ўзлик масаласи. Ватанпарварлик, миллатпарварлик жадидлар публицистикасининг меҳварида турган мавзу эди. Инсоният тарихидаги қайси халқ бўлмасин мустабидликка қарши озодлик учун жон беришни бўйнига олган фидойилар туфайли ёруғликка чиққанини кўриш мумкин. Тарих фалсафасини яхши билган жадидлар ҳам бу қисматни ўз елкаларига олишди. Шунинг учун жадид публицистикасида “Миллат учун жон бериш” энг кўп такрорланган ифодага айланган эди. Бу кейинги авлодлар томонидан ҳатто ҳайрат билан кузатилади[2]. Такрор-такрор айтилган бу гаплар болшевикларнинг қизил шиорларидан фарқ қиларди, албатта. Улар эрксизлик муҳитида ўзлигини англаган инсонларнинг фарёдигина эмас, балки озодликка йўналган қатъий ҳаракати ифодасини ҳам намоён этади.

Жадидлар миллатпарварлик сўзини ватанпарварлик сўзи билан битта мазмунда ишлатишди. Улар бу туйғу ғафлатда қолган юракда уйғонса, қулликка қарши курашчилар кўпаяди, деган фикрда эди. Шунинг учун ҳам нафақат матбуотда, балки мактабда гўдакликдан бу туйғуни шакл-

1. Абдурашидов З., Эгамқулова Н. Борар йўлинг Туркистондир... – Тошкент: Akademnashr. – 2023. – 15-бет.

2. Журналистика талабаларидан бири “Жадидлар ҳар бир мақоласида миллат учун ўлишни оддий гапдек такрорлашади. Ўлимни бўйнига олиш улар учун шунчалик осон бўлганми”, деган эди ҳайратланиб..

лантиришга ҳаракат қилишди. Мунавварқори болалар учун ёзган “Адибус соний” асарида тарбияли бола “Миллат” деган сўзни жонидан ортиқ суяр”[1], дейди. Миллатни севишни 4-6 ёшли болага одобнинг муҳим белгиси сифатида кўрсатади. Албатта, бу ҳис ўзи-ўзидан пайдо бўлмайди, балки таълим ва тарбия орқали онгга сингдирилади. Жадидлар тарбия тизимининг асосий моҳияти шунга қаратилган эди. Мактаб муҳитидаёқ ўзликни англаш, жамият олдида масъулият ҳиссини уйғотиш муҳим эди.

1906–1917 йиллардаги миллий нашрларда мактаб, мадраса таълимини ислоҳ қилиш, халқнинг маданий қолоқлиги, оммавий ғафлатини англатиш, мусулмон халқларининг мустамлака зулми остида эзилаётганини кўрсатишга қаратилган маърифий-танқидий руҳдаги мақолалар бу нашрлар мустабидлик исканжасида ҳам ўз вазифасини бажарганини, ўз сўзини айта олганини яққол кўрсатади. Мақолалар миллат ҳолидан зорланиб ёзилгандек кўринса-да, бу шикоят эмас, балки ўқувчини фикрлашга ундаш мақсадида очиқ ва дангал мисоллар орқали ёзилган ҳақиқат эди. Миллатнинг аҳволини ўзига англатиш унинг қиёфасини чизиб бериш, ҳолатини кўрсатиш орқали амалга ошарди.

Миллатнинг руҳий ҳолати, қиёфаси расмий қарорлар ёки статистик маълумотларда эмас, балки публицистик нутқ, муаллиф позицияси ва ҳатто матн оҳанги орқали намоён бўлади. Жамиятда келажакка интилиш, умид кучли бўлган даврда матбуотда ишонч, кураш руҳи устун бўлади, акс ҳолда, жамиятда қўрқув, мағлубият кайфияти, руҳий синиқлик, босим кучайган даврда матбуотда ҳам иккиланиш, фикрларни яширин ифодалаш ҳолатлари кучаяди. Буни Туркистондаги жадид ва шўро матбуоти мисолида кўриш мумкин.

1. Абдурашидов М. Мен сендамен... – Тошкент: “Info Capital Books”. – 2024. – 115-бет.

Чунончи, миллат аҳволини ўзига англатиш ҳам илк миллий нашр "Тараққий"дан бошланди. Матбуотда миллий қиёфа, аввало, миллатнинг ўзига бўлган муносабати, ўзига берган баҳоси, ўз-ўзини англаш даражаси ва ижтимоий ўрнини белгилаши сингари масалалар орқали намоён бўлди. Жадидлар публицистикада миллатни идеаллаштириб кўрсатмади, балки ғафлатдан уйғонишга муҳтож, нодонлик, билимсизлик чоҳидаги, лекин ислоҳотлар орқали тараққий эта оладиган, буюк ўтмишга эга халқ сифатида талқин этишди. Бу публицистика миллат аҳволини аччиқ, танқидий "фош этиш", "Эй, аҳли ватан!", "Эй, диндошлар!" сингари мурожаатлар билан бошланадиган йўл-йўриқ, чорловдан иборат эди. Уларда миллатнинг ўзини қандай кўргани ва қандай бўлишни истаганини англаш мумкин эди. Мақолаларда изтироб, танқид билан бирга умид ва ишонч ҳам мавжуд эди. Уларда миллат қуллик тақдирига тан берган оломон сифатида қолмаслиги, балки қолоқлик, жаҳолатдан чиқиб, ўз тақдири учун жавобгар бўла оладиган ижтимоий кучга эга бўлиши лозимлиги кўрсатиб берилди.

Мунаввар қори "Никоҳ тўғрисида" сарлавҳали мақоласида туркистонликлар ҳақида шундай ёзади: "Биз фуқаролар қўйдек мусулмония, амалдорларимиз чўпон мисллик бўлиб, тонгла бизларнинг аҳволимиз борасида масъул бўлсалар керак..."[1]. Мунаввар қори итоаткор омма, масъулиятсиз элитани танқид қилди. "Имомларимиз халқни ғайримашруъ ишларидин қайтармоқ ўрнига тўй ва маърака ахтармоқдин қўллари бўшамас, подшоҳ ва хонларимиз бўлса, миллатға қилғон хизматлари танҳо хотун олмоқ, кучук уруштирмоқ, бағайрат ва ҳаққоният, диндор кишиларни бадарға қилмоқ ва тутиб ўлдирмоқ бўлди. Миллат нима, билмадилар ва қарамадилар. Шунинг учун миллат деворини раҳналари то-

1. Мунаввар қори. Никоҳ тўғрисида // "Тараққий" газетаси, 1906 йил, 7 март.

бора зиёда бўлди. Бўзахўрлик, қиморбозлик, баччабозлик, базм қилмоқ ва ялочи ўйнатмоқ, зино, шикоят ва бир-бирларини ҳақорат қилмоқ каби ҳаром амаллар чунон шойиъ бўлдиким, ҳаромлиғи ҳеч кимнинг дилидан хотир қилмади", дейди.

У миллат "деворидаги раҳналар" ташқи зарбалар эмас, балки ички маънавий емирилиш натижаси эканини кўрсатади. Оқибатда "ҳануз асирлик зиндонида туфроғ емакдамиз..."[1], дейди. У халқни уйғотишнинг ягона йўлини таълим ва тарбияда, мактабларни кўпайтириш, ўқитувчилар нуфузини ошириш ва ёш авлод онгида илмга ҳурмат туйғусини шакллантиришда кўрди.

"Хуршид" газетасининг 6-сонида чоп этилган "Бизларда ғаройиб хосиятлар вор"[2] сарлавҳали мақолада ҳам миллатнинг феъл-атворидаги ноқис жиҳатлар танқид қилинган. Муаллиф "Илмсизлик, одобиятсизлик, жоҳиллик, нодонлик уни андоқ асир этиб" турса ҳам илмли, маорифли кишилардан ўрганиш ўрнига "ман юз фано ҳолда ўлсам ҳам, яна сандан яхшироқ билурман", деган кимсалар борлигини ёзади. "Ёшларимиз, йигитларимиз, ўқувчиларимиз, ёзувчиларимиз, ҳар кимса ўлса ўлсин, хатосини айтиб, эгрисини тузатмак орзусида айтган сўзларга ташаккур айтиш ўрнига аччиғ-аччиғ сўзлардан ғайри бир жавоб эшитмассан, балки сўзлаган инсониятомуз сўзларингга пушаймон бўлурсен. Бутун дунёда биз мусулмонлардан бошқа ўзининг йўқ бўлмоғига ўзи сабаб бўлмиш бир миллат кўринмайди", дейди. Бунга ҳам сабаб "худписандлик ва торкўзлик, маданий миллатлардан ўзини тортиб, уларга нафрат назари ила боқиб, уларнинг билим ва санъатидан парҳез қилмакдир", дейди.

1. "Тараққий" газетаси, 1906 йил, 7 март. Бориб исм шарифни кўриш керак.
2. М.Ар. Бизларда ғариба хосиятлар вор // "Хуршид" газетаси, 1906 йил 4 октябр

Танқидни душманлик сифатида қабул қилиш, ўзгалар тажрибасидан ўрганишни ор деб билиш, "мен билурман" деган сохта ифтихор аксарият туркистонликларнинг хулқ-атворига сингиб кетган иллат эканини, бу эса таназзулга олиб боришини англатади. Муаллиф бошқалардан ўрганмакка аҳд этмакка саъй ва ғайрат этайлик, дейди.

Халқнинг маънавий-ахлоқий қиёфасига Маҳмудхўжа Беҳбудий публицистикаси ҳам ойна тутади. Беҳбудий туркистонликларнинг танқидларни тўғри қабул қилиб, ўз камчиликларини тузатишларини орзу қилди[1]. "Ҳозирги нақд айбимиз бедониш ва бехабар ва беҳаваслигимиздир", дейди. Бироқ "қадимгидек тинч ва хотиржам ва бепарволик илан ўз бечорачиликлариға юрган халқ" нодон бўлса ҳам асло бесаришт (бетартиб – Н.Н.) ва кажрафтор (ҳийлагар – Н.Н.) эмас[2], дейди. "Туркистон генерал-губернатори Самарқандда" сарлавҳали мақоласида ҳам генерал- губернаторнинг туркистонликлар ҳақидаги "Сиз туркистонлилар ва Самарқанд аҳли мулойим ва меҳнаткаш халқсизлар" деган баҳосини келтиради[3].

Беҳбудий халқнинг хулқ-атвори, табиати ҳақида дард билан, меҳр билан ёзди. Унинг иллатларини ёзганда изтиробга тушди. "Халқимизда сиёсий етуклик йўқ; кўпчилик, балки барчалари шахсий манфаатларини ўйлаб, миллат, таълим ва виждонни ҳам сотишга тайёрлар" деган аччиқ гаплар ҳам архив манбаларига кўра, унга тегишли.[4] (Бу ҳақда батафсил 1 фаслда).

Беҳбудий мақолаларида "халқ бошидагилар"га кўп муро-

1. Бу ҳақда қаранг: Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танқид сараламоқдур // "Ойина", 1914. 3-сон.

2. Маҳмудхўжа валади Беҳбудхўжа. Самарқанддан мактаб // ТВГ. 1904 йил 16 апрел. С.Аҳмад табдили.

3. Маҳмудхўжа валади Беҳбудхўжа. Туркистон генерал губернатори Самарқандда. // ТВГ. 1906 йил 8 март. С.Аҳмад табдили.

4 Миллий давлат архиви: Фонд 1, опись 4, рўйхат 1254.

жаат қилади. “Аҳли ҳукумат ила раият ораларига миёначи воситаи хукумат маъмурлари... – ҳозирги қози ва бўлустной ва шаҳар оқсоқоли ва депутатлари ва катта бойларидур”, дейди. Ҳукуматнинг хоҳ жоҳил, хоҳ олим, хоҳ саводсиз одам бўлсин, имтиҳонсиз қози, муфти, аълам, мударрис этиб тайинлашини афсус билан ёзади. “Ўзимизда илм ва инсоф йўқ... Нолойиқ кишилар мансабга ўтиради... Илм, билгу шарт эмас... Ушбу тадбир ила барча руҳоний ҳам миллий маъмурлар чиновникларга асир ўлурлар... Туркистонда бош кишилар оларга сажда қилмоқни афзал билганлар... танзил ҳамда фасоди ахлоқ давраси шу нуқтадан бошланади”[1], дейди 1907 йили Вақт” газетасининг 9 феврал сонида чоп этилган “Фарёди Туркистон” мақоласида.

ХХ аср бошларидаги халқ руҳиятини 16 ёшли ўспирин Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ҳам сезгир нигоҳ билан кузатади, миллатдошларининг “ ... “адабиёт нима?” десанг, жавобида “яъни, масалан”дан бошқа жавоблари йўқдир. Мана шунинг учундирки, кундан-кунга руҳимиз тушуб, келадирган истиқболимизга умидсиз қараб, бошқа миллатлар каби шод ва умидли яшамаймиз ва бизда шодлик ва руҳ бўлмагани учун, бир ишни қиламиз деб энди ўйлаганимизда ўй йўқ – фикрлар чочилуб, ақлларимиз паришон бўлуб кетар”[2], дейди.

Абдулҳамид Чўлпон туркистонликларнинг аҳволини уларнинг ноқис одатлари орқали кўрсатар экан, миллатнинг “руҳи тушгани”, келажакка “умидсиз қараши”, бошқа миллатлар каби “шод ва умидли яшай олмаслиги”ни таъкидлайди. Шодлик ва руҳ йўқ жойда фикр тарқоқ, ақл паришон бўлади, бундай ҳолатда эса амалий ҳаракат, тараққиёт

1. Аҳмад.С. Маҳмудхўжа Беҳбудий / Маҳмудхўжа валади Беҳбудхўжа. Фарёди Туркистон. – Тошкент: “Info Capital Books”. – 2024. –335 бет.
2. Чўлпон. Адабиёт надур? Асарлар. 4 жилдлик. 4-жилд. – Тошкент: “Akademnashr”. – 2015. – 5-бет.

бўлмайди. Мустамлака босими остида маиший эҳтиёжлардан нарини кўролмайдиган омма руҳияти шундай. “Руҳ, ҳис, туйғу, фикр, онг ва ўй олайлук, билайлук”, дейди Чўлпон. У миллатни, аввало, ҳиссиёт жиҳатидан уйғотиш зарурлигини таъкидлайди. Бу каби чорлов жадид матбуотининг моҳиятини ташкил қилади.

Жадидлар миллат аҳволини қуллик ҳолати деб баҳолаган эди. Шунинг учун улар жамиятда тараққийпарвар ва озодликсевар дунёқарашни шакллантиришга ҳаракат қилишди. “Қуллик” сўзи, чор ҳукумати даврида ҳам, шўро ҳукумати даврида ҳам жадидлар томонидан матбуот ва, айниқса, бадиий адабиётда кўп тилга олинди. Чўлпон Беҳбудий вафоти муносабати билан ёзилган шеърини:

Ана... сочдим қалбимдаги гулларни...
Термак учун чақираман қулларни[1], –

деган сатрлар билан якунлаган. Бу ердаги “қуллар” тимсоли гўё эътиборсизлик билан, шеър моҳиятига боғланмаган ҳолда берилгандек таассурот уйғотади. Бу ифодалар аслида миллат аҳволини кўрсатишга ишоралар эди.

Хулоса қилганда, жадидлар публицистикасида миллат ғафлат, жаҳолат ва бефарқлик иллатлари гирдобига тушган, аммо ахлоқан соф, меҳнаткаш ва уйғонишга қодир ижтимоий куч сифатида ёритилди. Чунки унинг хулқ-атворидаги ноқисликлар ўзгаларга осон қарам бўлиб қолиш учун йўл очиб берганини англатиш лозим эди. Ваҳоланки, чор империяси Туркистонни босиб олишдан ўн йиллар олдин ва босиб олгандан кейин ҳам ўлка халқининг табиати, феъл-атвори, руҳияти, интилиш ва орзуларидан тортиб тана тузилиши, кўзининг рангию бош чаноғининг шакли-

1. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. – Тошкент: Akademnashr. – 2021. – 232-бет.

гача ўрганган эди. Улар томонидан олиб борилган ўнлаб тадқиқотларда бу халқнинг сурати ва сийрати танқидий акс этди. Уларда "туземец", "сартлар" ҳаётига юқоридан назар ташлаш билан бирга, самимий эътирофлар ҳам ифодаланган. Жумладан, Н.Остроумов "Сартлар" асарида шундай ёзади: "Сартларнинг табиатан эзгу феъли энг яққол тарзда уларнинг гулларга бўлган беғубор муҳаббатида намоён бўлади. Гул етиштириш ҳар ерда кенг тарқалган... Ҳатто энг саводсиз қишлоқ аҳолиси ҳам бир неча туп гул экиб қўяди... Энг қўпол сарт ҳам мевали дарахтлар гуллаган пайтда тараладиган ифор ҳақида жонланиб, орзумандона-шеърий ифодалар билан сўзлайди. Мен ҳайрат билан кузатардимки, ақли заифдек кўринган мардикор, энг қашшоқ аравакаш ёки мешкобчи, ҳатто гадо ҳам дўпписи тагига ёки қулоғи орқасига қистириш учун бирор гул қидирар эди... Худди шундай мулойимлик уларнинг ҳайвонларга муносабатида ҳам кўринади. Осмон қушлари сартнинг кўнглини қувонтиради: у уйига ўзбошимчалик билан ин қурган қалдирғочга хонасини ифлос қилиб юборса ҳам, сабр ва меҳр билан тоқат қилади. Қисқаси, бу – юмшоқ табиатли, кундалик тирикчилик ташвишларининг бутун насрийлигига қарамай, шоирона кайфиятга мойил халқ бўлиб, унинг меҳрини турли йўллар билан осон қозониш мумкин(!)".[1]

Туркистон генерал губернаторининг рафиқаси Варвара Духовская ҳам ёзган хотираларида "маҳаллаий халқнинг меҳрини қозониш" учун қилинган "осон" амалларни таъкидлайди: "Маҳаллий мусулмонлар турли фахрий нишонларга жуда ўч бўладилар; медаллар ва халатларни (тўн – Н.Н.) мунтазам улашиб туриш, муросасиз мусулмонларни рус ҳукумати учун нисбатан фойдали ва анча итоаткор хизматкорларга айлантиради. Маҳаллийлар эрим олдига келадилар, халатни оладилар ва бахтли табассум билан узоқлашар

1. 62 бет.

эканлар, миннатдорлик сўзларини пичирлаб кетадилар. Улар юзларига беқиёс бахт ифодасини туширишнинг уста санъаткорлари, гарчи қалбларида рус ҳукуматига нисбатан ярашмас нафрат яширинган бўлса ҳам”[1].

Халқининг феъл атворини ўрганиш орқали савдо алоқалари кучайтирилди. Туркистонлик савдогарлар Русияда ўз дўконлари, ширкатларига эга бўлишди. Улар кўнглида келажак босқинчиларига кучли мойиллик уйғотилди. Натижада Тошкент учун жангларда шаҳарнинг босиб олинмаган қисмидан босиб олинган қисмига босқинчилар билан бирга уч мингга яқин маҳаллий савдогарлар ҳам қочиб ўтади. Тошкент учун олиб борилган кейинги жангларда бу одамлар босқинчиларга катта ёрдам кўрсатишади[2]. Босиб олишда хизмат кўрсатган 31 киши(тошкентликлар)га мукофотлар берилди. Булардан Саидазимбойга “Русия фахрий ҳамшаҳарлиги” унвони берилди[3].

Шунингдек, Тошкентнинг шарқий қисми ҳукмдори Абдураҳмоннинг Черняевга Тошкент ҳақида зарур маълумотларни бериб тургани, аввалдан Русияга мол-дунё учун ўз Ватанини сотиб, жосуслик килиб юргани ёки Худоёрхоннинг босқинчиларга содиқлиги учун 1868 йилнинг ноябрида ҳукуматдан “1-даражали азиз Станислав” медалини олгани[4], Бухоро амирининг ўз тожу тахтини йўқотишдан қўрқиб, Самарқанд ҳимоясига отланган ўғлига қарши кураши ва оқибатда Самарқанднинг бой берилиши – бу сингари мисоллар Туркистон халқини ҳар томонлама ўрган-

1. Духовская В. Туркестанские воспоминание. Петербург. Т-во Р.Голике и А.Вильборг. 1913. С.52.
2. Ҳайит Б.Туркистон Россия ва Хитой оралиғида. – Тошкент: Янги аср авлоди. –2023. –118-бет.
3. Ҳайит Б.Туркистон Россия ва Хитой оралиғида. – Тошкент: Янги аср авлоди. –2023. –189-бет.
4. Ҳайит Б.Туркистон Россия ва Хитой оралиғида. – Тошкент: Янги аср авлоди. –2023. –127-бет.

ган босқинчиларнинг халқ характеридаги ожизликлардан моҳирлик билан фойдаланганликларини кўрсатади. Булардан сабоқ чиқарган маҳаллий зиёлилар шунинг учун ҳам, энг аввало, миллатда ватанпарварлик туйғусини тарбиялашга эътибор қаратишди. Матбуотнинг вазифасини ҳам шундан келиб чиқиб белгилашди. Р.Музаффарзода буни шундай ифодалайди: "жарида ва мажаллалар турли хабарлар ёзмак учунгина нашр қилинмай, балки миллатга бўлғон бутун қусурларни ва даҳшатли ҳолларни майдонға қўйиб буларни битирмак ва ҳар хусусда замонға мувофиқ ислоҳот чораларини кўрмак учун нашр қилинадирлар"[1].

Жадид матбуоти жамиятда жамоатчилик муҳокамаси ва фикр алмашуви учун майдон вазифасини бажарди. Шу жиҳатдан ҳам уни либерал-демократик хусусиятларга эга матбуот сифатида баҳолаш мумкин. Фикр билдириш барча учун очиқ эди. Газеталарда полемик, мунозарали мақолалар тез-тез кўзга ташланарди. Маҳмудхўжа Беҳбудий гарчи "Туркистон халқи танқидни тўғри қабул қилмайди", деган бўлса-да, бир-бирига қарши мунозарали фикрлар матбуотда мунтазам ёритиб борилган. Газета муҳаррирлари айрим фикрларга қўшилмаса-да, бағрикенглик билан мақолаларни чоп этиб борган. Жадидлар газета барчаники, тўғри ва нотўғри бўлсин, фикр билдиришга барча ҳақли, деган принципда ишлаган. Буни миллий нашрларнинг ўзаро ва уларнинг ТВГ билан муносабатларида ҳам кўриш мумкин. Аслида бундай полемикани "Туркистон вилояти газети" бошлаб берган, десак хато бўлмайди. У бир мусулмон муаллифининг мақоласини босар экан, унга қарши иккинчи тарафнинг мақоласини ҳам босиб борган. Бу матбуотнинг холислигига эришиш учун эмас, балки халқни бир-бирига қарши қўзғатиш учун уюштирилган аслида.

1. Абдурашидов З., Эгамқулова Н. Борар йўлинг Туркистондир... Музаффарзода Р. "Миллий ҳаёт ва Туркистон мусулмонлари. – Тошкент: Akademnashr. – 2023. – 90-бет.

Жадид газеталари ҳам турфа фикрларни беришда очиқлик билан ёндашди. Ҳатто газета ва унинг муҳарририга қаратилган танқид бўлса ҳам ёритилган. Масалан, Маҳмудхўжа Беҳбудий "Ойина" журналида нашрнинг камчиликлари ҳақидаги қарама-қарши фикрларни бериб борган. Г.Нишонова улардан айримларини келтиради:

"Ойина" бултур муштарийларға "кўзингни оч" деб қичқирар эди. Бу йил эса хонандаларини бешикда тебратиб ухлатмоқдадурки, илгариги маслагида давом этсун.

"Ойина" муҳаррири "Ойина"да халққа тегишли ишлар тўғрисинда ниҳоят бўш ёзадур. Анинг учун халқға таъсир этмайдур. Танқид ва таҳқиқсиз бизни маишатимиз ислоҳ топилмайдур. «Ойина» идораси ўз киссаси нафи учун халқға хушомад қилмаса яхши эди. Тошкентлик.

Жаноб муҳаррир! "Ойина" маслаги бир оз қаттиқроқдир. Матбуотдин бехабар кишиларға, алалхусус, уламо ва бойларға, ҳатто усули жадидчиларға "Ойина" сўзлари қаттиқ тегиб, халқни ўзидин нафрат қилдирадур. Ҳўқандий.

"Ойина" идорасиға маълум бўлсинки, "Ойина" доим мусулмонларнинг ёмон ишларини топиб ёзадур, яхшиларини ёзмайдур. Хўжанд.

(Ўша яхшисини бизга кўрсатинг, токи ёзайлук. Идора.)

Муҳтарам муҳаррир афанди! Бизнинг Ватанимиз Туркистон ва одамларининг тили ўзбекдур. Сиз нима учун «Ойина»ни форсий мақола ва шеърлар ила тўлдирарсиз?... Ва ҳам бизға тарих ва фандин ёзмай, ҳар ким билатургон ва қизиқатургон хабар ва ғалати ажойиботлардин ёзинг. Бу «Ойина»нгиз қизиқ эмас. Ошиқона ғазаллар кўпроқ ёзилса, яхши бўлурди. Самарқандий ўзбек.

"Ойина"хонага! Сизнинг тилингиз Туркистонда адабий эрди. Ёзғон тарих, жўғрофия, иншо ва ўзга нашр ва таҳрирингиз адабий тилға ўхшаш эди. Аммо "Ойина" тилини авомча ва кўчаги қилиб юборилибдур. Муни авом ўқи-

майдур. Аҳли илм ва адабиёти жадида ошиқлари ўқийдур. Фикри ожизимча, бир оз адабийроқ ёзилиб ҳамда фанний, адабий ва илмий нимарсалар кўпроқ ёзилса эди. Мулла Абдуллоҳ.

Идора: Юқоридаги мактублар бир-бирини жавобидур. Биз ўз маслагимизға давом этайлук. Мактуб ёзган азизлардин афу тилаймиз"[1].

Кўринадики, Беҳбудий ўз шаънига билдирилган турли салбий муносабат ва фикрларни ҳам нашр этишдан қочмаган. Умуман, миллий нашрларда ижтимоий, маданий ва маърифий масалалар юзасидан билдирилган қарама-қарши фикрлар мунтазам ёритиб турилган, матбуот саҳифаларида жонли полемик муҳит шаклланган. Бу жадидларнинг матбуотнинг ижтимоий вазифаларини чуқур англаганини кўрсатади. Шунингдек, матбуот ўзаро алоқа-ҳамжиҳатликни таъминловчи коммуникация воситаси ҳам эди. Самарқанд, Фарғона ва Тошкент зиёлилари газетада чоп этилган мақолалар, муносабатлар ҳамда раддиялар орқали ўзаро фикр алмашиб, матбуот саҳифаларида "суҳбат" қуришган. Бу жараёнда матбуот интеллектуал муҳитни бирлаштириб, турли шаҳар ва ҳудудлардаги маърифий ҳаракат вакилларини ягона ғоявий майдонга торта олди.

Жадид матбуотида кадрлар масаласи. Миллий матбуот сиёсий босим, моддий қийинчилик ва цензура сиқувида фаолият юритган муҳитда унинг яшовчанлигини таъминлаган омил – кадрлар салоҳияти, уларнинг юксак маънавияти ва жасорати бўлди. Муҳаррирлар нашрлар ёпилганидан кейин ҳам янги нашрлар ташкил этишга, ахборот майдонидаги узилишларни тўлдиришга интилиб, матбуотнинг ғоявий моҳиятини бир газетадан иккинчисига кўчирдилар, бир

1. Нишонова Г. Ўзбек публицистикасининг шаклланиши ҳамда ривожланишида «Ойина» журналининг ўрни ва аҳамияти: филол.фан. ном....диссер. 2008. 22-бет.

сўз билан айтганда, унинг маънавий иммунитетини сақлаб қолдилар. Газетадаги ҳар бир сатр, ҳар бир сарлавҳа миллатнинг келажагига дахлдор масала тўғрисида эди. Шунинг учун ҳам матбуотга моддий манфаат ёки маъмурий институт сифатида эмас, балки жамиятнинг маънавий эҳтиёжи нуқтаи назаридан ёндашилди.

Гарчи маҳаллий муҳитда ҳали журналистик мактаблар, тажрибалар шаклланмаган бўлса-да, миллатнинг илк журналистлари – жадид зиёлиларини профессионал салоҳият мезонларига жавоб берадиган кадрлар деб ҳисоблаш мумкин эди. Уларнинг аксарияти кўп тилларни – араб, форс, рус, туркий ва европа тилларини билган; тарихий-диний билимларга эга; дунёни кўрган, жамиятдаги муаммоларни танқидий таҳлил қилишга лаёқатли; миллий ғоя ва маънавий қадриятларга садоқатли, фикрида собит ва қўрқмас; миллат олдидига масъулият ҳисси юксак шахслар сифатида ижтимоий ҳаёт саҳанасига чиқишди. Уларнинг аксарияти чет элларда билим олишди. Масалан, Исҳоқхон Ибрат Жидда, Истанбул, София, Афина, Римда яшаб, ўқиган. Ҳиндистонда хам узоқ вақт яшаган. У француз, инглиз, урду, форс тилларини билган”[1].

Жадидларнинг кўпчилиги расмий доираларда ҳам, қалбан ҳам ўзларини журналист деб билишган. Масалан, “Маҳмудхўжа Беҳбудий Бухоро ва Самарқанд орасидаги сув масаласи низоси муносабати билан ўз таклифлари билан губернатур ёнига кирганда, “Сиз ким бўласиз? деган саволга “мен журналистман”, деб жавоб берган. Чунки у халқ вакили намояндаси сифати билан кириб баъзи талабларни етказган”[2].

1. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. –Тошкент: Университет. –1999. – 43 бет.

2.Вадуд Маҳмуд. Маҳмудхўжа Беҳбудий. 1 дафтар. Д.Жамолова табдили. // Ўзбекистон тарихи журнали. 2025. 1сон.

Шўро даврида катта ва масъулиятли лавозимларда ишлаб юрган Файзулла Хўжаев "ВКП(б) XVсъезди делегатлари учун берилган ва 1927 йил 1 декабрда ўз қўли билан тўлдирган анкетада касбини "журналист" деб ёзган"[1].

Англашиладики, XX аср бошларида зиёлилар журналистликни бизнинг бугунги тушунчамиздан анча кенг тушунишган. Мақолалар қатига синган руҳий-фикрий моҳиятни таҳлил қилиб айтиш мумкинки, жадидлар наздида журналист миллат дардини минбарга олиб чиқувчи, унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи, ислоҳотлар бошида туриб, муаммоларнинг ечимини топувчи, тараққийпарвар фикр айтиб, дунёқарашни шакллантирувчи, оммалаштирувчи маънавий етакчи, жамият олдидаги масъулиятли хизмат эгаси ҳисобланган. Шунинг учун ҳам жадидларнинг матбуот соҳасидаги фаолияти оддий муҳаррирлик, муаллифлик эмас эди. Миллий уйғониш деймизми, озодлик учун кураш деймизми, ҳар иккиси ҳам уйғунлашган ҳаракат бўладими, журналистика бу жараёндаги масъулият ва етакчиликни ўз зиммасига олди. Айнан мана шу вазифалар журналист касбининг маънавий, сиёсий, маърифий мазмунини кенгайтирди. Айнан мана шу мақсадлар матбуотни сақлаб қолиш долзарблигини келтириб чиқарди. Унинг катта ижтимоий эҳтиёж эканини кўрсатди. Бу эҳтиёжни англаган зиёлилар шахсий ташаббус, ижодий эркинлик ва маънавий масъулиятга таяниб жамиятнинг фикр етакчиларига айландилар.

Матбуот катта куч эди. Ундан фойдаланишни кечиктириб бўлмас эди. Илк миллий нашрлар ёпилгандан кейин (1907 йил) М.Беҳбудий "хомушлик гўшасинда" ётган зиёлиларга мурожаат билан чиқди. У зиёлиларни ўлкадаги ягона нашр бўлган "Туркистон вилояти газети"га ёзиб туришга

1. Бақоев М. Файзулла Хўжаев – журналист ва публицист – Тошкент: Ўзбекистон. 1992. 35 бет.

ундаб, “Тараққий”, “Хуршид”, “Шуҳрат”, “Тужжор” газеталарига ҳар важҳдан мақола ёзар эдилар, ушбу газетга ҳам ёзсунлар, ҳеч бўлмаганда бир олти ой ёзиб кўрсунлар... на натижа берар, кўп хушомад қилмаймиз десалар, ўрта қалам ила ёзсунларки, тажрибадан чиқур”[1], дейди.

Айтиш жоизки, унинг бу газетада мунтазам мақолалари чиқиб тургани ҳам кўп гап-сўзларга сабаб бўлган. Беҳбудий бир мақоласида “Кафказ муҳаррирлари миссионер таҳти идорасинда чиқатурган” газетада мақолалар ёзгани учун “албаттаки, мунда шай вор” деб ундан “иштибоҳ ва баъзан нафрат” этишларини айтади[2]. У такфир ва туҳматларга қарамай, “ТВГ” да ёзиб турди ва бошқа зиёлиларни ҳам бунга ундади. “Бизим бу сўзимизга эҳтимолки, баъзи муҳаррирларимиз рози бўлмай, балки қаро бўлди деса, биз рангга боқмай, натижага боқармиз”[3], дейди. Бу оддий гап эмас, унинг ўз фикрида собит, халққа сўз айтиш, матбуотнинг кучидан миллат манфаатларида фойдаланишни ғоят муҳим деб билганини англатарди.

Мунавварқори ҳам журналистлик фаолиятида собит зиёли эди. “Шуҳрат” газетаси ёпилишида хизмат кўрсатган ҳуфяларнинг маълумотида шундай сатрлар бор: “Газета маҳаллий сартлар орасида катта қўллаб-қувватловга эришиши ҳозирча кутилмаслиги лозим, чунки менга маълумки, Мунаввархон маҳаллий ўқитувчилар (мударрислар) ҳақида кескин фикр билдирган бир мақоласи учун туземецлар томонидан калтакланган. Шунга қарамасдан, газетанинг ҳукуматни танқид қилган жасур чиқишлари ҳозирча бефарқ

1. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. 1-жилд. Фазлуллоҳ афандиға жавоб. – Тошкент: Академнашр. –2021. – 338-бет.
2. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. 1-жилд. Фазлуллоҳ афандиға жавоб. – Тошкент: Академнашр. –2021. – 338-бет.
3. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. Баёни ҳол. – Тошкент: Академнашр. – 2021. – 312-бет.

бўлган туземецларни қизиқтирмасдан қолмайди ва уларни қонуний йўлдан оғдириб юбориши мумкин”[1].

Бу маълумотга кўра, Мунавварқори танқидий мақоласи туфайли “туземецлар” томонидан калтакланган бўлса-да, унинг матбуотдаги фаолияти тўхтаб қолгани йўқ. Тараққийпарвар кейинчалик бу даврларни эслаб: “Жадидлар, полисанинг қўрқинчи қаттиқ бўлса ҳам қийинчиликларни ўз устига олиб газет чиқарди ва уни халққа тарқатди[2], дейди.

“Садои Фарғона” газетасининг ноширн ва муҳаррири Обиджон Маҳмудов эса: “Газетани нашр этишдан мақсадимиз тижорат эмас, балки халқимизга қўлимиздан келган қадар хизмат этмоқдир. Халқимизда матбуот ва жаридаи миллияга кундан-кун шавқ ва рағбат ўзгарди”[3], деб ёзади.

Буларнинг барчаси – Беҳбудийнинг халқ манфаати йўлида ўз обрўсини йўқотишдан ҳам қайтмагани, Мунавварқорининг “полисанинг қўрқинчи”га қарамай газета чиқаргани, тадбиркор бой Обиджон Маҳмудовнинг тижоратга эмас, миллат хизматига бел боғлаб, маблағ сарфлагани жадид матбуотининг мақсад-маслагини кўрсатадики, бу юксак мақсад ва ғоялар матбуотнинг яшовчанлигини таъминлаган иммунитетга – ички таянчга, катта қувват манбаига айланган эди.

Бу ички таянч маҳаллий қаршиликлардан ҳам, чор ҳукумати олиб борган сиёсатдан ҳам қудратлироқ эди. Чунки жадидчилик ислоҳотчиликдангина иборат эмас, балки кучли ғоявий ҳаракатга айланаётган эди. Жадидларнинг узлуксиз яширин ва ошкора ҳаракатларидан қуллик ва ҳар

1. ЦГА РУз. Ф. И-461. Оп. 1. Д. 57. Л. // Абашин.С.Н. Туркестан в имперской политике в России: монография в документах. – Издательство Кучкевое поля. 2016. С. 324 – 325

2. Мунавварқори Абдурашидхонов. Қизил Ўзбекистон. 1927 йил 7 июн.

3. // Садои Фарғона. – 1914. – 3 апрель.

қандай тўсиқларни енгиб ўтишга куч берадиган ғояларнинг туғилганини илғаш мумкин эди. Империянинг мустабидлик мақсади билан муқояса қилганда бу руҳий қувват ҳар қандай мақсаддан кучли эди. Шунинг учун ҳам чор ҳукумати газеталарга рухсат берса-да, уларни ёпиб қўйиш учун турли йўлларни ишга солди. Чунки бойлик илинжида бўлган мусталакачилар билан рақобатлашувда жадидлар руҳан кучли эдилар.

Матбуотга, умуман, жадидлар фаолиятига қарши бўлган маҳаллий элита билан рақобатда ҳам тараққийпарварлар маънан устун келарди. Уларнинг янги усул мактаблари, матбуот, хайрия жамиятлари ва фирқалар тузишда уюшганлиги – амалий ҳаракатлари миллат манфаати учун ҳеч бир амалий иш кўрсатмаган, "гап"лардаги муҳокамалардан нарига ўтмаган "консерватив қатлам" кўз олдида жадидларнинг кучини яққол намоён этарди. Жамиятдаги маънавий етакчилик кимнинг қўлига ўтаётганини кўрсатарди. Шаклланган шундай вазиятда матбуот ташқи босимлар ва ички рақобат шароитида ўз мавқеини сақлаб қолиш, яшовчанлигини таъминлаш учун доимий равишда курашишга мажбур бўлди.

Зийрак фикрли зиёлилар халқнинг дунё ҳаётидан буткул узилиб қолганини вақтида англаб етди. Шунинг учун тараққиёт сўзини ўзлари учун қатъий режага киритишди ва қатъий ҳаракатлар бошлади. Лекин уларнинг тараққийпарварлик ҳаракатлари ривожини вақт кутиб турмади, феврал инқилоби бўлди, туркистонликларга ўзлари кутмаганда мустақиллик учун курашиш имкониятини берди. Феврал инқилобидан кейин халқнинг икки сиёсий гуруҳга бўлиниши, Туркистон мухториятидаги бўлинишлар туркистонликларнинг жадидлар қўрққанидек ҳали ҳам "туркистонлиларнинг тараққий этмагани"ни, муҳим сиёсий жараёнларга

фикран тайёр бўлмаганини, оқибатда бирлаша олмаганини кўрсатди.

Жадид матбуоти жуда қисқа даврда чоп этилди. Илк давр нашрлари(1906–1907) 8, 10, 20 сон, энг узоғи 36 сон чиқиб, ҳаммасини қўшганда икки йилда ёпилди. Иккинчи (1912–1915) ва учинчи давр нашрлари (1917–1918) ҳам уч йилдан ошиқроқ оралиғини қамраб олади. Ҳаммасини қўшганда жадид матбуоти бор-йўғи етти йилга яқин вақт давомида чоп этилгани маълум бўлади. Лекин мана шу етти йиллик матбуот миллий онгнинг ўсиши, ўзбек халқи тарихий тақдиридаги таъсири жиҳатидан "яшин тезлиги" эффектини берди, дейиш мумкин. Бироқ бу "яшин тезлиги" таъсири ўчиб кетмади, балки узоқ юз йилликларга етадиган мафкуравий асосни яратиб кетди. Жадидлар ғоялари бугунги мустақил ўлка тараққиётида ҳам ўз ғоявий кучини йўқотгани йўқ.

4-ФАСЛ
ЖАДИД ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ШЎРО МАТБУОТИДАГИ ФАОЛИЯТИ

Шўро ҳокимияти ўрнатилгандан кейин Туркистонда янги медиамуҳит шакллангунча, шўро идеологияси тўла ишга тушгунга қадар муайян ўтиш даври мавжуд бўлди. Ана шу даврда матбуот жадидлар илгари сурган миллий-маърифатпарвар анъаналар таъсирида фаолият юритди. Газета ва журналлар саҳифаларида жамиятни ислоҳ қилиш, ижтимоий муаммолар, таълим-тарбия, халқни уйғотишга қаратилган масалалар кенг ёритилди. Жадидлар публицистикасида марказий ўрин тутган, аммо тарихий-сиёсий шароитлар сабаб етарли даражада амалий натижа топмаган масалалар янги ҳукумат матбуотида ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолди. Бунинг сабаби илгари болшевикларни танқид қилган, уларнинг ғояларини қўллаб-қувватламаган жадид журналистлари янги тузум шароитида матбуот майдонидан сиқиб чиқарилмади. Аксинча, ўтиш даврида уларнинг публицистик маҳорати, интеллекти, бир неча тилни билиши, муҳаррирлик ва ташкилотчилик тажрибасидан амалий фойдаланишга уринилди. Шу боис янги тузумнинг дастлабки йилларида жадид зиёлилари матбуот соҳасига ҳам, таълим, маданият, маориф ва бошқа ижтимоий йўналишларга ҳам кенг жалб қилинди. Бироқ вақт ўтиши билан, айниқса, мафкуравий тизим қатъийлашгани сари уларнинг илк даврдаги хизматлари “унутилди”, “буржуа миллатчилари”, “эски фикр қолдиқлари” сифатида қора бўёқларда танқид қилинди.

Шундай танқидчилардан бири Ҳ.Олимжон бу давр ҳақида қуйидагича ёзади: “Сиёсат бобидан сурилиб чиққан, фев-

раль инқилоби давридаги жонсарак уринишлари хаёлга айланган ўзбек буржуа зиёлилари бутун кучни маданий-адабий майдонга ташлади. Улар, тахминан, бутун газета ва журналларга ўринлашиб олдилар. Мактаб-маорифнинг асосий шохобчалари уларнинг қўлида қолди. Адабий майдон ва адабий ташкилотларга ўз чангалларини солиб, уларни миллатчилик мафкурасига хизмат килдирдилар"[1].

Айтиш жоизки, Ҳ.Олимжон айтганидек, матбуот, мактаб-маориф, адабий ва маданий ташкилотларда жадид зиёлилари ишга олинди, ташкилотчилик, раҳбарлик вазифаларини бажаришди.

Қизиғи шундаки, жадидшунослар таъкидлаганидек, Туркистон мухторияти қонга ботирилгач, жадидлар болшевикларнинг ваҳшиёна ҳаракатларига қарши ультиматум эълон қилиб, жамият, сиёсат ишларидан қўл силтаб, четга чиқиб олишмади. Улар янги ҳукумат даврида ҳам халқнинг аҳволини енгиллатишда, у учун манфаатли ишларда фаол бўлишди. Биргина Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг шўро давридаги қисқа фаолиятига назар солсак, у 1906 йилдаёқ болшевиклар сиёсатини "хаёлий", мусулмонларга тўғри келмаслигини айтган бўлса-да, улар ҳукмронлиги даврида ҳам халқнинг дарди, миллатнинг қайғусида яшаганини кўриш мумкин. С.Айний бу ҳақда "1918 йил монополия масаласи чиққанда Тошкандга бориб, ҳукумат арбоби билан кўришади. Бу ишнинг Туркистонда кўб нотинчликларига сабаб бўлишини англатиб, монополия ўрнига ҳар десятинадан ҳукумат ҳисобига қатъий баҳо билан тўрт пуддан ғалла олиш лойиҳасини тақдим қилиб, қабул қилдирди... Агар муфти Маҳмудхўжанинг шахсий ташаббуси бўлмаса эди, 1919 йилда монопулия тўғрисиндан Туркистонда турган фасодлар 1918 га нисбатан ортуғи билан воқе бўлар эди. Маҳмудхўжа

1. Ҳ.Олимжон. Асарлар мажмуаси. 5 жилдлик. 5-жилд. – Тошкент. –1972. – 111-бет.

бу фасодни олдиндан кўрди, чора ҳам қилди", дейди. 1918 йили "Иттифоқ" жамияти Беҳбудийни мусулмон маорифи шўъбасига мудир этиб тайинлайди. Айнийнинг ёзишича, у вақтдаги тор миллатчилар Маҳмудхўжани коллегия аъзоси деб қабул қилиб, мусулмон маорифига тегишли масалаларни ўзларича ҳал қилишади. Беҳбудий истеъфога чиқишга мажбур бўлади. "Лекин у ғайрирасмий суратда ҳамиша маориф йўлига хизмат қилуб турди. Мусулмонлар учун очилгон курс ва мактабларга ҳамиша бир муаллим ёки бир муршид каби бориб, руҳ бериб юрди".

Айний Осипов воқеасидан кейин Самарқандда кўб талон-торожлар бошланди, ноҳақ ҳибслар кўпайди, катта солиқларга халқ бардош беролмасдан, ер ва юртларини ташлаб қочдилар, маориф иши ниҳоят даражада тазйиққа тушди, халқнинг ҳиссиёти динияси таҳқир қилинди, бу ишларга бирон чора топа олурманми, деб Маҳмудхўжа 1919 йил феврал ойида Тошкандга борди, лекин бу сафариндан ҳеч бир натижа қўлға киргузолмади, чора излаб сафарга отланди ва қатл қилинди, дейди.

Беҳбудий сингари миллатнинг тақдири учун қайғурган бошқа жадидлар ҳам бефарқ, беҳаракат ўтирмади. Уларнинг бир қисми шўро ҳокимиятининг янги ташкил этилган идораларига ишга кирди. А.Холиднинг архив материалларига асосланиб берган маълумотига кўра: "Абдулла Авлоний Тошкент советида болшевик сифатида иштирок этди. Шоир Тавалло ҳамда чор даври Тошкентининг энг бадавлат оилаларидан бирининг фарзанди Саидкарим Саидазимбоев сўл сотсиал-инқилобчилар партиясида фаол бўлдилар.... Айниқса, жамоат ҳаётига 1917-йилда кириб келган янги авлод – ёш жадидлар бу саҳнада муҳим рол ўйнашди. 1916-йилдагина муаллимликни бошлаган Лазиз Азиззода 1917-йилга келиб, Шўрои исломия фаолига айланганди. У болшевиклар сафига 1918-йили қўшилиб, 1919-йили Тош-

кентнинг эски шаҳаридаги ТКП ташкилотига раис этиб сайланди. 1917-йили Шўрои исломияда кўзга кўринган фаол, Қўқон ҳукуматининг аъзоси Собиржон Юсупов ва яна бир нуфузли фаол Низомиддин Хўжаев ҳам Тошкент сиёсий саҳнасида пайдо бўлиб, ТКПга қўшилди. Ёзга келиб Собиржон Юсупов ТурЦИКнинг Москвадаги вакили, Низомиддин Хўжаев эса эски шаҳар исполкомининг раиси бўлди"[1].

Бироқ Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний сингари миллий матбуотнинг ташкилотчи ва муҳаррирлари бўлган йўлбошчилар янги шўро нашрларига ишга тайинланмади. Уларга совет матбуотида муҳаррирлик таклиф қилингани ҳақида манбаларда маълумот йўқ. Бироқ бу тасодифий ҳолат эмас эди. Туркистон Мухторияти ҳукумати аъзолари сафида бўлгани расман авф этилганига қарамай, мазкур зиёлилар инқилобгача бўлган фаолияти туфайли янги ҳокимият томонидан "ўз кадрлари" сифатида қабул қилинмаганди. Бу ҳолат чор ҳукумати даврида шаклланган шубҳа ва айбловлар шўро тузуми шароитида ҳам давом этганидан далолат беради. Хусусан, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 1919 йилда қатл этилиши, Мунавварқорининг эса 1921 йилда ОГПУ томонидан тўқиб чиқарилган "Миллий истиқлол" иши доирасида ҳибсга олиниши уларнинг аввалданоқ сиёсий жиҳатдан душман сифатида баҳоланганини, жадидларга нисбатан дастлабки йиллардаёқ эҳтиёткорлик ва қатъий назорат сиёсати устувор бўлганини кўрсатади.

Нима бўлганда ҳам, тарихчилар таъкидлаганидек, янги ҳукуматнинг қад ростлаш даврида Марказий Осиёда болшевиклар заиф бўлиб, басмачилик ҳаракатлари ва этник зиддиятлар шароитида маҳаллий элиталар – жадидлар билан иттифоққа муҳтож эдилар[2].

1. Халид А. Ўзбекистон таваллуди. – Тошкент: "Akademnashr". – 2022. – 96-бет.

2. Smith J. The bolsheviks and the national question, 1917–1923. – london:

Жадид журналистларининг шўро матбуотидаги фаолияти қисқа муддатли ва зиддиятли кечди. Дастлаб бош муҳаррирлик лавозимларида фаолият юритган журналистларга 20-йилларнинг охирларига келиб, асосан, мусаҳҳиҳлик, таржимонлик каби ёрдамчи вазифалар доирасидагина ишлашга рухсат берилди.

Журналистлар бу даврда фаол, очиқ равишда ишлади. Матбуотни таълим, тарбия, онгни ўзгартириш майдони, ўзларини эса янги ҳукумат хизматида деб эмас, балки миллат хизматидаги одам деб билишди. Жадид матбуотига хос танқидий руҳ шўро нашрларига ҳам кўчди. Бироқ эндиликда бу танқид фақат халқ ҳаётидаги камчиликларга эмас, балки янги ҳукумат сиёсатидаги муаммолар, мустамлакачиликдан мерос бўлиб қолган маъмурий бошқарув усулларига қаратилди. Матбуотнинг асосан араб имлосида нашр этилиши бундай эркин фикр ва танқидий мулоҳазаларни марказий идоралар учун тўлиқ ва тезкор таржима қилиш имкониятини чеклаб қўйган. Бу ҳолат маълум маънода маҳаллий зиёлиларнинг нисбатан эркин фаолият юритишига шароит яратди. Бироқ 1920-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб вазият тубдан ўзгарди. Чор ҳукумати давридаги таржимага бўлган эҳтиёж деярли қолмади; янги тузум томонидан шакллантирилган ёш кадрлар “ошкор этиш” вазифасини бажаришда ўзаро мусобақага киришишди.

Айтиш жоизки, сиёсатнинг хамелеон қиёфаси жадидларни ҳам янги жараёнларга баҳо беришда боши берк кўчага олиб кирди, янги ғояларга осон ишонганларни эса дастлаб умид, кейин қаттиқ руҳий ва сиёсий зиддиятлар қаршисида қолдирди. Чунки озодлик, тенглик, адолат ва миллатлар ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳақидаги шиорлари билан намоён бўлган янги тузум амалда кутилган натижани эмас,

ProQuest LLC. 2016. // httpsdiscovery.ucl.ac.ukideprint101088261The_Bolsheviks_and_the_nationa.pdf

фақат қоғоздаги ва оғиздаги ваъдаларни беришдан нарига ўтмади. Аввал ваъдабозлик, кейин таҳдид ва чеклов, пировардида, қирғин-қатағон билан ўз моҳиятини кўрсатди.

Ваъдабозлик аввало, ҳукумат бошқаруви, органларининг қайта-қайта тузилиши, янгиланиши билан намоён бўлди. Шўро ҳукумати ўрнатилгач, нафақат маъмурлар, балки Россиядан келган аҳоли қишлоқ ва овулларга ўз ҳамёнларидек хўжайинлик қила бошладилар, маҳаллий халқни талаб, ўзлари учун қулай турмуш шароитини қўлга киритдилар[1]. Бош-бошдоқлик, талон-тарож маҳаллий норозиликни кучайтирди. Буни бартараф этиш учун 1919 йили Москвадан Туркистонни бошқариш учун келган Турккомиссия янги ваъдалар берди. Туркистон зиёлиларида энди мустамлакачилар иш бошидан кетади, деган умид пайдо бўлди. Лекин бу умидлар пуч экани маълум бўлганда янги тузилган СредАзбюро ўз ваъдаларини бера бошлади. 1924 йилга келиб, республикаларнинг миллий чегараланиши ҳаёт оқимини ўзгартиришга сабаб бўладиган сиёсий янгилик бўлди. Жадидларнинг янги тузумдан умидлари шу зайлда гоҳ жонланди, гоҳ пессимистик тус олди.

“ХХ асрнинг биринчи 30 йиллик адабиёти миллий қарама-қарши туриш адабиётига айланди”[2], дейди С.Аҳмедов. Буни матбуотга нисбатан ҳам айтиш жоиз. Ғози Юнус 1918 йили “Ишчилар дунёси” журналида чиққан “Ҳурриятми? Ёки истибдод?” сарлавҳали мақоласида: “Русиянинг буюк инқилобий соясинда вужудга чиқмиш хурриятдан тўрт кўз ила кутдигимиз умидлар бутун бўшқа чиқди. Хурриятнинг энг яхши шиорларидан бўлган “Ҳуррияти калом, ҳуррияти матбуот” болшевик хукумати тарафидан шундоғ доирага келдики: Николай Романуф замонасиндан баттар бўлди. Мустабид аталган Николай ҳам матбуот оламин бу даража

1. Ражабов Қ. Туркситон мухторияти тарихи. 16-бет.
2. Аҳмад С. Миллий уйғониш адабиёти. 254 бет.

исканжага олган эмас эди", дейди. Лекин шунга қарамай, айтиш жоизки, шўро тузумининг дастлабки уч-тўрт йилида матбуотда мавжуд ҳукумат, сиёсий жараёнларга нисбатан билдирилган танқидий фикр, қаршилик илгари кўрилмаган тарзда очиқ ва кескин ифода этилди. Чоризм даврида ҳам, Муваққат ҳукумат даврида ҳам ҳукуматдан норозилик бу қадар кўп ёритилмаган эди. Бу бир томондан, миллат пешволарининг берилган ваъдаларга кўра, энди ўз тақдиримиз, юртимиз эгаларимиз, деган интилишларини ифодаласа, иккинчи томондан, болшевиклар ҳукумати узоқ яшамайди, деган умидлари сўнмаганини англатар эди. Шунинг учун маориф, маданият ривожи орқали миллат ривож топиб, онг уйғонса, бир кун, албатта, ҳақ-ҳуқуқимизни қўлга киритамиз, деган жадидона қараш билан ҳаракат узлуксиз давом этди.

Бир томонда болшевик ғоялари илгари сурилди, бир томонда жадидларнинг танқидий, маърифий руҳдаги мақолалари газеталарда басма-бас босилди. Б.Ҳайит 1924 йилгача Маркс ғоялари кенг ташвиқ қилинмади, дейди. У жадид журналистларининг шўро давридаги фаолиятини икки йўналишда кечганини ёзади: "Совет маданий сиёсатининг таъсири билан жадидчи ижодкорлар 1919 йилдан эътиборан, икки гуруҳга бўлинишганди. Мирёқуб Давлат, Мағжон Жумабой, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон каби шоирлар фикрларини ўзгартирмай, Совет маданият идораларида миллий мафкура, миллий маданиятнинг такомили учун фаолиятларини давом эттирдилар. Жадидларнинг эски таъсирли шоирларидан Садриддин Айний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний ва Сакен Сайфуллин кабилар шеърларида ва бошқа фаолиятларида коммунизм руҳини ташимоқ ролини ўйнай бошладилар"[1].

1. Боймирза Ҳайит. Туркистонда жадидчилик ва унинг тугатилиши. https://kh-davron.uz/kutubxona/jadidlar-kutubxona/boymirza-hayit-

Миллатпарварлик позициясида қатъий турган журналистлар фаолиятини Чўлпон, Ғози Юнус, Ҳожи Муин мисолида кўриб чиқамиз.

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон (1897–1938) 1914–1915 йиллари "Садойи Туркистон" газетасининг Андижондаги мухбири бўлгани, Туркистон мухторияти даврида мухторият девонида иш олиб боргани, 1918–1919 йиллари шўро ҳукуматининг тазйиқи туфайли Бошқирдистонга кетиб, Закий Валидий билан ишлагани манбаларда қайд этилган[1].

1919–1920 йиллари "Иштирокиюн" газетасида адабиёт ва санъат бўлими бошқарувчиси, "Турк РосТА" деворий газетаси муҳаррири, 1921, 1922–1923 йиллари "Турон" гуруҳида мудир, "Бухоро ахбори" газетасида масъул муҳаррир, 1923–1924 йиллари Ўзбекистон Маориф комиссарлиги илмий кенгаши аъзоси, "Туркистон", "Янги Фарғона" нашрларида адабий ходим ва таҳрир ҳайъати аъзоси, 1924–1927 йиллари Москвада очилган ўзбек драмгуруҳида ўқитувчи ва таржимон, 1927–1930 йиллари "Театр" газетаси муҳаррири, 1930–1934 йиллари СССР миллатлар кенгашида таржимон вазифаларида фаолият кўрсатган.

Чўлпон дастлабки хабарлариданоқ танқидий қарашлари билан эл аро танилди. Чўлпоннинг танқидий, ҳажвий руҳдаги хабарлари унинг ўткир қалами, зийрак нигоҳи борлигини кўрсатди. Чунончи, "Қайси жинни?" сарлавҳали хабарида: Андижон ила Ўш шаҳарлари орасидаги Хўжаободда бир жинни бўлиб, бозорларда халққа баланд овозда қичқириб юрибди: "Эй биродарлар, кимки ўғлини ё қизини ўқитмаса, ул одам Худойи таолонинг катта бир неъматидан маҳрумдир", деб. Аммо катта-катта маҳалла оқсоқоллари

turkistonda-jadidchilik-va-uning-tugatilishi.html

1. Қаранг: Аҳмад С. Қизил мустамлака: эълон қилинмаган уруш. – Тошкент: Info Capital books. – 2022. – 425-бет.

халққа: “Биродарлар, кимки ўғлини ё қизини усули жадида мактабида ўқитса, тўйига ҳам, жанозасига ҳам бормасмиз”, дейдилар. “Ўқувчилар, ўйлаб кўринг, булардан қайси бири жинни?” деган мазмун ифодаланган.

“Андижондан мактуб” деган хабарида Андижоннинг машҳур миллионери Миркомил бой танқид қилинди. “Вақт” газетасида Миркомил бой ҳақида бир хабар чиққани, уни “Таржимон”, ундан “Ойна” кўчириб босганини ёзади. Унда ёзилишича, Миркомил бой табиблар тавсияси билан Вена, Берлин, Париж ва Оврупонинг бошқа пойтахтларига боради. Улардан ибрат олиш учун ўзига махсус бир автомобил сотиб олиб, миниб юради. Чўлпон бошқа ўрнак ҳозирда йўқ, деб ёзади[1]. Ёлғиз ўғлининг матбуотдаги чиқиши отасини жамоатчилик олдида мулзам қилди. У “Ўғлим жиннироқ, уни кечиринглар”, деган маънода бойнинг олдида узр-маъзур қилди.

Туркистон мухториятини қўллаб ёзган шеър ва мақолаларида Чўлпон болшевикларнинг кирдикорларини очиб ташлайди.

Октябр тўнтаришидан кейин унинг ўнлаб ижтимоий сиёсий, маърифий, санъат, адабиётга оид мақолалари чоп этилди. Чўлпон публицистикаси ҳам шеърияти каби озодлик, тенглик, адолат, миллий-руҳий юксалиш, қуллик кишанларини синдириш ғоялари билан суғорилди. Ижтимоий мавзулардаги мақолаларининг деярли барчасида ҳукуматнинг амалсизлиги, лоқайдлиги, маҳаллий ҳалқлар ҳуқуқини тан олмаслиги очиб берилди.

Чўлпон “Туркистон газетасининг 1922 йил 20 октябрда чиққан “Ҳаёт-мамот масаламиз устида”[2] сарлавҳали мақоласида ўлка Маориф комиссарлиги фаолиятини кескин танқид қилади. Ўлка маорифи комиссарлигида маърузалар

1. Андижондан мактуб. 162 бет.
2. Абдулҳамид Сулаймон. “Ҳаёт-мамот масаламиз устида // “Туркистон” газетаси, 1922 йил 20 октябр.

ичига кўмилиб ўтирган ўртоқлар ҳақиқий аҳволдан хабардор бўлсаларми? деган саволни қўяди.

Чўлпон ўлкада мактаб ўқишига эътибор қаратган кам сонли шаҳарлардан бири сифатида Хўжандни мисол келтиради. Маориф комиссарлиги Хўжандда ҳукумат ҳисобидан фақатгина саккизта мактаб очишга рухсат берган. Лекин Хўжанд маориф шуъбаси ўз ташаббуси билан 14 та мактаб очган. Таъминот муаммоларига қарамай, Хўжанд маориф шуъбаси турли йўллар билан маблағ топиб, муаллимларга таъриф бўйича эмас, балки "алоҳида договорлар ясаб, уларни бир қадар таъмин қилиб келган". Бироқ мазкур ташаббус ўлка маориф комиссарлиги томонидан "ўзбошимчалик" ва "режадан чиқиш" деб баҳоланиб, шуъбага "расмий койиш" эълон қилинган.

"Бу муомала Хўжанд маориф шуъбасида ўтириб, оз бўлса-да ишлашни истаган ўртоқларга: "Ишлама, барибир сени ишлатгани қўймаймиз", демак эмасми?" дейди Чўлпон. Таъминотсизлик сабабли мусулмон муаллимлари мактаб ишларини ташлаб кетаётганини, расмий очилган мактаблар ҳам таъминланмаётганини ёзиб, "расмиятни бузган маориф комиссарлигининг ўзи эмасми?" дейди.

Чўлпон маориф аҳволини ҳаёт-мамот масаласи сифатида баҳолаб, "Бугун бу ерлик халқнинг маорифи ўлим олдида. Маориф ишида юрган ёшларимиз, муаллимларимиз қорнини тўйғиза олмасдан маориф ишидан чекилдилар. Шундан бир аҳвол ичида ҳам Европа расмиятининг энг бачкана, энг арзимас бир боби учун шундай муомала қилмоқ тўғрими? Ўлар ҳолатда ётган кишига: "Нега меҳмонни қарши олмайсан? Қарши олмоққа чиқмадинг?" десак бўларми?" дейди.

Қаландар имзоси билан чоп этилган "Эргашиш"[1] сарлавҳали мақоласида публицист жамиятдаги бюрократизмни танқид остига олади. Мақола мазмани шундай: Пой-

1. Бухоро ахбори газетаси, 1922 йил 15 январ.

тахтимизда бутун жумҳурият учун чиқадиган битта “Ахбор” газетаси бор эди, ҳар куни чиқиб деворларда(н) бақира турған “Жарчи” бор эди. Ул Худонинг раҳматига қовушди. дейди. “Ахбор газетаси “ҳафтда икки мартаба чиқарди” деб ёзилса-да, зўр бериб, ҳа-ҳалаб, сур-сур билан қийқириб, қийин-қистов қилсангиз, ҳафтда бир марта чиқа олади. Бунинг сабаби матба машинаси гумбурлаб турса-да:“Афандим, азизим, жоним, газета чиқармоқ учун бизнинг вақтимиз йўқ. Биз иш варақаси, служебная записка, ишлаш билан машғулмиз”, дейди. Сиз уларнинг бу жавобларига ишонмайсиз, лекин шаҳримизда бирорта масъул бўлмаган ишчи қолмади. Иш варақаси бостирмаган бирор шўъба мудири қолмади. Бир кун бизнинг файтун ҳайдовчи-кўчеримиз келиб дейдирки: “Мен учун иш варақаси буюринг.” Жоним чиқди. Дедимки: “Кўчерга ҳам иш варақасими?” Кўчернинг аччиғи келди, индамасдан қовоғини буриб туриб, олдимга бир қоғоз ташлади. Ўқидим, кўрдим, мана унинг нусхаси: “Служебная записка, шўбанинг масъул отбоқари, ответственный конюх отдела”. Қизардим, уялдим, индай олмадим. Эртага куни масъул от ва масъул қашлагичга ҳам иш варақаси чиқса, яна индай олмайман. Нима дей? Замонимиз – ўзгариш замони. Кунларимиз – тақлид ва эргашиш кунлари.

1924 йилдан бошлаб Чўлпон ижоди танқид қилина бошлади. “Йиғлоқи, пессимист шоир” сифатида қораланди. (Бу ҳақда 4.5. иловага қаранг). Шоир қатл қилингунга қадар у ҳақда матбуот саҳифларидаги танқидий мақолалар охири тугамади.

Ғози Юнус фаолияти ҳақидаги тадқиқотлар[1]да у таниқли журналист, ношир, драматург сифатида таърифланади.

1. Умурзаков Ғ. Ғози Юнуснинг ижодий йули. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: 1996; Аҳмад С. Ғози Юнус. Т.: Мумтоз сўз; Тарихнинг номаълум саҳифалари. Тўплам. – Тошкент: “UNLIMITED PRINT”. 2017; Ғози Юнус. Кўз очинг. Турон эли. Тўпловчи ва сўзбоши муаллифлари: Ҳасанов Б. Алижонов М – Тошкент: Fan va talim, 2022.

Ғози Юнус[1] тараққийпарварлар сафига мардикорликдан қайтиб келгач қўшилади.

Ғози Юнус 1918 йилнинг январида “Ишчилар комитети” томонидан ташкил қилинган ҳамда Ҳисомиддин Жалолий масъул муҳаррир бўлган “Ишчилар дунёси” журнали бўлим мудири лавозими, 1919–1920 йилларда “ТуркРОСТА” ва “Иштирокиюн” газетасида адабий муҳаррир, таржимон хамда адабий ходим вазифаларида фаолият кўрсатди. 1921 йил 16 декабрда Туркистон марказий ижроия қўмитаси ва ТКП (б) Марказқўми буйруғи билан “Қизил байроқ” газетасига масъул муҳаррир этиб тайинланди. Ғози Юнус ушбу газетада 1921 йил 16 декабрдан 1922 йил январгача фаолият олиб бориб, сал кейинрок яъни 1923 йилдан бошлаб “Туркистон” газетасида ҳам ишлайди.[2] У “Қизил Байроқ” газетасини жонлантириш ва савиясини кучайтириш учун газета таҳририятига Санжар Сиддик, Шохрасул Зуннун, Аъзам Айюб, Карим Бакир, Вали Алламов, Муҳаммаджон Аҳмаджонов Муҳаммад Ҳасан ва бошка зиёлиларни жалб қилди[3].

1922 йилнинг бошига келиб “Инкилоб” журналининг таҳрир хайъати аъзоси, шу йили сентябр ойида Самарқандда чиқадиган “Камбағаллар товуши” газетасини жонланти-

1. Ғозимаҳамат Муҳаммадюнус ўғли 1887 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Бароқхон мадрасасида таҳсил олган. Юнус 1916 йилда подшо Николай II нинг “Империядаги бегона халқлар эркак аҳолисини ҳаракатдаги қўшин туманларида ҳарбий иншоотлар ва шунингдек давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш” фармонига мувофиқ Мардикорликка олинади. У рус тилини билгани учун «7-сотий таржимон» унвонида Лапландия губерниясида тилмочлик билан шуғулланади. Ғози Юнус мардикорчиликда юрган даврида душман ўқидан яраланади. 1916 йил сентябрда 3-гуруҳ ногирони сифатида хизматдан қайтарилади.

2. Ғози Юнус. Кўз очинг. Турон эли. Тўпловчи ва сўзбоши муаллифлари: Ҳасанов Б. Алижонов М – Тошкент: Fan va talim, 2022.7 бет.

3. Тарихнинг номаълум саҳифалари. Тўплам. Ирзаев Б. Абдулҳай Тожиев – давлат ва жамоат арбоби. – Тошкент: “UNLIMITED PRINT”. 2017. 66 бет.

риш мақсадида ушбу газетага масъул муҳаррир этиб тайинланди. Кўп ўтмай унинг ўрнига “Зарафшон” газетасини ташкил қилди. Ғози Юнус Самарқанддан қайтиб келгач 1922–1924 йилларда “Туркистон”, 1924 йил декабрдан бошлаб “Қизил Ўзбекистон” газетасида бўлим мудири бўлиб ишлади. 1923 йилда Туркистон МК буйруғи билан “Меҳнат ва матбуот қаҳрамони” унвони билан тақдирланди. 1923–1925 йиллари “Муштум” журнали ташкилотчиси ва масъул муҳаррири, 1927–1937 йиллари “Қизил Ўзбекистон”, “Шарқ ҳақиқати”, “Қишлоқ хўжалик” нашрлари ва “Ўзбекистон давлат нашриёти”да ходим бўлиб ишлаган[1].

Ғози Юнус публицистикаси ҳам жадидлар таъсирида шаклланган учун шўро ҳукумати томонидан фаолияти тафтиш қилиш бошланди. 1927 йили матбуотда унинг ўн йил аввал чиққан мақоласи танқид қилинди. “Бу ерда Ғози Юнус раҳбарлигида чиқарилғон “Ишчилар дунёси” исмлик журнал тўғрисида икки оғиз гапирамиз. Исмидан ишчилар нашр афкори ва йўқсуллар мафкураси учун хизмат қилиши ёғилиб турса ҳам коса тагида ним коса бор эди. Ғози Юнус бу журнал орқали нималарни айтмади: “Бизнинг учун ўктабр инқилоби инқилоблиқ қилмади. Биз бундак кутган тилагимизга эриша олмадиқ. Шунинг учун ўктабр инқилобидан кейин бизда бошқа бир инқилобнинг (миллий инқилоб демакчи) бўлиши лозим”. Ғози шу журнал орқали болшевиклар томонидан қилинғон ўктабр инқилобининг туркистонлилар (миллатчилар) учун лузуми йўқ, биз учун болшевиклар керак эмас, деган назарияни оммага тарқатишда астойдил ҳаракат қилар эди.

Татар миллатчиси Кабир Бакир, бошқирд тескарисичиси Заки Валидийлар фирқасиз бўлиб, “Иттиҳоди ислом”, “пантуркизм” маслакларини тарқатғон, болшевикларга қарши очиқдан-очиқ кураш очғон бўлсалар, фирқа аъзоси

1. Дармонова М. // Ўзбекистон тарихи журнали, 1923 йил, 1 сон.

Ғози Юнус 27 нчи йилгача фирқа билетини ушлаб, ўктабр инқилобиға ва болшевикларға бўлғон "садоқатини" расман изҳор қилди. Ғози Юнус мафкура томонидан Чўлпон ҳам Вадудлардан ўтоқлиқ қилса қиладики, қолоқ эмас, шунинг учун Ғозининг ўшалар (Чўлпон ва Вадудлар) ёниға қўшилишға таклиф қилсақ ва зиёлилар қаторидан ўрун йўқлиғини баён айлаш лозим"[1].

Ғози Юнус 1937 йили қамоққа олиниб, 1938 йили Россиянинг Вологда шаҳрига сургун қилинган. 1942 йили 5 майда очликдан вафот этган.

Булардан бошқа Мирмуҳсин Шермуҳаммад, Абдулҳамид Мажидий, Вадуд Маҳмуд, Санжар Сиддиқ, Аъзам Аюб, Қаюм Рамазон, Шокир Сулаймон, Файзи Ҳоди, Элбек, Боту сингари журналистлар ҳам жадидчилик ғоялари билан яшади, ижод қилди.

30-йилларга келиб жадидлар публицистикасида ижодий сўниш кузатилди. Рамз, киноя орқали фикр ифодаси ёки кўп масалаларга сукут тарзида жавоб берилди. "Эски зиёлилар" томонидан ёзилган мақола ва асарлар қатъий мафкуравий назорат ғалвиридан ўтказилди. Айни пайтда жадид мактаблари ёки тўгаракларида таълим олган, уларнинг интеллектуал муҳитида шаклланган, бироқ энди "янги ғоялар билан қуролланган ёш кадрлар" сифатида майдонга чиққан шахслар "эски зиёлилар"нинг "айблари"ни фош этиш, уларни "қайта тарбиялаш" ёки "ижтимоий бегона унсур" сифатида четлатишга қаратилган сиёсатнинг ижрочилари, моҳиятан қурбонларига айландилар.

1. Матбуотимиз пролетариат мафкурасига хизмат қилсин. Ўзбекистон зиёлиларининг 2-қурултойида Марказқўм матбуот шўъбаси мудири Наби Қодировнинг доклади // "Қизил Ўзбекистон" газетаси, 1927 йил, 17 октябр. Тарихнинг номаълум саҳифалари. XI китоб. / Алижонов М. Ғози Юнус. – Тошкент: Akademnashr. 2024. 109-бет.

Француз инқолобига нисбатан “Революция ўз болаларини еди”, деган ибора ишлатилади. Болшевизм унинг сиёсатини ўрнатишга астойдил хизмат қилган, ўз устоз, дўстларига қарши чиққан “инқилобчи” журналистларни ҳам еб битирди. Айниқса, миллий манфаатларни йўқотиш муҳим бўлган республикаларда бу қаттоллик жуда кенг ва ваҳшатли тус олди. Катта қирғингача қораланиб келган жадидчилик атамаси кейинчалик матбуот луғатидан атама сифатида ҳам бутун ўчирилди. “Жадид” сўзини тилга олиш ҳам даҳшат уйғотди, уларни жадидлар деб эмас, “буржуа зиёлилари, империализм малайлари” деб аталди.

Шўро матбуотида миллий-маънавий қадриятларга мафкуравий ёндашув ва симулятив барқарорлик хусусиятлари

Матбуотнинг яшовчанлиги унинг аудитория билан алоқани табиий сақлаб қолиш қобилияти, яъни аудиториянинг матбуотга эҳтиёжи билан бевосита боғлиқ. Ўз-ўзидан матбуот ўқувчисининг характери, руҳияти, керак бўлса, ахлоқи билан боғлиқ ҳолда ички муҳофаза тизимига, маънавий иммунитетга эга бўлади. Матбуотда миллий қиёфанинг қандай ифодалангани, жамият руҳияти қай ҳолатда акс этгани ва қандай ахлоқий қадриятлар илгари сурилганини таҳлил қилиш фақат медианинг яшовчанлигини аниқлашдагина эмас, балки муайян тарихий даврда миллатнинг ички ҳолати ва истиқболга муносабатини очиб бериш, унинг келажагини тасаввур қилиш, тараққиётга йўналтириш сингари масалаларда ҳам аҳамият касб этади.

ХХ асрнинг биринчи ярмида чиққан шўро нашрларида бу масалаларга қараш кескин ўзгариб борганини кузатиш мумкин. Бир миллат қиёфасини қисқа даврда ўзгартиришга бўлган сиёсий интилишлар жамиятда зиддиятли тўқнашувларга олиб келди. Бу, аввало, миллий қадриятлар билан янги ғоявий-мафкуравий талаблар, жамиятнинг ички руҳий ҳолати билан ташқи сиёсий босим ўртасидаги муносабатларда намоён бўлди.

Илгари таъкидлаганимиздек, Чор ҳукумати ҳар бир сиёсатини “туземец”ларнинг аҳвол руҳиясини кузатган ҳолда амалга оширган. Юзлаб ҳуфялар халқнинг кайфияти ҳақида маълумот тўплаб, ҳукуматни хабардор қилиб турган. Унинг давомчиси бўлган шўро ҳукумати эса ўзини “халқ ҳукумати” деб эълон қилган ҳолда халқнинг миллий табиати, руҳият ва урф одатларига ўта эътиборсиз сиёсат олиб борди. Бу эътиборсизлик халқнинг катта талофат ва қурбонлар беришига олиб келди. Масалан, маҳаллий раҳбарларнинг қаршилигига қарамай шошилинч олиб борилган “Ҳужум” ҳаракати натижасида юзлаб аёллар қурбон бўлди. Диний эътиқод, урф одатларга қарши олиб борилган қирғин-қатағон миллий руҳиятни, ҳиссиётни зиддиятларга, тушкунликка солиб қўйди.

Матбуотда миллий қадриятларнинг талқини ўзгарди. Жумладан, жадидлар публицистикасининг меҳварида турган ватанпарварлик, миллатпарварлик тушунчалари илгари шараф деб англанган бўлса, энди мамлакат учун хавф сифатида қарала бошлади. Шўро ҳукумати, энг аввало, миллатнинг қалбидаги мана шу туйғуга қарши кураш очди. “Миллатчилик” энг катта жиноят, буни тилга олиш душманлик экани расман қайд этилди. Матбуот бу “жиноят”нинг айбдорларини фош этишга киришди. Шунинг учун шўро ҳукуматининг дастлабки йилларида ватанпарварлик, миллатпарварлик сўзларини қўллашга табу қўйилгандек тушунча пайдо бўлди. “Миллатпарварлик” сўзи бутунлай лексикондан чиқариб ташланиш лозимлиги “Ишчи-деҳқон учун миллатинг бир пул аслида”, сингари ибораларда ифодаланди.

Бироқ вақт ўтиб, шўро ўз пойдеворини мустаҳкамлаб олгач, бундай қарашлар нотўғри экани айтила бошлади: “Ҳали баъзилар “ватанпарварлик” сўзини бизнинг сўзимиз эмас, у “совет” сўзи билан қўшила олмайди деб ўйлайди. Матбуо-

тимиз бундай хатоликни битириши лозим. Маркс билан Энгелс "Коммунистик манифест"да ишчиларнинг ватани йўқ, деб ёзган эдилар. Рост, буржуазия ҳукмрон бўлган жойда, қуллуқ ва эксплуататция ҳукм сурган жойда ишчиларнинг ватани йўқ. Буржуазия ватанпарварликни меҳнаткашлар оммасини алдаш, унинг миясини заҳарлаш воситасига айлантириб олган. Ишчилар синфи фақат буржуазияни қулатиб, ҳокимиятни қўлга киргизгандан кейингина ҳақиқий ватанга эга бўладилар. Маркс, Энгелс айтган эдики, "пролетариат аввал бошлаб сиёсий ҳокимиятни қўлга киргизиши, миллий синф ҳолатигача кўтарилиши, миллат сифатида тузилиши лозим"[1].

Совет ҳукуматининг қатағон машинаси қизиб, ўз кучини дунёга кўрсатишга иштиёқи ошиб боравергач, "совет ватанпарварлиги" атамасини кенг қулоч ёйдириш кўрсатмаси берилди. "Оммани совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялаш матбуотимизнинг энг муҳим вазифаларидан. Афсуски, жуда кўп газеталар бу нарсани кўнгилдагидай яхши тушуниб билиб олмаган", дея танқидий чиқишлар бошланди. Жадидлар ҳақида миллатпарварлик шиори билан Туркистон камбағал халқини жаҳон бойларига сотмоқчи эдилар, деган куракда турмас айбловлар ёғдирилди.

Партия ватанпарварлик мавзусидаги асарларни кўпайтиришга эътибор қаратди. "...ватанпарварлик темасидаги асарлар, айниқса, йигирманчи йиллар шароитида айрича аҳамиятга эга бўлди. Чунки ўша йилларда "Пролетариатнинг ватани йуқ" деган фикр юрар эди. Қаерда пролетариат булса, у ер менинг Ватаним, дейиларди. Шундай фикрни рад этиш мақсадида адабиётда бу тема янгилик ҳисобланади"[2].

1. Болшевик матбуотининг вазифалари. // Қизил Ўзбекистон газетаси, 1936 йил 12 май.
2. Қориев Б. 93 бет.

Ушбу сатрлар муаллифи Б.Қориев Олтойнинг Москвадан Тошкентга қайтишда ёзилган шеърини келтириб, уни қуйидагича шарҳлайди:

“Сўнгги йўқ соф ҳавога тўйиб бораман,
Оқ кўнглимнинг тугунин ечиб бораман.
Бу қуёшли, қип-қизил эркин ўлкага
Қучоқ-қучоқ ёш тилак билан бораман.
Шодликқа йўл очган фирқага раҳмат деб,
Тинкамдан ҳордиқни чиқариб бораман.
Ерларга қадалган бу симёғочлардан
Ўлкамнинг келгусин порлоқ деб бораман”.

(Ер юзи 4 сон 1925й)

Бу шеърда Ватанга бўлган муҳаббат тараннум этилади... ерга қадалган симёғочларда шоир ўлканинг бахт-саодатини кўради, чунки бу симёғочлар Москвадан бошланган. Ўлка қуёшли бўлиши билан бирга, ул қизил, яъни советик маънодаги қизилдир”[1].

Бадиий асарларни бунингдек таҳлил қилиш, кишан рамзи бўлган симёғочларни бахт нишонаси сифатида талқин қилиш шўро матбуоти, адабиёти, адабиётшунослигида кенг ёйилди. Бизнингча, аслида шеър муаллифи тагмаъно билан фикрини ифодалаган. Ерни тилиб кирган, ўлкани мустамлакачи марказ билан боғлаб турган симёғочлардан ўлканинг келгусини порлоқ деб кўриш мумкинми, деган савол туғилади. Бу ерда мумкин, чунки “шундай дейишга мажбурман” деган ички зиддият ҳис қилинади.

Шу тарзда қулликни бахт нашидаси деб талқин қилиш бошланди.

1. Қориев Б. 20 йиллар ўзбек совет адабиётининг асосий хусусиятлари. (Шу давр журналлари материаллари асосида): филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 1967. 94 бет.

Қуйидаги шеърга эътибор қаратимиз:

Бу кунлар топган ишчи коммунизмнинг канорини
Ҳаммаси фирқага берди ўзининг ихтиёрини[1].

Коммунизм шиори остида ўз ихтиёридан воз кечишнинг озодлик сифатида тақдим этилиши, шахсий ироданинг инкор қилиниши қуллик психологиясининг мафкуравий йўл билан шакллантирилиши эди аслида. Матбуот, адабиёт "камбағал халқ"ни қулликнинг барча унсурларини севишга ўргата бошлади.

Маклуэн коммуникация воситалари инсон ҳисларининг кенгайиши ҳисобланади, улар ҳар бир шахснинг онги ва тажрибасини шакллантиради, шу боис, улар ҳам шахсий энергиямизнинг "солиғи" сифатида амал қилади, дейди. Яъни инсон руҳий, ҳиссий энергиясини коммуникация воситаларига "солиқ" сифатида сарф қилар экан, эвазига ахборот орқали ҳисларининг кенгайиши, онгининг эгалланишига маҳкум. Маклуэн ўз фикрини машҳур психолог К. Г. Юнгнинг гаплари билан асослайди: "Ҳар бир римлик қуллар билан ўраб олинган эди. Қул ва унинг психологияси қадимги Италияни тўлдирган ва ҳар бир римлик, албатта, онгсиз равишда – қулга айланган. Чунки у доимий равишда қуллар муҳитида яшаган ва шу орқали уларнинг психологияси билан онгсиз ҳолда зарарланган. Бундай таъсирдан ҳеч ким ўзини ҳимоя қила олмайди"[2]. Шўро ҳукумати ҳам мана шундай муҳитни яратишда матбуотдан фойдаланишга интилди.

Ахлоқнинг синфийлашуви ва шахс инқирози. Жадидлар ахлоқ масаласида умуминсоний ва исломий ахлоқни бир-бирига зид қўймасдан, балки ўзаро уйғун ҳолда талқин

1. Н.М. Бўлди, албатта. Муштум. 1926.31 32 сонлар, 13 бет.
2. Маклуэн...

этдилар. Ислом ахлоқидаги адолат, ҳалоллик, масъулият, илмга интилувчанлик, меҳнатсеварлик жадид публицистикасида тўғридан-тўғри маърифат билан боғланди. Илм-маърифат ахлоқий покланишнинг энг муҳим воситаси сифатида кўрилди, чунки билим инсонни онгли қилади, унинг ихтиёри ва масъулиятини мустаҳкамлайди. Шу маънода, жадидлар ахлоқий тарбияни "итоаткор омма"ни эмас, балки мустақил фикрлайдиган, жамият тақдирига дахлдор фуқарони шакллантириш воситаси деб билдилар. Ахлоқий бузилишларни танқид қилдилар. Империя олиб келган ичкиликбозлик, фаҳш каби бузилишлар ҳақида матбуотда кўплаб танқидий мақолалар ёзилди.

Болшевиклар янги инсон тарбиясини янги ахлоқ нормаларини яратиш орқали амалга оширмоқчи бўлдилар. В.И.Ленин 1920 йилда бўлиб ўтган комсомолнинг 3 съездида: "Умуминсоний деб қабул этилган ахлоқни коммунистлар кабул қилмайдилар, коммунистлар учун маънавият ва ахлоқ-синфий категориядир, коммунистлар учун ахлоқ бу пролетариат диктатураси учун курашга ёрдам берадиган барча нарсадир"[1]. Умуминсоний ахлоқдан воз кечиш, "ҳар нарса", яъни ахлоқсизликни тарғиб қилиш шундай бошланди.

Пролетариат диктатураси эса Лениннинг таърифича, "бу эски жамиятнинг кучлари ва анъаналарига қарши тинимсиз, қонли ва қонсиз, зўравонлик ва тинч, ҳарбий ва хўжалик, педагогик ва маъмурий курашдир". Ҳеч нарса билан чекланмаган, ҳеч кандай конунлар, ҳеч кандай мутлоқ қоидалар билан қисилмаган, бевосита зўравонликка таянган ҳокимиятдан ўзга нарса эмас. Булар болшевизмнинг асл башарасиин очиб берадиган таърифлардир.

1. Бу ҳақда қаранг: Аҳмад С. Қизил мустамлака: эълон қилинмаган уруш. – Тошкент: "Info Capital Books". – 2022. –27-бет.

“Улуғ доҳий”нинг ғояларига кўра ахлоқ ҳам синфий бўлиши керак. Биз учун ахлоқ – синфий кураш манфаатига бўйсундирилган ахлоқдир, дейилди. Бир сўз билан айтганда, коммунистик ахлоқ яхшилик ва ёмонлик мезонлари, инсоннинг хулқи, виждони билан эмас, балки пролетариат манфаатларига хизмат қилиш, партияга содиқлиги мезонлари билан ўлчана борди. Матбуотда қандай одам “намунали” ёки “хатарли” экани, ким “қаҳрамон”, ким “хоин” эканини халққа кўрсатишга ружу қўйилди. Шахс қадри, манфаатлари эмас, “синф манфаати” ахлоқ нормаларида устун қилиб қўйилди. Жадидларнинг комил инсонни тарбиялаш ҳақидаги ғоялари “тор, биқиқ, буржуазия ахлоқи” сифатида баҳоланиб, энди коммунистик ахлоқ билан тарбияланган “совет кишиси” ўз “мен”ининг, ўзлигининг эмас, балки “коллектив мен”нинг, “коллектив ўзлик”нинг эгаси бўлиши лозим, деб белгиланди.

Жадидлар таълимда дунёни англайдиган, чуқур ҳиссиётлари ва фалсафалари ила тушунадиган инсонни тарбиялашни мақсад қилган эди. Совет таълими эса шахсга эмас, ишчи-деҳқон интеллектини ривожлантиришга қаратилди.

Илгари “туземец” бўлган Ўзбекистон халқи энди “совет кишиси”га айланар экан, унинг қадр-қиммати қай даражада ошди? Матбуотдаги талқинларлар зўр бериб унинг қадри юксалганини кўрсатишга йўналтирилди. Энди матбуотнинг олдига янги вазифа – янги ахлоқ соҳиби – дала қаҳрамонлари: пахта, ипак, қоракўл, полиз... қаҳрамонларини тарбиялаш вазифаси қўйилди. Улуғ қурилиш йиллари деб олқишланган 30 йилларга келиб[1], матбуотда идеал шахс – соғлом, ўлиши мумкин, лекин меҳнат қилиб чарчамайдиган, партияга содиқ, юзидан кулгу аримайдиган қиёфада гавдалантирилиши урфга айланди. Унга эски даврдагидек, “тупроқдан яралаган” деб эмас, балки мумдан яралган де-

1. О.Саидов. Сатира тили билан. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1978. 21-бет.

ган қараш зимдан ҳукмрон бўлди. Совет кишиси мумдан ясалгани учун хоҳлаган шаклга келтирилиши мумкин эди. Қаршилик қилиб қотиб қолса, уни жазо билан тоблаб эритиш, хоҳлаган кўйга солиш мумкин эди. Бу тузумнинг гуманизм шиори остидаги ўзгарувчан қиёфаси асли гуманизмга қарши қаратилганини англаб етганлар қатағон-қирғин ойболтаси тагида ўзларини кўришди. Инсонни мақсад эмас, воситага айлантирган бу тузум кейинчалик "казарма социализми" деган танқидий баҳосини олди[1].

Ўзбекистон халқи инсоний қадри нуқтаи назаридан қаралганда, илгари унга "қўйдек" итоаткор омма сифатида муносабат қилинган бўлса, кейинчалик у меҳнатдан бошқа нарсага лойиқ эмас, гўё "чумолидек" фақат ишга сафарбар этиладиган мавжудот сифатида баҳоланганини кузатиш мумкин.

Аграр республикага айлантирилган ўлка матбуоти фақат аграр йўналишдаги мавзулар билан тўлдирилди. Шахсий туйғу адабиёт, матбуот саҳифаларидан узиб олинди. Битта мисол келтирамиз: "Маориф ва ўқитувчи" журналида чоп этилган мақолада Элбекнинг шеърлари танқид остига олинади. "Бу кунги қишлоқ" шеъри шундай танқид қилинади: "Энди, хрестоматиянинг ички мазмуни томонига ўтайлик. Масалан: 9-бетидаги "Бу кунги қишлоқ" шеърни олиб қарайлик? Бунда қишлоқлик бир ота шаҳарда ўқиб турган ўғлига хат ёзиб шундай дейди:

Кўзим ўғлим, ёруғлигим сенга,
Йиллар ўтди мени кўра олмадинг,
Бунча қиймат бўлди хатинг сенинг,
Соғлиғингдан дарак бера олмадинг!

1. Маҳмудов Ғ. Жадид адабиётида миллий истиқлол мавзуси. – Тошкент: Ўзбекистон. – 1999. – 9-бет.

Бир неча банд сўнгидан, яна:

Оқ соч онанг соғинадир сени,
Эрта туриб у-да йўлга қарар,
Баъзан тергаб сиқиб қўяр мени,
Ўзида ухламай, тонг орттирар, –

дейди ва бутун қишлоқдаги ўзгариш, янги қурилишларни ота ўғлига шу хат орқали тасвирламоқчи бўлади. Шеърдан, умуман, шундай натижа чиқариш мумкин: бу кунги қишлоқда ота ўғлини севади, она йиғлайди, кечалари ухлай олмайдир. Демак, шу билан бир оиланинг шахсий манфаатини қишлоқдаги жамоат ишлари ва гигант қурилишлардан устун қўйиладир. Бу дунёга умидсизларча қараш, дунёдан воз кечиш ва табиатга бўйин эгиб сажда қилув, ўта кетган даражада кўкнорилик хаёлига муккаси билан йиқилишдир. Адабиётдаги бу каби ярамас оқимлар билан ва тушкунлик кайфиятларига марҳаматсиз равишда ўт очувимиз лозим.

30-бетдаги “Кўкламда” сочмаси қуруқ тасвирдан иборат бўлиб, бунда бу кунги болшевик кўкламидаги суръатлар, бирлашиб ишлаш, ишбай, социал мусобақа ва зарбдорчилик, машиналаштириш ва ҳоказалар тўғрисида асар ҳам йўқ. Ҳатто:

Ҳар маржонли ўз йўлида...Ёлғиз иш севган “зотлар” тинч шанбаликда!

деб, болшевик кўкламини қуруқ-чуруқ гаплар билан баҳолашдан ҳам тортинмайдир” [1].

Шу тахлит танқидий материаллар матбуот саҳифаларини тўлдирди. Матбуотда ҳам, адабиётда ҳам шахсий изтиробни ифода этиш “майда буржуа кайфияти”, “тушкунлик”, “индивидуализм” сифатида баҳоланиб, “мафкуравий хато”

1. V. Valiyev. Muallim. (V. Valiyev. Muallim. “Kurash” bilan kurashaylik. // Maorif va o‘qituvchi. 1932, 3-son. 70–75-betlar)

деб топилди. Инсон ҳис қиладиган мавжудот эмас, балки буйруқ бажарадиган, сафарбар этилган “совет кишиси” сифатида идеаллаштирилди.

Аслида, “шахсий туйғу”нинг рад этилиши тасодифий эмас, балки мафкуравий сиёсатнинг бир қисми эди. Инсон қалби соғинч, меҳр ва изтироблар эмас, балки режа, суръат, меъёр ва ҳисобот ҳақидаги “оптимистик” ўйлардан олинган “завқ-шавқ билан тўлиши” лозим эди.

Шунинг учун совет матбуотида руҳият очиқ ифода этилмади, яширилди, унинг ўрнини расмий оптимизм, шиорбозлик эгаллади. Матбуот ҳаётни борича кўрсатиш ўрнига, “янги” ҳаёт моделини яратишга хизмат қила бошлади. Шу тариқа руҳиятни ифода этиш чекланган муҳитда инсоннинг ички овози жамиятдан сиқиб чиқарилди. Натижада одамлар онгида иккиланиш пайдо бўлди. Бир томондан реал ички ҳис-туйғулар, ахлоқий қадриятлар, иккинчи томондан, онгга сингдирилаётган ғоялар, ясама орзу-интилишлар ўртасидаги зиддият чуқурлашиб борди. Бу зиддият инсонни ички жиҳатдан парчалади, фикр билан ҳис, виждон билан мажбурий итоат ўртасида муаллақлик пайдо бўлди. Ўз аудиторияси қиёфасини ўзгартиришга уринган матбуот ҳам ташқи жиҳатдан барқарор кўринса-да, ички руҳий иммунитетдан маҳрум бўла бошлади: жамият билан табиий ишонч занжири узилди, сўзнинг қиймати пасайди, матн эса ҳис ва тажриба эмас, балки топшириқ ва қолип ифодасига айланди. Ўқувчи матбуотдан ўзини, дардига дармонини қидирмай қўйди; у газета ва журналлар саҳифаларида ҳаётни эмас, ҳаётнинг расмий талқинини кўра бошлади. Матбуот халқ билан ҳамнафас бўлмай қўйди, жамият олдидаги маънавий вазифасини ҳам бажара олмай қолди.

Биз буни айрим масалалар қиёсий таҳлили орқали кўришимиз мумкин. Миллатнинг ўзлигини кўрсатадиган алоҳи-

да мавзулар мавжуд. Тил масаласи, хотин қизлар масаласи, диний эътиқод масаласи сингари.

Биз хотин-қизлар мавзусини уч тузум матбуоти қиёсий таҳлили орқали очиб берамиз. Зеро, уларга муносабатни аниқлаш давр ва сиёсат характерини баҳолаш имконини беради.

Хотин-қизлар масалалари Туркистон(Ўзбекистон) матбуотининг барча даврларида ҳам муҳим етакчи мавзулардан бири бўлган. Россия империяси Туркистонни бутунлай забт этиш учун аввал бошданоқ аёллардан унумли фойдаланишни кўзда тутган. Таниқли рус академиики Бартольд асарларидан бирида "Туркистон аҳолиси ичида рус маъмуриятининг энг ишончли таянчи савдогарлар, деҳқонлар ва аёллардир"[1], дейди.

Чор ҳукумати руслаштириш сиёсатини амалга оширишда аёлларни таъсир доирасига олишни муҳим деб билади. Империя генерали- Корольковнинг Россия императорига тақдим этган мактубида "Туркистон ўлкасида тарих томонидан олий миссия ўтказишга чақирилган рус халқининг шифокор аёллари"нинг ўлка хотин-қизлари ва болаларини русча ҳаёт тарзига ўргатишдаги ролини алоҳида таъкидлайди: "Туземканинг насроний аёл билан бир жойда яшаши, у билан доимий ва яқин алоқаси унда ўз ҳаёт тарзини рус аёлляриникидек яхшилаш фикрини аста-секин уйғотади, насроний тасаввурларни сингдириб боради ва бу ҳол унинг ўз фарзандларини тарбиялаш жараёнига ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди. Бундай аёлнинг ўғил-қизлари мусулмон бўлмаганларга нисбатан муросасиз ва душман бўлмайди". Шундай ишни муваффақиятли бажариш учун Корольков ўлкада хотин-қизлар амбулаторияларини кўпайтиришни таклиф қилади. Бунга яна қўшимча тарзда

1. В.В Бартольд. История культурной жизни Туркестана. – Ленинград: Издательство академии Наук СССР. –1927. – С. 214.

у Россиядаги аёллар монастирларини Туркистон аёлларига "православ рус қарашларини сингдириш учун" хизматга жалб этиш заруратини ҳам таъкидлаб ўтади.[1]

Шу сабабданми Туркистонда очилган амбулаториялар ҳақида аксарият муҳаррирлари ҳарбийлардан иборат бўлган "Туркестанские ведомости" газетасида мунтазам ҳисоботлар бериб борилган. Ҳисоботни амбулатория мудираси ёзиб, унда аёллар ва болаларнинг касалхонага мурожаати, улар ўртасида кўп тарқалган касаллик сабаблари, мурожаат этган аёлларнинг миллий таркиби кўрсатилган[2].

Бундай ҳисоботлар колония маъмуриятининг маҳаллий аҳоли соғлиги ҳақидаги қайғуришидан эмас, балки рус ҳукуматига ишончи, муносабатини аниқлашдан иборат эди.

Чор ҳукуматининг нашрларида чиққан мақолаларда аёллар мавзусида рус ва маҳаллий халқ вакилларининг қарашлари бир-биридан фарқ қилишини кузатиш мумкин. Рус муаллифлар томонидан ёзилган мақолаларнинг айримларида хотин-қизлар ҳуқуқсизлиги қайд этилса, айримларида бунга қарши фикрлар берилган. Жумладан, 1875 йилда П. Маевнинг мақоласида Ўрта Осиё аёллари бир қарашда ҳуқуқлари топталган, ҳеч ким улар билан ҳисоблашмайдиган бўлиб кўринса-да, чуқурроқ таҳлил килинса, аслида ундай эмаслиги, Қуръонда ҳам аёлларнинг ҳак-ҳуқуқларига алоҳида эътибор берилганлиги, уларга қул сифатида қаралмаганлиги, уларнинг ажрашиш ҳуқуқи, меросдаги ҳуқуқлари чекланмаганлиги, хатто никоҳсиз туғилган болаларнинг ҳам меросий ҳуқуқлари чекланмаганлиги таъкидланган.[3]

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: "Шарқ" нашриёт матбаа консерни. 2000. 380-бет.
2. Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. – Тошкент: Yangi nasr. 2011. 126-бет.
3. Права срелнеазиатской женщине // Туркестанские ведомости. 1875. № 22.

“Туркистон вилояти газети”да ушбу мавзуда жадидлар ва консерватив уламолар ўртасидаги баҳсга кенг ўрин берилди.

Жадидлар аёллар мавзусига алоҳида эътибор қаратишди. Улар Туркистон аёлларининг илм ва ҳуқуқда чекланган ҳаётига жамиятнинг тараққиётига тўсқинлик қилувчи омил сифатида қарадилар. Маърифатпарвар зиёлилар аёлларнинг таълим олиши, ижтимоий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш ва уқубатли урф-одатлардан халос этишни ислоҳотларнинг муҳим қисми деб билдилар. Газета ва журналлардаги ўнлаб мақола, рисола, драмаларда хотинларнинг жамиятдаги ҳуқуқсизлиги, мажбурий никоҳ, кўпхотинлилик, аёллар таълими масалалари ёритилди.

Кўпхотинлилик масаласи жадидлар томонидан кўп кўтарилган мавзулардан эди. Маърифатпарвар жадид зиёлиси Ҳожи Муин хотираларидан бирида шундай ёзади: “Мен 1916нчи йилларда “Мазлума хотун” исмли рисоламни ёзиб турдиғим вақтда бирдан зиёда хотун олиш тўғрисинда фикрини билмак учун Беҳбудий афандининг қошиға бордим ва ондан шул ҳақда фикрини сўрадим. Бехбудий афанди жавобан шу сўзларни сўйлаган эди: “Мен бирдан ортиқ хотун олишга бутун муқобилман. Зотан, иккинчи хотун олиш учун қўйилғон шарт (адолат)ни ҳеч ким риоя қила олмайди. Шунинг учун агар мен мужтаҳид бўлса эдим, бирдан зиёда хотун олишнинг нодурустлиги тўғрисинда фатво берган бўлур эдим”[1].

Аксарият жадид зиёлилари ҳам шундай фикрда бўлишган. Абдурауф Фитрат Оила китобида шундай ёзади: “Бир нечта хотинга уйланиш оилалар- ни бахтли қиладими ёки бахтсиз? Шу оила аъзоларига шодонлик келтирадими ёки бахтсизлик? Агарда биз ўлкамиздаги икки хотинлик ки-

1. Ҳожи Муин. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият. 2000. 21-бет.

шиларнинг умумий аҳволини кўзимиз олдига келтирсак, осонлик билан ҳукм чиқарамизки, кўп хотинлилик нақадар жабр ва зулм, зулму жафо эса бадбахтлик ва аччиқ ҳаётнинг сабаби экан"[1].

1917 йил февралдан кейин жадидларнинг аёллар борасидаги ҳаракатлари сиёсий йўналишга кўчди. Бунгача аёлларга таълим бериш, уларни инсон сифатида ўз эрк ва ҳуқуқларини англашлари ҳақида қайғурган бўлсалар, февралдан кейин улар аёлларга сайлов ҳуқуқини бериш учун кураш бошладилар. Бунда "қадимчилар" деб аталган уламолар билан тўқнашув юзага келди.

1917 йил 20 августда Марғилон шаҳрида маҳаллий "Шўройи Ислом" ташкилоти фаоллари йиғилиши федералистлар фирқаси шўъбаси тузиш муносабати билан қабул қилинган қарорининг 4-бандида қуйидагилар ёзилганди: "Миллатнинг йигирма ёшга етуб ақлият пайдо қилғон ҳар бир фарзанди: эр бўлсун, хотун бўлсун, – синф, дин ва мазҳаб айирмасига боқмасдан сайламак ва сайланмак ҳақиқатга мойилдир"[2]. Бироқ тараққийпарварларнинг бундай қарорлари уламо томонидан қабул қилинмади, уламо билан жадидлар ўртасидаги мафкуравий ихтилофни янада чуқурлаштирди. Бу масала айниқса, сайлов жараёнларида янада кескинлашди.

Ихтилофнинг чуқурлашиб боришидан ташвишланган Беҳбудий бу вазиятни жуда оғир қабул қилади ва шундай ёзади: "Халқимизнинг ҳозирги ихтилофи мени дилхун этар, маъюс этар. Шуни-да ёзаманки, баъзи бир масалалар борки, ал-он бизга андин баҳс этмоқ мумкин йўқ. Масалан, хотунлар масаласини ҳозир ўртадан чиқармок лозим. Мана

1. Фитрат. Оила ва оила бошыариш тартиблари. – Тошкент: Маънавият, 2006. 226-бет.
2. Аъзамхўжаев А. Туркистон мухторияти. – Тошкент: Маънавият, 2000. - 78 бет.

бул бутун Туркистон ихтилофига сабаб бўлуб, дўстларимиз бағрини қон, душманларни хурсанд этар”[1].

Натижада, миллат бирлигини сақлаб қолиш мақсадида аёлларнинг сайлов ҳуқуқи вақтинчалик орқага сурилди. Жадидлар хотин-қизлар мақомини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга бу тарихий босқичда эриша олмадилар.

Болшевиклар ҳокимият тепасига келгач, қисқа муддат ичида жадидлар орзусидаги ҳуқуқий ислоҳотларга эришди. 1918 йилдаги совет Конститутциясида хотин-қизларга эркаклар билан бирга давлат лавозимларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи берилди. Эркаклар билан аёлларнинг оилавий ҳаётдаги тенглиги борасидаги фуқаролик никоҳи қонунийлаштирилиб, 1917 йил декабрда “Фуқаролик никоҳи тўғрисида” ва “Никоҳни бекор қилиш тўғрисида”ги иккита декрет қабул қилинди. Унга кўра ажралиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этишда эр билан хотиннинг ҳуқуқлари тенглаштирилди.[2]

Гарчи чор ҳукумати Туркистон хотин-қизларидан ўз манфаатларида фойдаланишда халқнинг кўтарилишидан қўрқиб етарлича жазм қила олмаган бўлса, болшевиклар бу масалага кўз юммади. Улар янги тузумни ўрнатишда хотин-қизларни ўз тарафдорларига айлантириш учун катта амалий ишларни режалаштирди ва амалга оширди.

Матбуот ҳам бу масалани баралла кўтарди. Жумладан, бир мақолада: “Хотин-қизларнинг оммавий суратда жамоат ишларига арлашишлари сутсиализм тузулишини яқинлашдирадир. Ленин дейдирки, “болшевизмда ва Русия ўктабр инқилобида бошлича асос сармоядорлар қўлида кўбрак зулм кўрганларни сиёсатга жалб этишдир”. Хотин қизлар-

1. Маҳмудхўжа Беҳбудий. 1-жилд. – Тошкент: “Akademnashr”. 2021. 475-бет.
2. Жўраева Н. Ўзбекистонда хотин қизларга муносабат. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти 2013. 6-бет.

ни сиёсатга жалб этмай туриб оммани жалб этиб бўлмайдир. Чунки хотин қизлар капитализм даврида мазлум бўлғонлар”[1], дейилади. Иқтибосни таҳлил қилсак, мазлум қатламлар эҳтиросларидан фойдаланиш, “кўбрак зулм кўрганларни сиёсатга жалб этиш” шўро ҳукуматининг муҳим қуролларидан бўлганин англаймиз.

Мақола муаллифи хотин-қизларни шўро ва ижроқўмларга жалб этишдан ташқари уларни профсоюз, қўшчи, ёшлар сафига, уларни моддий таъминлаш учун ипакчилик саноати, артел, капиратифларга жалб этиш, хотин-қизлар клублари ишини яхшилаш масалаларини кўтаради.

Фаол аёл ўқитувчиларнинг тайёрлов курси очилди, курс кейинчалик, 1919-йили Хотин-қизлар билим юртига айланди. 1920-йиллар давомида ушбу билим юрти битирувчилари муаллимликни бошлаб, жамият ҳаётига матбуот орқали фаол кириб боришди. Баъзилари ҳатто паранжисиз театр саҳналарида кўринишди. Билим юрти қошида қизларнинг бошланғич мактаби ҳам бўлган, аёл талабалар Москва ва Германияга ўқишга юборилган[2].

Шўро ҳукуматининг “Шарқ аёлларини озодликка чиқариш” дастурида аёлларни “турмушнинг қора зиндонларидан” қутқариш шиори остида уларни фарзанд тарбияси, уй ишларидан “юлиб олиб”, алдовдан иборат бўлган “мафкуравий фронтда”, шунингдек, янги барпо этилган давлатнинг ишчи кучига бўлган чексиз эҳтиёжларини тўлдиришда фойдаланиш мақсади йилма-йил кучайиб борди.

1921 йил 5-7 апрель кунлари бўлиб ўтган Шарқ хотин-қизлари ташкилотчиларининг биринчи мажлисида “Ажралиш эркинлиги декрети”, “Никоҳ ёши ва қалин ҳақида

1. Мўминхўжа. Хотин-қизларни умумий ва маданий ишларга жалб этайлик. Маориф ва ўқитувчи. 1926. 1 сон.
2. Адиб Халид. Ўзбекистон таваллуди – Тошкент: “Akademnashr”. 2022. 199-бет.

декрет" ишлаб чиқиш каби масалалар кун тартибидан ўрин олган эди. 1921 йил июнда Туркистон АССР Советлари Марказий Ижроия Комитетининг балоғатга етмаган қизларни эрга беришни ва кўп хотинликни таъқиқлаш, қалинни бекор қилиш тўғрисидаги декрети қабул қилинди. Шунингдек, 1928 йил МИҚ нинг III сессияси Ўзбекистон ССР учун никоҳ ҳақида янги қонун қабул қилди. Унга кўра никоҳга кириш учун ўсмир йигитлар ёши 18, қизларнинг ёши 16 қилиб белгиланди. Эр-хотиннинг ҳар иккаласи ҳам ажралиш масаласида тенг ҳуқуққа эга, деб белгилаб қўйилди. "Қалин ва кўпхотинликка" қарши кураш ҳафталиклари, ҳатто кунликлар белгиланиб, махсус тадбирлар амалга оширилди. Шунингдек, улар чиқарган қарорларнинг бирида: "Ажралиш ишлари бир ҳафтадан кечиктирмай кўриб чиқилсин", деган банд мавжуд эди. Чунки судларга ажралиш хусусида жуда кўплаб аризалар келиб тушган эди. Натижада, оила ва никоҳ масалаларида олиб борилган сиёсат минглаб оилаларнинг бузилишига, болаларнинг ота-оналари ўртасида сарсон-саргардон бўлишига, ажралиш ҳолатларининг оммалашувига, оиланинг қадрсизланиб, ижтимоий мавқеининг йўқолишига, ариза берган аёлларнинг эри, отаси ёки ака-укалари томонидан жазоланишига сабаб бўлди. Чунки асрлар давомидаги анъанавий турмуш эркакларнинг оиладаги имтиёзли ўрнини таъминлар эди. Шиддат билан кириб келган советларнинг оила ва никоҳ масаласидаги инқилобий ўзгаришлари, аввало, эркакларга қаттиқ маънан зарба берган бўлса, аёлларни тасаввурсиз "порлоқ ҳаёт" сари ундади. Бу эса, аёлларнинг ҳақиқий бахти бўлган оиласидан маҳрум бўлишига олиб келди.[1]

1. Жўраева Н. Ўзбекистонда хотин қизларга муносабат. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти 2013. 18 бет.

Ўша давр матбуотида бу мавзудаги мақолалар бот-бот кўзга ташланади. Жумладан: “Бугун халқ қозиларида бўлғон шикоятларни текшириб кўрсак, жуда кўби хотин қизлар масаласига доир бўлиб эрларидан ажралишни сўраб берган аризаларидир. Бунинг ҳам сабаби ёш қизни кучлаб сотиш ва кўрсатмай туриб истамаган кишисига эрга беришдир. Мана шунинг учун энг аввал фирқалик масъул ишчиларимиз ва ленинчи ёшлар уюшмасининг аъзолари бошқаларға ўрнак бўлсин, қилғон қарорлари амалга ошсин учун ўзларига қарашли хотин-қизларни паранжидан қутқаришлари ва паранжидан қутилғон хотин-қизларни умумий ишларга тортиш чорасини кўришлари ҳамда қалин мол тўғрисидағи қарор ва қонунларни амалга ўтказишга тиришишлари лозим”[1], дейилади бир мақолада.

Шарқ аёлларини эркаклар билан тенглаштириш сиёсатини амалга оширишда ВКП(б) МКнинг кўрсатмаси билан европа миллатига мансуб аёллар жалб қилинди. Марказдан келган ташвиқотчи аёллар эса татар аёлларини кўпроқ бу ишга жалб қилишди. Татар аёллари маҳаллий халқ тили ва урф-одатларини яхши тушунгани, шу билан бирга, ўзлари ҳам муслима бўлгани учун, маҳаллий аёллар улардан қочмас ёки улар билан мулоқотдан тортинишмас эди.

Ташвиқот ва шунга ўхшаш мақсадларда Туркистонга келган бошқа миллат аёллари Туркистон оилалари ҳаётига катта таъсир ўтказа бошлади. Буни англаган зиёлилардан бири: “замон ўзгарган, эркаклар энди ўқимишли аёлларга уйланишни хоҳлайди; агар биз қизларимизни ўқитмасак, эркаклар рус аёлларига уйланиб кетади ва миллий манфаатларга путур етади”[2], деб ёзади. Бироқ бу таъсирлардан

1. Алимов К. Хотин қизлар масаласида яна бир гап. Қизил Ўзбекистон газетаси, 1925 йил 22 июл.
2. Адиб Халид. Ўзбекистон таваллуди – Тошкент: “Akademnashr”. 2022. 199-бет.

қочиб бўлмас эди. Шўроларнинг қаттол кирдикорларидан бири “шубҳали” саналган одамларга хуфяларни оилаларига мажбуран жойлаштириш билан кечган[1]. 20-30 йиллар зиёлиларининг кўпчилиги бошқа миллат аёллари билан оила қуришган[2].

1930 йилларга келиб, аёллар шўро маъмурий тузимининг қурбонига айландилар. Ҳаётларининг ҳар бир дақиқаси ҳукумат томонидан бошқарилиб борилди. Натижада бир миллатнинг асрлар давомида шаклланган аёллар борасидаги қадрият, муносабатлари ўзгариб борди. Миллий-диний таъсирлар натижасида шаклланган аёллар онги ҳам янгиланиб, “янги очилган Гулсарахон”лар дунёқараши ва феъл-атворида сезиларли ўзгаришлар кузатилди. Собитқадамлик, ўктамлик, жасорат билан отилиб чиққан “ташаббускор” аёллар гуруҳи шаклланди. Уларда “социализм” ғоялари, социалистик қурилишлар халқ манфаатлари, фарзандларимиз келажаги учун деган тўла ишонч пайдо бўлди. Қурбон ҳайити куни қабристонга паранжисиз аёлларни тўплаб янги қонун моҳиятини тушунтирилди. (Наманганда) Маҳаллий Женотдел ва Комсомол фаоллари мозорда, у ерда бўлаётган тилавотларга қарамай, концерт уюштирди. Тадбирда қатнашган 150 аёл “вояга етмаган қизларни эрга беришнинг салбий оқибатлари” ҳақида саҳна кўринишини томоша қилди, мозорда урф бўлган одатлар (қабр тошларини ўпиш каби) гигиеник томондан зарарли экани, сифилис ва сил касалликларига олиб келиши ҳақида маъруза эшитишди[3].

1. Аҳмад С билан оғзаки суҳбатдан.
2. Мунавварқори, Абдулла Қодирий сингари жадид зиёлиларининг ҳам бошқа миллат аёлларидан ёстиқдошлари бўлганини ёзишади. Маҳмуд Ҳодиев рус аёли Валентина Василевага, Абдулҳамид Чўлпоннинг Екатерина Токаревага, Акмал Икромов Евгения Зелкинага, Файзулла Хўжаев Фатина Петровага уйланган.
3. Адиб Халид. Ўзбекистон таваллуди – Тошкент: “Akademnashr”. –

Бундай ўйламай қилинган тадбирлар кўплаб аёлларнинг умрига зомин бўлди. Юзлаб аёллар ўлдирилди. Туркистонда бундай кескин тадбирларни амалга ошириб бўлмайди, аста секинлик билан халқни кўниктириш керак деб чиққан ўзбек зиёлилари қораланди, кўп ўтмай қатағон қилинди. Матбуотда қўрбонлар ҳақида ўнлаб мақолалар ёзилди. Жумладан, қуйида "Ҳар бир берган қурбонимиз ўрнини юзлаб озод хотунлар тўлдиради" сарлавҳали мақоладан иқтбослар унинг мазмунини англатади. "Яқинда Юқори Дарғам райуни Тайлоқ қишлоғида фаолларимизда Офтобой Тоҳир қизи ваҳшийларча ўлдирилди...

Душманлар Офтобойни шундай расволиқ билан ўлдирди. Ҳужум ишига зарар бермакчи бўлдилар. Лекин Офтобойдай озодлиқ қурбонлари фақат ҳужум ишини ривожлартиришга йўл очди. Минглаб меҳнаткаш хотинлар бу ишнинг қандай зўр иш бўлғонини англадилар. Ўнталаб қурбонларимиз ўрнига юзлаб озод хотунларға эга бўлдиқ"[1].

"Аёлларни очиш" ишлари давлат сиёсатининг бошқа йўналишлари билан узвий боғланиб кетди. Миллатнинг тақдирига дахлдор масалалар аёллар ўртасида ҳам муҳокамага ташланди, улардан фойдаланишга уринилди. Масалан, 1924 йилда "Туркистон" газетасида Зиё Саиднинг хотин-қизлар масаласига бағишланган мақоласи чоп этилган. Унда Тошкентда 25 августда шаҳар хотин-қизлар бўлимининг ташаббуси билан "Хотин-қизлар клуби"да ўтган йиғилиш ҳақида ёзилади. У ерда 250-300 га яқин хотин-қиз тўпланади. Ушбу йиғилишда Россия Фирқа қўмитаси котиби Зеленский "Миллий чегараланиш" ҳақида маъруза қилади ва у келажакдаги Ўзбекистонда шўро ва партия идораларида ишловчиларнинг 50 фоизи хотин-қизлар бўлиши лозимлигини таъкидлайди.

2022. – 207-бет.

1. Айнатун. // "Янги йўл" журнали, 1928 йил. 1-сон. 14-бет.

Йиғилиш якунида миллий жумҳуриятлар тузилишини қўллаб-қувватловчи қарорлар қабул қилингани, хотин-қизларни озод қилиш масаласи ҳар бир миллий қурултойнинг кун тартибига киритилиши талаб қилингани шундай ифодаланади: “Тўпланғон хотин-қизлар миллий чегараланиш масаласини атрофлича муҳокама этканларидан кейин ушбу қарорни чиқардилар:

1. Миллий жумҳуриятлар тузилишига табрик қиламиз.

2. Шўролар ҳокимияти барча меҳнаткашлар ва мазлумларнинг бир мудофаачиси ва Шарқ хотин-қизлариға озодлиқ берадирғон бирдан-бир ҳокимиятдир. Шунинг учун миллий жумҳуриятлар тузилишининг Ўрта Осиё халқлари ўртасида шўролар ҳокимиятини мустаҳкам қилиш керак.

3. Янги тузиладирғон жумҳуриятларнинг умумжумҳуриятлар иттифоқиға аъзо бўлиб киришлари лозим...”

Мажлисда шу зайлда Ўрта Осиёда миллий-территориал чегараланиш сиёсатини амалга оширишда хотин қизларнинг “розилиги” олинди, бу сиёсат улар томонидан “қўллаб-қувватланди”.

Сайловларда аёлларнинг иштироки ҳақида ҳам мақолалар бериб борилган. “Шўро сайловида хотунлар” сарлавҳали мақола: “Бой хотунлар учун сайловға йўл йўқ” деб бошланади. Булунғур райони Жомбой қишлоғида фаол хотунлар мажлиси ўтказилади. Мажлисда 60 нафар хотин-қиз иштирок этади. “Бой ва муллалар хотунларини мажлисдан ҳайданг” дейилгандан кейин қишлоқ шўросида сайлов кампаниясига бир бой хотин сайлангани унинг ёт унсур эканлиги текшириб кўрилган, кейин унинг ўрнига бир батрак хотин сайлангани ёзилади”[1].

Шўро ҳукумати дастлабки йилларда аёллар кучидан фойдаланиш масаласига эҳтиёткорлик билан ёндашди. Лекин 20-йилларнинг охирига келганда бу ёндашув кескин

1. Ўғул. Янги йўл. 1928 йил, 1- сон. 14-бет.

тарзда ўзгариб, аёлларни эркаклар билан ҳар жабҳада "тенглаштириш" сиёсати остида хотин-қизлар жамоатчилик, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ишларга тобора кенгроқ жалб этила бошланди. Бунга сабаб, 1925 йилларга келиб, советлар ҳукуматининг моддий-иқтисодий базасини мустаҳкамлаш бош масала қилиб қўйилди. Шу мақсадда 1925 йил 15 февралда СССР МИҚнинг "Совет Шарқи меҳнаткаш хотин-қизларининг ҳуқуқлари ва уларни оилавий-маиший, иқтисодий соҳалардаги тазйиқларнинг барча кўринишларига қарши кураш ҳақида" мурожаатномаси эълон қилинди. Республика шароитида хотин-қизларга муносабат масаласидаги кескин бурилиш Ўзбекистон Компартиясининг 1 съезди (1925 йил, февраль) қабул қилган "Хотин-қизлар ўртасида ишлаш тўғрисида" резолюциядан сўнг бошланди[1].

Аёлларни ижтимоийлаштириш учун "турмушнинг қора чоҳи" – уй ишларидан юлиб олиш учун шароит яратиш лозим эди. Матбуотда бу ҳақда ўнлаб мақолаларда жар солинди. Аёллардан ишчи кучи сифатида фойдаланиш энг муҳим масалалардан бирига айланди.

Бир мақолада бу ҳақда: "Мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан кўтарилиши, қишлоқ рўзғорининг кучайиши, экин майдонининг кенгайиши, пахтачилиқ, ипакчилик ишларининг, сутчилик рўзғорининг ва шаҳар саноатининг илгарилаши буларнинг ҳаммаси янгидан қўшимча ишчи қўлларни талаб қиладир. Хотунлар энг зарур бўлғон ишчи кучи бўлиб чиқадир"[2], дейди.

Хулоса қилганда, миллат ўзлиги, ахлоқи, урф-одатларининг синфийлашуви кун тартибига чиққан жамиятда матбуот миллий қарашларни ўзгартириш ишида фаол ишти-

1. Олтой. Янги наслни коммунизм руҳида тарбиялайлик. Маориф ва ўқитувчи 1930. 1 сон.
2. Акмал Хотинлар озодлиғи масаласи.// "Қизил Ўзбекистон" газетаси. 1927 йил 9 март.

рок этди. Унинг ҳақиқатга садоқати, ахлоқий позицияси умуминсоний ахлоқ нормаларини инкор қилган тузум манфаатларига бўйсундирилди. Матбуотнинг табиий иммунитети сусайиб, симмуляция барқарорлашди.

Медиа бугун ҳам миллий қиёфани ясамоқда; бугун ҳам руҳиятни акс эттиряпти, ахлоқий чегараларни белгилаяпти. Шу маънода ўтмишни ўрганиш бугунги матбуотга огоҳлик қўнғироғи бўлиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдирашидов З. Туркистонда жадидчилик. – Тошкент: “Академнашр”. 2023.

2. Абдурашидов З. Эгамқулова Н. Борар йўлинг Туркистондир... – Тошкент: “Академнашр”. – 2023.

3. Абдухолиқов И. Давр журналист нигоҳида. – Тошкент: “ELNUR – PRINT”. 2025.

4. Аъзамахўжаев С. Туркистон мухторияти. – Тошкент: Маънавият. – 2000.

5. Алимова М. Ўзбекистонда аёллар матбуоти тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон. – 2020.

6. Афлотун. Давлат. – Т.: Янги аср авлоди. – 2024.

7. Аҳмад Сирожиддин. Убайдулла Хўжаев. – Тошкент: Info Capital Group. 2021.

8. Аҳмад Сирожиддин. Мен –сендамен... – Тошкент: Info Capital Group.

9. Аҳмад Сирожиддин. Миллий истиқлол адабиёти. – Тошкент: Info Capital Group. – 2018. – 268 б.

10. Боқий Н

11. Бодрийяр Ж. Симулякры и симуляции. – Москва: Издательский дом Постум. – 2015.

12. Бақоев М. Файзулла Хўжаев – журналист ва публицист. – Тошкент: Ўзбекистон. 1992.

13. Ворошилов В.В. Журналистика: Учебник. – СПб.: Изд. Михайлова, 1993. – 304 с.

14. Дўстқораев Б.Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. – 2009.

15. Добромысловъ А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. – Исторический очерк. –Ташкент: Типо лит. О.А.Порцева. –1912.

16. Дўстмуҳаммад Х. Ахборот – мўъжиза, жозиба, фалсафа. – Т.: Янги аср авлоди, 2013. – 240 б.

17. Жалолов А. Ўзганбоев Ҳ. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётида вақтли матбуотининг ўрни. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Фан" нашриёти. – 1993.

18. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. – Тошкент: Университет. – 1999.

19. Зиё Саид. Бурунғи вақтли матбуот тарихига матеиаллар. – Самарқанд: Ўзбекистон Давлат нашриёти. – 1927.

20. Исмоил Гапринский ва Туркистон. Тўплам. Дўстқораев Б. Исмоил Гапринский ва Туркистонда миллий матбуот. – Тошкент: "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси. – 2005.

21. Киричёк П.Н. Лики. Медиакультуры и маски политики. – М.: Изда-о РАГС. – 2010.

22. Кириллова Н. Медиалогия как синтез наук. – М.: Академический Проект. – 2013.

23. Маслау А. Мотивация и личность. – М.: Издательства «Питер». – 2019. – С.71.

24. Маклюэн Г. Понимание медиа: Внешние расширение человека. Пер.с анг. Николаев В. – М.: Кучково поле. – 2003. – С 9.

25. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. 1 жилд. – Тошкент: Академнашр. – 2021. – 339 б.

26. Миролимов Ш. Камарбасталик. – Тошкент: Ўзбекистон. –1987. 119 б.

27. Муминов Ф. Валюта власти. – Tashkent: IDEAL PRESS. – 2023. – С.121

28. Низомов Ф. Янгиланиш анъанаси. – Т.: Маънавият, 1998. – 80 б.

29. Остроумов Н. П. Сборник материалов для изучения быта и языка сартов. Ташкент. –1908.

30. Остроумов Н. П. Сарты. Этнографические материалы. (С портретами сартов.) – Ташент: Типография газеты "Среднеазиатская жизнь". – 1907.

31. Ражабов Қ. Туркситон мухторияти тарихи. – Тошкент: Фан. – 2023.

32. Саидов Ҳ. Буюк публицист, муҳаррир, ношир. – Тошкент: Таълим-Медиа. –2024.

33. Саидов.О. "Сатира тили билан". – Тошкент: "Ўзбекистон". – 1978.

34. "Садойи Фарғона" газетасининг миллий матбуот шаклланиши ва жадидчилик ҳаракатидаги ўрни" мавзусидаги конференция материаллари тўплами. – Фарғона. – 2024.

35. Победы октябрской революции в Узбекистане. Сборник документов. – Ташкент: Издательство академии наук Узбекской ССР. – 1963.

36. Тарихнинг номаълум саҳифалари. V жилд. Тўплам. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. – 2016. – 40 бет.

37. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни. – 2000.

38. Тоффлер Э. Третья волна – Москва: Издательства "АСТ". – 2004.

39. Фолкнер. Писатели США о литературе. 2 том. – М., 1982. – С.201.

40. Фитрат, Абдурауф. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2004. – 240 б.

41. Халид Адиб. Ўзбекистон таваллуди. – Тошкент: "Akademnashr". – 2022. –401 б.

42. Ҳайит Б.Туркистон Россия ва Ҳитой оралиғида. – Тошкент: Янги аср авлоди. –2023.

43. Ҳасанов М. Файзулла Хўжаев. – Тошкент: Ўзбекистон. – 1990.

44. Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: Университет –2008. – 236 б.

45. Ҳожи Муин. Танланган асарлар. Ғазета ўқумоқ манфаати. – Тошкент: Маънавият. – 2005.

46. Ҳасанов.Б. Ирзаев Б. Миллатимиз фидойилари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Фан ва таъоим нашриёти МЧЖ. – 2022.

47. Чўлпон Абдулҳамид. Адабиёт надур? Асарлар. 4 жилдлик. 4-жилд. – Тошкент: "Akademnashr". – 2015.

48. Ўзбекистонда маориф ва маданият масалалари. – Тошкент: Ўзбекистон давлат нашриётнинг биринчи намуна матбааси. – 1926.

49. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти – 2000.

50. Ўзбекистон матбуоти 50 йил ичида. Тўплам. – Тошкент: В.И.Ленин номидаги Тошкент давлат университети. –1967 йил. – 148 б.

51. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти. – 2000.

52. Янги Ўзбекистон тарихшунослигида Туркистон Мухторияти тарихининг ўрганилиши: янгича ёндашув ва тадқиқотлар. Тўплам. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси. –2023.

53. Шодмонова С. Немис ва турк тарихшунослигида совет мустамлакачилигига қарши кураш масалалари. – Тошкент: Абу матбуот консалт. – 2008.

54. Шодмонова С. Туркистон тарихи-матбуот кўзгусида (1870-1917 йиллар). – Тошкент: Янги нашр. – 2011. – 296 б.

55. .Қориниёзов Т.Н "Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти. –1958.

56. Ғарб фалсафаси. – Тошкент: Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти нашриёти. – 2004.

МУНДАРИЖА

Кириш 3

1-ФАСЛ

XX аср бошларида туркистондаги ижтимоий-сиёсий ва ахборот муҳитида миллий матбуотнинг ўрни 5

2-ФАСЛ

Жадид матбуоти – яшаш учун кураш майдонида 35

3-ФАСЛ

Мақсад ва маслакка собитлик – матбуот яшовчанлигининг таянчи сифатида 67

4-ФАСЛ

Жадид журналистларининг шўро матбуотидаги фаолияти 92

Фойдаланилган адабиётлар 129

НИЛУФАР НАМАЗОВА

ТУРКИСТОНДА МИЛЛИЙ МАТБУОТ ЯШАШ УЧУН КУРАШ МАЙДОНИДА

МОНОГРАФИЯ

Қайдлар учун

Муҳаррир: Муҳаммад Сиддиқ
Мусаҳҳиҳ: Малика Суюнова
Саҳифаловчи: Фарангис Абдуллаева

“TUBO NASHR” нашриёти.
100029, Тошкент шаҳри,
Юнусобод тумани 7 мавзеси, 7-уй
Тасдиқнома № 031371 (2022.01.07)
2026.15.06.да босишга рухсат этилди.
Бичими 60*84 $^{1}/_{16}$. “Cambria” гарнитураси.
Нашриёт табоғи 8,5. Шартли босма табоғи 7.9.
Адади 100 нусха.